



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



*Empowered lives.
Resilient nations.*

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Амалий қўлланма

BAKTRIA PRESS

ТОШКЕНТ
2017

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловни ва суд тизимига оид ислохотларни амалга ошириш суд идораларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, мазкур вазифани амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қаторида суд-экспертиза муассасалари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Суд экспертлик фаолияти мустақиллик йилларида фаол ривожланди ва бугунги кунда адолатни қарор топтириш, низоларнинг қонуний ҳал этилишида ўз ўрни ва мавқеига эга.

Мазкур қўлланмада республикаимизда одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этувчи суд экспертлик фаолияти тушунчаси, уни амалга оширадиган идоралар, ушбу идоралар томонидан ўтказиладиган экспертизаларнинг турлари, суд иштирокчилари учун унинг аҳамияти, судларда фуқаролик ишларини кўришда экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш тартиби батафсил ёритилган. Шунингдек, унда мавзуга оид суд амалиётидан мисоллар ва экспертиза ўтказиш билан боғлиқ суд ҳужжатларининг намуналари ҳам берилган.

Қўлланма аввало кенг оммага, шунингдек, судьялар ва суд ходимлари, адвокатлар, юридик соҳада фаолият юритаётган бошқа мутахассисларга мўлжалланган.

МУАЛЛИФЛАР:

Холмўмин ЁДГОРОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари –
фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси

Гулнора ПАРПИЕВА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

НАШР УЧУН МАСЪУЛЛАР:

Азамат САЛАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси раҳбари

Собир ХОЛБАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси компонент раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН** тайёрланган. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати материалларидан фойдаланилди. Қўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва далиллар ўзгартирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.supcourt.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон (+998 71) 239-02-67

ISBN: _____

_____ наشريёти

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1-БОБ. СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ	11
§ 1.1. Суд эксперти ва суд экспертизаси тушунчалари ва уларнинг низони адолатли ҳал этишдаги аҳамияти	13
§ 1.2. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, уларнинг қисқача мазмуни	16
§ 1.3. Суд-экспертиза муассасалари ва уларнинг турлари	26
§ 1.4. Суд экспертига қўйиладиган малакага оид талаблар. Суд экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	37
2-БОБ. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛАРДА СУД ЭКСПЕРТИЗАСINI ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ	45
§ 2.1. Суд экспертизасини тайинлаш тартиби. Эксперт олдига қўйиладиган саволларни шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари	47
§ 2.2. Суд экспертизасини тайинлашда суд процесси иштирокчилари томонидан илтимосномалар ва аризаларнинг киритилиши, ашёвий далилларнинг тақдим этилиши	53
§ 2.3. Суд экспертизаси ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, уларни тўлашга оид қоидалар	55
3-БОБ. СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ	59
§ 3.1. Суд экспертизасининг турлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Комиссиявий ва комплекс экспертиза ўтказиш тартиби	61
§ 3.2. Қўшимча ва қайта суд экспертизалари тушунчалари, уларнинг ўзаро фарқлари	72
§ 3.3. Суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари. Суд экспертизасини ўтказиш даврида тақдим этилиши мумкин бўлган қўшимча ҳужжатлар ва бошқа далилий ашёлар	77

- § 3.4. Суд экспертизаси ўтказилаётганда суд процесси иштирокчиларининг ҳозир бўлиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши 89

4-БОБ. СУД ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ. СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК 93

- § 4.1. Экспертиза хулосасининг мазмуни ва шаклига нисбатан белгиланган қонуний талаблар 95
- § 4.2. Суд экспертизасини ўтказишга оид қилинган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки чиқарилган ҳужжат (хулоса, қарор) устидан шикоят қилиш тартиби 102
- § 4.3. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши 104

ИЛОВАЛАР 107

- 1-ИЛОВА. ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУДНИНГ АЖРИМЛАРИ, СУД ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ИЛТИМОСНОМАЛАРИ ВА АРИЗАЛАРИ НАМУНАЛАРИ 109
- 2-ИЛОВА. ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗАДИГАН ТАШКИЛОТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР 135
- 3-ИЛОВА. ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР 139
- 4-ИЛОВА. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ “ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ, ЎТКАЗИШ ВА ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИГА БАҲО БЕРИШДА СУД АМАЛИЁТИДА КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН АЙРИМ МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА” 2008 ЙИЛ 12 ДЕКАБРДАГИ 24-СОНЛИ ПЛЕНУМ ҚАРОРИ 195

КИРИШ

Республикамизда инсон ҳуқуқлари, қадр-қиммати ва шаъни олий қадрият ҳисобланади. Ушбу қадриятларни эъзозлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам инсон манфаатларининг устунлигини сўзсиз таъминлашга қаратилгандир.

Айниқса, сўнги йилларда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Жумладан, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари этиб белгилаб берилди.

Жорий йилнинг 13 июнида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев маъруза қилиб, айти пайтда қўлга киритилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, соҳа ривожига танқидий ёндашиш, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган бири-бирдан муҳим ва долзарб вазифаларни самарали ҳал қилиш йўллари ва механизмлари ҳақида билдирилган аниқ таклифлар, амалий ташаббуслар асосида суд идоралари, судьялар фаолиятини - бутунлай янгича асосда, самарали ташкил этиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, судларни ҳокимиятнинг мустақил ва алоҳида тармоғи сифатида ташкил этиш, уни ўтмишдаги жазолаш органидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ҳамда ишончли ҳимоя қилувчи кучли институтга айлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу йўналишда суд идоралари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа идоралар билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, биргаликда тегишли чора-тадбирларни кўриб бормоқда.

Айниқса, судларга келиб тушаётган аризалар, даъво аризалари ва шикоятларни синчковлик билан ўрганиш, низоларни белгиланган муддатларда ва қонуний ҳал этиш, ишларни кўриш сифатини ошириш, бу борада ошкоралик ва очикликни янада кучайтириш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Суд идоралари олдидаги бундай муҳим вазифани ижобий ҳал этишга кўмаклашиш, тарафлар ўртасида юзага келаётган турли можаролар, келишмовчиликлар ва низоларни адолатли ҳал этиш, ҳақиқатни рўёбга чиқариш, судларда кўрилаётган ишлар сифатини яхшилашда суд-экспертиза муассасаларининг алоҳида ўрни бор.

Ҳаётда ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг жиддий ривожланиб бориши натижасида судлар томонидан ҳал этиладиган низоларнинг турлари ҳам кўпайиб ва мураккаблашиб бормоқда. Бу ҳолат ўз навбатида бундай низоларни ҳар томонлама ва пухта кўриб чиқиш мақсадида судлар томонидан жалб этилаётган мутахассислар ҳамда экспертлар учун муайян қийинчиликлар туғдирмоқда, уларнинг фаолиятида ҳам илғор техник воситалар ва технологиялардан фойдаланиш, янгича ишлаш усулларини жорий этиш, билим ва малакасини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ошириб бориш заруратини юзага келтирмоқда.

Суд амалиётидан маълум бўлишича, суд экспертизасини тайинлаш, уни ўтказиш, тегишли хулосани тайёрлаш жараёнлари мураккаблашиб бораётганлиги боис уни амалга оширишда судьялар ва экспертлар томонидан муайян камчилик ва хатоликларга йўл қўйилмоқда.

Бундан ташқари суд экспертизаси билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатлари ва процессуал тартиб-қоидаларнинг мазмун-моҳиятини етарли даражада билмаслик натижасида нафақат судьялар ёки экспертлар, қолаверса, суд ишларида иштирок этаётган адвокатлар ва тарафлар ҳам айрим муаммоли масалаларга дуч келишмоқда, улар ўртасида турли тушунмовчиликлар юзага келмоқда, юқори турувчи судларга асоссиз шикоятлар билан мурожаат қилишмоқда ва ҳоказо. Охир оқибат бу ҳолат ишларни кўриш сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Яна бир муҳим масала, республикамизда суд экспертизаси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турувчи етарли

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги, “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунлар ҳамда қонун ости ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ушбу қонунларда суд экспертизаси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ асосий тартиб-қоидалар, талаблар, принциплар, ушбу муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Шу билан бирга судларда одил судловни амалга ошириш, ишларни кўриб чиқиш, суд экспертизасини тайинлаш борасида муҳим ўзгаришлар содир этилаётган экан, миллий қонунчиликнинг мазкур соҳага оид қисмини ҳам такомиллаштириш, уларга тегишли равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб бориш тақозо қилинади.

Юқорида қайд этилган муаммоли масалаларни, ушбу йўналишдаги суд амалиётини чуқур ўрганган ҳолда аниқланган хато ва камчиликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф қилиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириш, суд экспертизаси фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мазмунини ёритиш, суд экспертизасини ўтказиш тартиб-таомиллари ҳақида кенгроқ тушунтиришлар бериш мақсадида мазкур қўлланма тайёрланди.

Қўлланма 4 та бобдан иборат бўлиб, дастлаб суд эксперти ва суд экспертизаси тушунчалари, уларнинг низони адолатли ҳал этишдаги аҳамияти, соҳага оид қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг мазмуни, суд-экспертиза фаолияти билан қайси муассаса ёки ташкилотлар шуғулланиши мумкинлиги, суд экспертига қўйиладиган малакага оид талаблар ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган.

Амалий қўлланманинг фуқаролик ишлари бўйича судларда суд экспертизасини тайинлаш тартибига бағишланган қисмида судда кўрилаётган ишларда иштирок этувчи шахслар томонидан экспертиза тайинлаш ҳақида қайси ҳолларда ва қандай тартибда илтимосномалар, аризалар киритилиши, ихтиёрий ёки суднинг

топшириғи асосида ашёвий далилларнинг тақдим этилиши, экспертиза ўтказиш учун сарф қилинадиган харажатларнинг қай тарзда ва кимлар томонидан қопланиши тушунтирилган.

Шунингдек, китобхонларга амалиётда фойдаланишлари учун қулайлик яратиш мақсадида судларга экспертиза тайинлаш ҳақида киритиладиган илтимосномалар ва аризаларнинг намунавий нусхалари қўлланмага илова сифатида берилган.

Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ишда иштирок этувчи шахслар судлар томонидан айнан қайси турдаги экспертизалар тайинланиши мумкинлиги, экспертизада қайси саволларга жавоблар олиниши, қайси масалалар юзасидан экспертиза тайинлаш мумкин эмаслиги, агар ўтказилган экспертиза натижасидан қониқиш ҳосил қилинмаганда, эксперт хулосасида камчилик ва хатолар мавжуд, деб ҳисобланган тақдирда қайси ҳужжат устидан шикоят қилиш лозимлиги ҳақида етарли даражада билимга эга эмаслар.

Шунинг учун қўлланмада суд экспертизасининг турлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари, комиссиявий, комплекс, қўшимча ва қайта суд экспертизалари тушунчалари, уларнинг ўзаро фарқлари, экспертиза ўтказиш асослари ва муддатлари, уни ўтказишда суд процесси иштирокчиларининг ҳозир бўлиши, қонунда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этилиши тўғрисида сўз юритилган.

Бундан ташқари, ҳар бир экспертизанинг турлари бўйича судлар томонидан чиқариладиган ҳужжатларнинг намунавий нусхалари илова сифатида келтирилган. Ушбу ҳужжатлар орқали қайси ҳолларда қандай экспертиза тайинланиши мумкинлиги, бу турдаги экспертизаларни ўтказиш қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши, экспертлар олдига саволларни қай тарзда қўйиш кераклиги ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Суд экспертизаси судлар томонидан одил судловни амалга оширилишига кўмаклашади, адолат ўрнатишга ҳамда ҳаётий ҳақиқатни тиклашга ўзининг ҳиссасини қўшади. Суд мажлисида тарафлар берган баёнот, гувоҳлар берган кўрсатмалар муҳим ўрин эгалласада, суд экспертизаси орқали аниқланган далиллар ҳам ўзига хослиги, ишончлилиги, объективлиги билан ажралиб туради.

Суд экспертизасини амалга ошириш жиддий ва масъулиятли жараён бўлганлиги боис у махсус муассасаларда ва тегишли малака, маълумот ва билимга эга бўлган мутахассислар томонидан

ўтказилади. Қонунда ушбу жараённи ўтказиш тартиби қатъий белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга амалиётда мазкур тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этмаслик, қонун нормаларини бузиш, ўз вазифаларига лоқайдлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бунга суд экспертлари томонидан ҳам, суд процесси иштирокчилари томонидан ҳам йўл қўйилади. Ушбу ҳолат суд экспертизаси муддатларининг чўзилишига, хулосанинг сифатсиз тайёрланишига, берилган саволларга етарлича жавоб олинмай қолинишига, охир оқибат, низонинг ноқонуний ва адолатсиз тарзда ечим топишига сабаб бўлади.

Шунинг учун қўлланмада суд экспертизаси бўйича тайёрланадиган хулосанинг мазмуни ва шаклига нисбатан қонунда қандай талаблар белгиланганлиги акс этган.

Бундан ташқари суд экспертизасини ўтказишга оид қилинган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки чиқарилган ҳужжат (хулоса, қарор) устидан шикоят қилиш тартиби, ушбу фаолиятга оид амалдаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қандай жавобгарликлар белгиланганлиги ёритилган.

Китобхонларга қулай бўлиши учун қўлланмада турли жадваллар ва схемалардан фойдаланилган ҳамда унга экспертиза ўтказиш билан боғлиқ айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Олий суд Пленумининг қарори илова сифатида берилган.

Қўлингиздаги қўлланмани тайёрлашда асосий эътибор унинг содда ва раvon тилда бўлишини таъминлашга, қонун талабларини кенг омма учун тушунарли тарзда шарҳлашга қаратилди.

Қўлланма судьялар, суд ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос соҳасидаги бошқа мутахассислар, талабалар ва суд экспертизасига қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

1-БОБ

**СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ
ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ
АҲАМИЯТИ**



§1.1.**Суд эксперти, суд экспертизаси
тушунчалари ва уларнинг низони
адолатли ҳал этишдаги аҳамияти**

Иш бўйича тақдим этилган ва талаб қилиб олинган далилларга тўғри баҳо бериш ва уларни ҳар тарафлама, объектив текшириш борасида фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қилинадиган масалаларга тегишли баҳо беришда экспертиза ўтказиш ва унинг хулосаларидан далил тариқасида фойдаланиш суд қарорларининг адолатлилигини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Фуқаролик ишларини судда кўриш ва низоларни қонуний ҳал этишда суд экспертизаси имкониятларидан кенг фойдаланиш муҳимдир. Чунки суд экспертизаси махсус билимларга асосланган, иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлашга қаратилган асосий процессуал восита, инкор этиб бўлмайдиган тилсиз далилдир.

Ҳозирги шароитда ушбу фаолиятнинг шакл ва усуллари мунтазам равишда такомиллашиб боришини фан ва техниканинг янги ютуқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки низоларни ҳал этишда қатор ҳолатлар юзасидан махсус билим, яъни фан, техника, санъат ёки касбни қўллаган ҳолда тадқиқот ўтказиш ва шу асосда тегишли маълумотларни олишга зарурат пайдо бўлади. Бундай тадқиқотлар махсус жиҳозланган лаборатория ва илмий тадқиқот муассасаларида тегишли билимга эга мутахассислар томонидан ўтказилади.

Шу боис, экспертизанинг назарий асосларини билиш, нафақат экспертиза доирасида илмий изланишлар ўтказиш, экспертиза муассасаларининг амалий фаолияти, ҳатто судлар учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бошқа йўналишлар каби, суд экспертизаси ҳам ривожланаётган соҳалар тоифасига киради, янги илмий маълумотлар ва уларнинг натижалари амалий фаолиятни такомиллаштиришга, суд экспертизаси, унинг айрим турларига оид назарий қарашларни бойитишга олиб келади.

Судьялар томонидан суд экспертизаси ўтказишга оид назарий билимларнинг чуқур эгалланиши, экспертиза имкониятларидан

самарали фойдаланилиши зарурдир. Бу билимлар уларга эксперт хулосаларини тўғри баҳолашга, изланишларнинг мазмун-моҳиятини чуқур тушуниб етишга ҳамда эксперт нима сабабдан айрим ҳолатларда аниқ хулосага, бошқа ҳолатларда эса тахминий (эҳтимолли) фикрларга келганлигини билишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунида суд эксперти ва суд экспертизаси тушунчасига қуйидагича таъриф берилган:

Суд эксперти – хулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс;

Суд экспертизаси – фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат.

Давлат суд эксперти бўлиб давлат суд-экспертиза муассасасининг штатида турувчи ва хизмат вазифаларига суд экспертизасини ўтказиш кирувчи лавозимда ишлайдиган шахс ҳисобланади. Давлат суд экспертизаси муассасасининг ходими суд экспертига қўйиладиган касбий ва малакавий талабларга мос келиши лозим, бу эса уни аттестациядан ўтказиш жараёнида аниқланади.

Суд экспертизаси – бу экспертизаларнинг бошқа турларидан фарқ қилувчи ва алоҳида мақомга эга бўлган бир тури. Унинг инсон фаолиятининг бошқа соҳаларидаги экспертизалар билан ўхшашлиги шундаки, у ўз мазмун-моҳиятига кўра махсус билимлардан фойдаланиб ўтказиладиган тадқиқот ҳисобланади.

Суд экспертизалари процессуал ҳаракат бўлиб, фуқаролик, иқтисодий, маъмурий ва жиноят ишлари бўйича ўтказилади. Уни ўтказиш тартиби қонун, соҳавий қонуности ҳужжатлар билан тартибга солинган, хусусан, суд экспертизалари суд, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг процессуал қонунчиликка мос ҳолда чиқарилган қарори (ажрими) асосидагина ўтказилади. Суд экспертизаларини ўтказишда фан, техника, санъат ва ҳунар соҳасида билимлардан фойдаланилади. Экспертиза иш ҳолатларини аниқлашда махсус билимлар талаб этилганда ўтказилади.

Суд экспертлари суд экспертиза тадқиқотларини мавжуд экспертиза методикаларига мос ҳолда ўтказишга мажбурдир. Агар муайян бир мутахассиснинг ваколатига тегишли бўлган савол

тадқиқотлар ўтказилмасдан ҳам ҳал этиладиган бўлса, экспертиза тайинланмайди. Бундай ҳолларда ушбу саволни ҳал қилишнинг бошқа методлари қўлланилиши лозим, масалан, мутахассис маслаҳати, маълумотномалар, гувоҳларни сўроқ қилиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (кейинчалик - ФПК)нинг 84-моддасида белгиланганидек, ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Экспертиза судда ўтказилади ёки текширишнинг хусусияти тақозо этса ёки текшириладиган объектларни судга келтиришнинг имкони бўлмаса ёхуд келтириш қийин бўлса, суддан ташқарида ўтказилади. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримда қандай масалалар бўйича экспертларнинг хулосаси талаб қилинаётганлиги ва экспертиза ўтказиш кимга топширилаётганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Шу билан бирга, ўтказилиши лозим бўлган экспертизани ўз вақтида тайинлаш, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги суд ажримида тўғри саволлар қўйиш, ўз муддатида экспертга юбориш ва тадқиқот учун тақдим қилинган материалларнинг тўлиқ ва ҳаққоний бўлиши, ишнинг қонуний муддатларда ҳал этилишига таъсир кўрсатади.

ФПКнинг талабига кўра, экспертиза хулосаси қонунда назарда тутилган суднинг исботлаш воситаларидан бири бўлиб, эксперт хулосаси бошқа далиллар йиғиндиси билан баҳоланиши лозим.

§1.2.

Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, уларнинг қисқача мазмуни

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан суд экспертизасини тайинлаш, уни ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо бериш масалалари асосан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисида”ги низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 2 мартда 2202-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мқ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 28 августда 2259-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида” 24-сонли қарори талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун Ўзбекистонда суд-экспертлик фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштирувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Бу Қонун давлат суд экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот, корхона ва муассасаларда суд экспертизаларини ташкил қилиш ва ўтказиш, давлат суд-экспертиза муассасаси, бошқа ташкилот раҳбарининг ҳамда суд экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий, илмий-услубий ва ахборот билан таъминлашга оид муҳим қоидаларни акс эттирган.

Қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, суд экспертнинг мустақиллиги, суд-эксперт текширишларининг ҳолислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари сифатида белгиланган бўлиб, Қонуннинг мақсади суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонунда суд-экспертлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунларида назарда тутилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши, шахснинг эркинлигини вақтинча чеклашни ёки унинг шахсий дахлсизлиги бузилишини талаб этувчи суд-эксперт текширишлари фақат қонунда белгиланган асослар ва тартибда ўтказилиши, давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизаси ўтказилиши муносабати билан қабул қилинган қарорлар, суд экспертнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига олиб келди деб ҳисоблаган шахс мазкур қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли эканлиги қатъий белгиланган.

Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, суд эксперти суд экспертизасини ўтказишда суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан), тарафлардан ва ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахслардан мустақилдир. Суд эксперти ўзининг фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимларига мувофиқ ўтказилган текширишлар натижаларига асосланиб хулоса беради. Суд экспертизасини тайинлаган орган

(шахс), шунингдек бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тарафлардан бирортасининг ёки ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахсларнинг фойдасини кўзлаб хулоса олиш мақсадида суд экспертига таъсир кўрсатишига йўл қўйилмайди.

Суд эксперти текширишларни ҳолисона, қатъий илмий ва амалий асосда, тегишли ихтисослик доирасида, ҳар томонлама ва тўлиқ ҳажмда ўтказиши, суд эксперт хулоса қилган фикрларнинг асослилиги ва ишончлилигини умумэътироф этилган илмий ва амалий маълумотлар базасига мувофиқ текшириш имкониятини берадиган қоидаларга асосланиши лозим.

Қонунда шунингдек, давлат суд-экспертиза муассасаси, суд экспертнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари, қўшимча ва қайта, шунингдек комиссиявий ва комплекс суд экспертизалари, суд экспертнинг хулосаси, суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий ва илмий-услубий ҳамда суд-экспертлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш, суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш, халқаро ҳамкорлик, давлат суд экспертлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг ижтимоий муҳофазаси, суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик ҳамда бошқа бир қатор ҳуқуқий талаблар акс этган.

Соҳавий процессуал қонун ҳужжатлари судларда барча турдаги – фуқаролик, иқтисодий, маъмурий, жиноий ишларни кўришда суд экспертизаларини тайинлаш ва ўтказиш тартибини белгилаб беради. Бундай қоидалар асосан қуйидаги ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий-процессуал кодекси.

Ўзбекистонда экспертиза бир неча соҳалар бўйича амалга оширилади. Ушбу соҳавий қонун ҳужжатларида тегишли экспертизаларни ташкил қилиш ва ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари белгиланган.

Давлат суд-экспертлик фаолиятини ташкил қилишда суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосига Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида” ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги “Психиатрия ёрдами тўғрисида” қонунлари киради.

Экспертиза билан боғлиқ соҳавий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-1602-сонли Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2898-сонли Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд экспертизалари муаммолари бўйича Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ҳақида”ги 299-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги “Давлат суд эксперти сифатида аттестация ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 300-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 декабрдаги “Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлигини мажбурий давлат суғуртаси тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 321-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги “Давлат суд экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот, корхона ва муассасаларда суд экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 14 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида”ги 321-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида психиатрик хизмати

фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари ҳақида”ги 207-сонли қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд экспертларининг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш тўғрисида”ги 2017 йил 13 апрелдаги 206-сонли қарори ва ҳоказо.

Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар барча вазирликлар ва идораларда суд-экспертизаларга оид қоида ва талабларни ягона тизимга солади.

Таркибида тегишли давлат суд-экспертиза муассасалари ва экспертлик бўлинмалари мавжуд бўлган ижро ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар сирасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат Божхона қўмитаси томонидан қабул қилинадиган ва ушбу муассасаларда суд экспертизаларни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солувчи йўриқномалар, буйруқлар, кўрсатмалар, низомлар, шунингдек идоралараро ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Хусусан:

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1988 йил 9 июндаги “Махсус реабилитация марказларининг жойлашуви ва хизмат кўрсатиш ҳудудлари ҳақида”ги буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1988 йил 17 октябрдаги “Руҳий касалларни умумий тартибли мажбурий даволаш бўлинмаларининг жойлашуви ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳудудлари ҳақида”ги буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 30 июндаги “руҳий касалларнинг ижтимоий-хавфли ҳаракатларини олдини олиш бўйича ишларни яхшилаш ҳақида”ги қўшма буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1994 йил 21 июлдаги буйруғи билан тасдиқланган “Такрорий, комиссиявий ва комплекс экспертизаларни ўтказиш Қоидалари”;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1994 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-

психиатриясининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари ҳақида”ги буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1996 йил 17 ноябрдаги “Суд психиатрияси бўйича тиббиёт ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1996 йил 26 ноябрдаги буйруғи билан тасдиқланган “Суд-психиатрик эксперт комиссиясининг иш фаолияти бўйича ҳисобот тузиш ҳақидаги Йўриқнома”;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1996 йил 26 ноябрдаги буйруқлари билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги штатдан ташқари бош суд-психиатр тўғрисида”ги, “Қамоққа олинган шахсларни психиатрик касалхоналарда суд-психиатрик экспертиза бўлинмалари ҳақида”ги, “Интенсив кузатувли психиатрик касалхоналар ҳақида”ги, “Психиатрик касалхонанинг умумий турдаги махсус реабилитацион бўлинмаси ҳақида”ги ва “Амбулатор суд-психиатрик эксперт комиссияси ҳақида”ги Низомлар;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1997 йил 6 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 сентябрдаги “Аҳолига психиатрик ёрдам кўрсатишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш бўйича тадбирлар ҳақида”ги буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Психиатрик ёрдам тўғриси”ги Қонунини татбиқ этиш ҳақида”ги буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2001 йил 14 ноябрдаги “Психиатрик стационарга мажбурий тарзда жойлаштириш ҳақида”ги буйруғи;

– 2001 йил 21 августдаги Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари эксперт-криминалистик хизмати иш фаолияти бўйича Йўриқнома, Эксперт-криминалистика бўлими, ИИБ Таянч эксперт-криминалистик бўлимлари, ИИБ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБ эксперт-криминалистик бўлими ҳақидаги намунавий Низом ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ эксперт-малакавий комиссия ҳақидаги Низомлар;

– 2006 йил 19 сентябрда тасдиқланган “Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза марказига одам ДНКси суд-биологик экспертизасини тайинлаш, тадқиқотга юборилаётган

материалларни тайёрлаш ва расмийлаштириш тўғрисидаги Йўриқнома”;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертиза маркази ҳақидаги Низом;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг ҳудудий бўлимлари тўғрисидаги Низом;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза марказининг лабораториялари ва бўлимлари ҳақидаги Низом;

– Давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги 300-сон қарорига илова);

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2011 йил 27 апрелдаги “Республика суд экспертиза маркази минтақавий бўлинмаларининг хизмат кўрсатиш ҳудудларини аниқлаш ҳақида”ги 30-сонли буйруғи;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг 2014 йил 29 октябрдаги “Божхона экспертизаларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби ҳақида”ги буйруғи шулар жумласидандир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномада экспертиза муассасасида суд экспертизаси фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари (шу жумладан, терговдан олдинги текшириш материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори, суд

ажрими асосида ўтказилиши белгилаб қўйилган бўлиб, муассасада ўтказиладиган суд экспертизасининг турлари батафсил санаб ўтилган.

Йўриқнома талабига кўра, олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотиغا эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги 300-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси экспертиза муассасасида суд экспертизасини ўтказди.

Шунингдек, экспертиза муассасасида суд экспертизаси бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс томонидан ҳам ўтказилиши мумкинлиги, бундай ходимлар ёки жисмоний шахсларни танлаш, улар таркибини тасдиқлаш ҳамда уларнинг фаолият тартибини белгилаш экспертиза муассасаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, йўриқномада экспертиза ўтказиш учун юбориладиган материалларни ҳамда суд экспертизасини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш масалалари кенг ва атрофлича баён этилган бўлиб, суд экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг мустақиллиги, экспертиза муассасаси раҳбарининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суд экспертизасини ўтказиш муддатлари, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари) бўйича суд экспертизаси ўтказиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш тартиби, суд экспертизаси хулосасига бўлган талаблар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 28 августда 2259-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийет экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийет экспертизасини ўтказиш тартиби ва шартлари белгиланган.

Йўриқномада суд-тиббий экспертиза муассасасида экспертизалар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори асосида, фуқаролик ва жиноят ишлари (шу жумладан, терговдан олдинги текшириш материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга доир суд ажрими бўйича ўтказилиши, шунингдек, муассасада ўтказиладиган суд экспертизасининг турлари батафсил санаб ўтилган.

Бундан ташқари, йўриқномада суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун юбориладиган материалларни расмийлаштириш, суд-тиббий экспертизасини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш масалалари кенг ва атрофлича баён этилган бўлиб, суд-тиббий экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг мустақиллиги, суд-тиббий экспертизасини ўтказиш муддатлари, экспертиза хулосасига бўлган талаблар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Марказ тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини техник-криминалистик жиҳатдан таъминлаш соҳасида:

– **анъанавий** криминалистик экспертиза ва тадқиқотлар (дактилоскопик, трасологик, хатшунослик, ҳужжатларнинг техник тадқиқоти, баллистик, совуқ қурол тадқиқотлари, портрет), махсус турдаги экспертиза ва тадқиқотлар (физик-кимёвий, портлаш техникаси, автотехник, озиқ-овқат, фоновидеоскопик, электротехник, бухгалтерлик, қурилиш-техник, компьютер технологиялари), шунингдек тегишли мутахассислар ва зарурий техник воситалар бўлганда бошқа турдаги экспертизалар ва тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

– **эксперт** тадқиқотлари, шунингдек экспертларнинг тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларида иштирок этиши самарадорлигини ошириш мақсадида ички ишлар органларининг тергов ва тезкор бўлинмалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

– **тезкор-қидирув** ва тергов амалиётининг муайян ашёвий далилларнинг эксперт тадқиқотлари бўйича эҳтиёжларини ўрганиш ва зарур бўлганда янги турдаги экспертизаларни ўтказишни ташкил этиш;

– **ҳуқуқни** муҳофаза қилувчи органлар учун комиссиян экспертизаларни ўтказишда иштирок этиш, такрорий ва ўта мураккаб экспертизаларни амалга ошириш;

– **эксперт** тадқиқотларини ўтказиш ва тезкор-қидирув тадбирлари ҳамда тергов ҳаракатларини техник-криминалистик жиҳатдан таъминлаш масалалари борасида республика ва хорижий давлатларнинг бошқа экспертиза муассасалари билан ўрнатилган тартибда ҳамкорликни амалга ошириши белгиланган.

Низомда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, марказ фаолиятини ташкил этиш ва бошқа қоидалар акс этган.

§1.3.

Суд экспертиза муассасалари ва уларнинг турлари

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ихтисослаштирилган муассаса давлат суд-экспертиза муассасаси ҳисобланади. Суд-экспертлик фаолияти тегишли давлат органларининг экспертиза бўлинмалари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Суд экспертизасини ўтказиш мазкур экспертиза бўлинмаларига топширилган ҳолларда, улар давлат суд-экспертиза муассасалари каби вазифаларни амалга оширади, ҳуқуқларга эга бўлади, мажбуриятларни бажаради ва жавобгар бўлади.

Айни бир хил ихтисосликдаги давлат суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ташкил этиш, ўтказиш, давлат суд-экспертларини касбий тайёрлаш ва ихтисослаштириш суд-экспертлик амалиётига ягона илмий-услубий ёндашув асосида амалга оширилади.


Давлат суд-экспертиза муассасасида суд-экспертизалари, бу муассаса қайси давлат органи ихтиёрида бўлса, ўша давлат органи томонидан аниқланадиган, у учун белгиланган хизмат кўрсатиш минтақаларига мувофиқ ўтказилади.

Суд-экспертизасини тайинлаган ва давлат суд-экспертиза муассасасининг хизмат кўрсатиш минтақасидан ташқарида жойлашган органлар (шахслар) учун суд-экспертизаси, истисно тариқасида, ушбу муассаса томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

Давлат суд-экспертиза муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.¹

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 12-моддаси.

Суд экспертизалари ўтказиладиган давлат муассасалари



Давлат суд экспертиза муассасаси суд-экспертлик фаолиятига ихтисослашган, яъни суд-экспертизаларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида ташкил этилган бўлади.

Одатда уларнинг расмий номланишида юқори турувчи ташкилотларнинг номи кўрсатилган бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номи Республика суд экспертиза маркази, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаси, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази ва ҳоказо.

Улар бевосита давлат ҳокимияти органларига ёки қонунчиликка биноан, суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органларининг экспертиза ўтказиш ҳақидаги тегишли ҳужжатларига мувофиқ экспертиза ўтказишга ихтисослашган махсус муассасалар ҳам ташкил қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги суд-экспертиза тизимини Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза маркази бошқаради.

Марказ (РСЭМ)нинг қуйидаги минтақавий бўлинмалари мавжуд:

- Самарқанд вилоятлараро бўлинмаси (Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари бўйича);
- Фарғона вилоятлараро бўлинмаси (Фарғона ва Наманган вилоятлари бўйича);
- Сирдарё вилоятлараро бўлинмаси (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўйича);
- Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси;
- Қашқадарё вилоятлараро бўлинмаси (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича);
- Андижон вилоят бўлинмаси;
- Хоразм вилоят бўлинмаси.

Марказ юридик шахс мақомига эга ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бўйсунди.

Марказ Адлия вазирлиги суд-экспертиза муассасалари тизимида бош ва илмий-методик муассаса ҳисобланади. Унда кўп йиллик амалий тажрибаларга асосланган илмий-назарий тадқиқотлар ҳам ўтказилади. Марказ ва унинг минтақавий бўлинмаларида суд экспертизаларининг 60 га яқин турлари ўтказилади.

Унда 8 та асосий лаборатория фаолият юритади:

- Ҳужжатларнинг криминалистик экспертизаси лабораторияси;
- Суд-фоноскопик экспертизаси лабораторияси;
- Суд-баллистик ва трасологик экспертизалар лабораторияси;
- Материаллар, ашёлар ва буюмларнинг криминалистик экспертизалари лабораторияси;
- Суд-автотехник экспертизалари лабораторияси;
- Одам ДНКси экспертизалари лабораторияси;
- Суд-иқтисодий экспертиза лабораторияси;
- Суд-қурилиш-техникавий экспертизаси лабораторияси.

Марказда оддий бирламчи экспертизалар билан бирга, юқори малака ва техник таъминотни талаб қиладиган қайта (такрорий) ва мураккаб экспертизалар ҳам ўтказилади. Бундан ташқари илмий-тадқиқот ҳамда эксперт кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-экспертиза муассасаларининг тизими ўз ичига суд-тиббий ва суд-психиатрик экспертиза муассасаларини олади.

Суд-тиббий муассасаси тизимида барча вилоятлар минтақаларида суд-тиббий экспертиза бюрolari фаолият кўрсатади. Бундан ташқари 105 та туман ва туманлараро бўлинмалар ҳам мавжуд. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш Суд-тиббий эксперти Бош бюросига юклатилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш бўйича Йўриқнома амал қилади. Бу Йўриқнома билан бирга суд-тиббий экспертиза Бюроси ҳақидаги Низом ва мазкур бюронинг ишини мувофиқлаштирувчи бир қатор қоидалар тасдиқланган. Республикада суд-тиббий экспертизалар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош суд-тиббий эксперти бошқаради ва у бир вақтни ўзида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш Бош суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғи ҳисобланади.

Амалдаги қоидаларга биноан барча суд-тиббий муассасалар ягона тузилишга эга, улар қошида суд-тиббий амбулаториялари, морфологик, суд-биологик, суд-кимёвий, тиббий криминалистика, ташкилий-методик, қайта ва комиссиян экспертизалар бўлимлари ва шу кабилар фаолият юритади. Бош бюро бошқарувчи ташкилот функциясини бажаради ва ушбу хизмат муассасаларига ташкилий, методик ва экспертлик борасида раҳбарликни амалга оширади.

Бошқа суд-тиббий муассасаларидан фарқли равишда унинг тузилишида биринчи инстанция бирламчи экспертизалар ўтказадиган суд-тиббий амбулатория ва морфологик бўлим мавжуд эмас.

Бош бюронинг мутахассислари томонидан иккинчи ва учинчи инстанциядаги мураккаб экспертизалар ўтказилади.

Ташкилий-методик жиҳатдан суд-тиббий экспертиза Бош бюросига республикамиз вилоятларидаги бош суд-тиббий экспертлари бўйсунди. Суд-тиббий экспертизалар Бюроси бўлинма мудирлари раҳбар ҳисобланадиган туманлар, туманлараро ва шаҳар суд-тиббий экспертизалари бўлинмаларини бошқаради.

Суд-тиббий экспертиза Бюроси ҳақидаги Низомда Бюронинг қуйидаги таркибий тузилмалари назарда тутилган:

- тирик шахсларни гувоҳлантириш бўлими;
- мурдалар, шу жумладан, эксгумация (яъни қабрдан олинган) мурдаларни микроскопик тадқиқотларини ўтказувчи суд-гисталогик бўлинма билан бирга мурдаларнинг суд-тиббий экспертиза бўлими (ўликхона);
- таркибига тиббий-биологик, суд-кимёвий ва тиббий криминалистика бўлинмалари кирадиган суд-тиббий лабораторияси;
- суд-тиббий экспертиза бюроси ҳақидаги Низомда назарда тутилган бюрларнинг туман, туманлараро ва шаҳар суд-тиббий экспертиза бўлинмалари;
- хўжалик бўлими.

Муайян иш материаллари ва суд-тиббий экспертиза ўтказиш ҳақидаги қарор бирор суд-тиббий экспертига ёки суд-тиббий экспертиза бюросига юборилиши мумкин. Шунда бюро бошлиғи экспертиза ўтказишни аниқ бир суд-тиббий эксперти ёки экспертлар гуруҳига топширади. Одатда экспертлар гуруҳи жабрланувчилар сони кўп бўлган авиация, темир йўл ва бошқа ҳалокатлар ёки табиий офатлар билан боғлиқ ишларни тергов қилишда зарур бўлади.

Суд-тиббий экспертиза бюроси бошлиғининг таклифига кўра терговчи суд-тиббий экспертлари комиссиясини тайинлаши мумкин. Бу каби комиссия кўп ҳолларда, тиббиёт ходимларининг касбий жиноятлари ёки турли билимлар соҳасидаги экспертларнинг фикрлари зарур бўлганда тайинланади.

Суд-тиббий экспертиза ўликхона, суд-тиббий амбулатория хонаси ёки лабораторияда ўтказилиши мумкин. Шу билан бирга, бундай экспертиза бюродан ташқарида: ҳодиса содир бўлган жойда ёки, агар сўроқ қилинувчининг руҳий ҳолатига нисбатан шубҳа туғилганда терговчининг иш хонасида ўтказилиши мумкин. Бундай вазият суд муҳокамасида ҳам юз бериши мумкин.

Таъкидланганидек, суд-тиббий экспертнинг фаолияти ФПК ва ЖПК билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган методик кўрсатмалар билан тартибга солинади. Улар суд-тиббий экспертизаларини уларнинг ҳар хил турлари учун муайян қонун талабларига риоя этиш ва тиббиётнинг замонавий ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўтказишга оид тартиб-қоидаларни белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси психиатрик хизмати

фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари ҳақида”ги 207-сон қароридида кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси психиатрик хизмати қуйидагилардан иборат:

- Республика клиник психиатрик касалхона;
- Республика психиатрик интенсив кузатув касалхонаси;
- Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва тиббиёт ОТМларидаги психиатрия, наркологиya ва психологиya кафедралари;
- Вазирлик ва идораларнинг тегишли психиатрик (психоневрологик) тузилмалари;
- Қорақалпоғистон Республикасининг Республика психоневрологик диспансерлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг психоневрологик диспансерлари;
- Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳардаги психиатрик касалхоналар;
- Марказий туман кўп профилли поликлиникаларнинг ҳудудий психиатрларининг психиатрик хоналари.

Таъкидлаш жоизки, фақат суд-психиатрик экспертиза ўтказиш фаолияти билан шуғулланадиган алоҳида муассаса республика миқёсда мавжуд эмас. Яъни, даволаш муассасалари психиатрик ёрдам кўрсатиш билан бирга суд-психиатрик экспертизаларни ҳам ўтказадилар.

Давлат суд-экспертиза муассасасининг функциялари умумий йўналишдаги психиатрик муассасанинг махсус суд-экспертиза бўлинмалари – психиатрик касалхона ва психоневрологик диспансерларга юклатилади. Бу каби муассасалар таркибида амбулатор ва стационар суд-экспертиза бўлинмалари ташкил этилади, уларда амалдаги қонунчиликка биноан экспертиза муассасаларида суд-экспертизаларини ўтказиш қоидалари асосида суд-психиатрик экспертизалар ўтказилади.

Суд-психиатрик экспертиза қуйидаги асосий турлар бўйича ўтказилади:

- амбулатор;
- стационар;
- терговчининг ишхонасида;
- суд муҳокамасида;
- сиртқи ва ўлимдан кейин.

Амбулатор экспертиза кўпинча шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан экспертиза текширувидан ўтказилаётган шахсни бир марта гувоҳлантирилиши билан характерланади. Амбулаторлик

комиссиялари психиатрик касалхона ва психоневрологик диспансерларда мавжуд бўлади.

Стационар суд-психиатрик экспертиза стационарларга эга бўлган психоневрологик касалхона, психоневрологик клиникаларда ўтказилади. Алоҳида психоневрологик касалхоналарда махсус суд-психиатрик экспертиза бўлинмалари мавжуд. Текширилувчи шахснинг стационарда бўлган даврида кузатишлар натижалари ва олинган барча маълумотларни ўрганиш якуни бўйича экспертлар комиссияси ўз хулосасини беради.

Амалдаги қонунчиликка биноан, стационар кузатиш вақти ўттиз кунлик муддатдан ошмаслиги керак. Бу кўрсатилган муддатда текширилаётган шахснинг руҳий ҳолати бўйича якуний хулоса беришнинг иложи бўлмаса, экспертлар комиссияси текшириш муддатини узайтириш бўйича асослантирилган ёзма қарор қабул қилади.

Ушбу хулосанинг нухаси экспертиза тайинлаган органга юборилади. Стационар экспертиза, одатда, касаллик тури ва даражаси ҳамда унинг ташхисини аниқлаш қийин бўлган, шунингдек лаборатория тадқиқотлари зарур бўлган шахсларга нисбатан ўтказилади.

Касалхонадаги стационар экспертизага шахслар терговчининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарори ёки суднинг экспертиза ўтказиш ҳақидаги ажрими мавжуд бўлганда қабул қилинади. Агар стационар экспертизага йўлланма ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса ва текширилувчини дарҳол қабул қилиш бўйича тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлмаса, касалхона маъмурияти шахсни қабул қилмаслиги мумкин.

Терговчининг иш хонасидаги экспертиза ўзининг хусусиятига кўра амбулатор экспертизага ўхшаш бўлади ва одатда терговчи томонидан чақириладиган психиатр томонидан ўтказилади.¹ Бу каби гувоҳлантириш жуда кам ўтказилади. Кўпинча психиатр терговчиларга маслаҳат тариқасида ўзининг фикрларини билдиради. Эксперт хулосаси одатда тавсиявий хусусиятга эга бўлади.

Суд муҳокамаси жараёнидаги экспертиза ЖПКнинг 183-моддасига биноан ўтказилади. Бундай экспертиза ишни судда кўриб

¹ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 183-моддаси.

чиқишда шахснинг руҳий (психик) лаёқатлилиги ҳақида савол туғилган тақдирда тайинланади.

Сиртқи экспертиза текширилаётган шахсни бевосита гувоҳлантиришсиз, гувоҳларнинг кўрсатувлари, тиббий ҳужжатлар, тавсияномалар ва тавсифномалар (текширилувчи шахснинг турли хатлари, кундаликлари ва кўлёзма ёзувларидан фойдаланилган ҳолда) асосида ўтказилади. Шу боис, бу турдаги экспертизаларнинг имкониятлари чегараланган.

Ўлимдан кейинги экспертиза иш материаллари бўйича ўтказилади ва текширилувчи шахснинг ўлимидан олдинги руҳий ҳолатини тавсифловчи материаллар йўқлиги туфайли у қийин вазифа ҳисобланади. Бу каби экспертиза жиноят содир этган ва судгача вафот қилган, ҳукм қилинган ва ўлган ҳамда судда руҳий ҳолати бўйича шубҳа туғилган шахснинг ҳукмини қайта кўриб чиқишда, ўзини ўлдирган шахснинг ўзини ўлдириш сабаблари тушунарсиз бўлганда ва бу сабаб руҳий касаллик бўлган деб гумон қилинган ҳолларда тайинланади ва ўтказилади.

Суд-психиатрик экспертиза муассасалари амбулатор, стационар ва аралаш бўлиши мумкин. Амбулатор муассасалари амбулатор суд-психиатрик экспертизага юборилаётган барча шахсларни амбулатор экспертизаларини ўтказиши мумкин. Иккинчи турдаги муассасалар қамоққа олинган шахсларга мўлжалланган стационарлар ва қамоққа олинмаган шахсларга мўлжалланган стационарларга бўлинади. Аралаш суд-психиатрик муассасалар деганда, бир психиатрик муассаса, масалан, психиатрик касалхона таркибида ҳам амбулатор, ҳам стационар суд-экспертиза бўлинмалари ташкил этиладиган таркибий тузилма тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси суд-психиатрик экспертиза муассасалари одатда, ушбу муассасанинг минтақавий тегишлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларга хизмат кўрсатади.

Қамоққа олинган шахсларга мўлжалланган суд-психиатрик стационар муассасалар ўзи жойлашган ҳудуднинг соғлиқни сақлаш органига бевосита бўйсунди ва ҳудудий жойлашишига кўра бир неча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хизмат кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика хизмати таркибига ҳозирги кунда қуйидагилар кирилади:

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика бош маркази;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудий ички ишлар органлари Таянч эксперт-криминалистик бўлимлари (улар – Тошкент шаҳар ИИБ Эксперт-криминалистика маркази, Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ИИБ эксперт-криминалистика бўлимлари) ва Қорақалпоғистон Республикаси эксперт-криминалистик бўлимлари;

– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (бўлимлари) Эксперт-криминалистика бўлими (гуруҳлари);

– шаҳар, туман ИИБ Эксперт-криминалистика бўлинма (гуруҳ)лари;

– шахсни идентификация қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСИЛ-ШИАТ) бўлими, бўлинмаси ва гуруҳлари.

Эксперт-криминалистика хизмати Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг суд-экспертлик фаолиятида суриштирув ва дастлабки тергов органларидан мустақил бўлган таркибий бўлинмаларидир.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Эксперт-криминалистика бош марказида экспертизалар ўтказиш билан шуғулланадиган қуйидаги асосий бўлимлар фаолият олиб боради:

1) криминалистик экспертизалар ва ҳисоблар бўлими;

2) махсус тадқиқотлар бўлими;

3) шахсни идентификация қилиш автоматлаштирилган тизими бўлими.

Бу бўлимлар турлича криминалистик ва бошқа экспертизаларни ўтказишади.

Ушбу хизматнинг иккинчи бўғинида Таянч эксперт-криминалистика бўлимлари мавжуд (ТЭКБ):

– Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт-криминалистика маркази,

Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ИИБдаги эксперт криминалистика бўлимларини таянч ЭКБлари;

– Қорақалпоғистон Республикаси эксперт-криминалистик бўлимлари.

Хизматнинг учинчи бўғинига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ва транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари киради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ эксперт-криминалистика хизматининг қуйи даражасига шаҳар, туман ва тармоқ ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлим ва бўлинмалари

киради, бу хизматда ҳам анъанавий криминалистик ва айрим турдаги бошқа экспертизалар ўтказилади.

Айни бир хил ихтисосликдаги давлат суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ташкил этиш, ўтказиш, давлат суд экспертларини касбий тайёрлаш ва ихтисослаштириш суд-экспертлик амалиётига ягона илмий-услубий ёндашув асосида амалга оширилади. Бу эса суд-экспертиза муассасаларининг қайси идорага тегишли бўлишидан қатъий назар суд экспертиза методологияси ягона бўлиши, экспертиза тадқиқотларининг методлари бир тизимли бўлиши ҳамда улар идоравий эмас, идоралараро бўлиши лозимлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси Маркази

Марказнинг минтақавий бўлинмалари:

- Самарқанд вилоятлараро бўлинмаси (Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари бўйича);
- Фарғона вилоятлараро бўлинмаси (Фарғона ва Наманган вилоятлари бўйича);
- Сирдарё вилоятлараро бўлинмаси (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўйича);
- Қорақалпоғистон Республикаси вилоят бўлинмаси;
- Қашқадарё вилоятлараро бўлинмаси (Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича);
- Андижон вилоят бўлинмаси;
- Хоразм вилоят бўлинмаси.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош Маркази

Марказнинг ҳудудий ички ишлар органлари Таянч эксперт-криминалистик бўлимлари:

- Тошкент шаҳар ИИБ Эксперт-криминалистика маркази
- Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ИИБ эксперт-криминалистика бўлимлари
- Қорақалпоғистон Республикаси эксперт-криминалистик бўлимлари

Худудий хизмат кўрсатиш принципи барча давлат суд-экспертиза муассасаларининг самарали ишлаши учун зарур шарт ҳисобланади.

Давлат суд-экспертиза муассасаларининг ютуғи – мустаҳкам илмий база, суд ва тергов амалиётининг эҳтиёжларини инobatга олган ҳолда доимий равишда такомиллаштирилиб бориладиган экспертлик тажрибаси, хорижий тажриба ва методикалардан фойдаланиш, экспертларни хорижда тайёрлаш ва малакасини оширишдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат суд-экспертиза муассасалари ва бўлинмаларида экспертлик фаолиятини амалга оширишда, илмий-техник тараққиёт ютуқлари доимий равишда татбиқ этилади, экспертизаларнинг янги турлари жорий этилади, тадқиқотларнинг янги объектлари текширилади, объектлар тадқиқотларининг янги метод ва методикалари замонавий техник воситалардан қўлланилган ҳолда ишлаб чиқилади.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан тайинланадиган экспертизалар асосан Адлия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги экспертиза муассасаларига тааллуқлидир.

§1.4.

Суд экспертига қўйиладиган малакага оид талаблар. Суд экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, давлат суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотиغا эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин.

Суд эксперти сифатида жалб этиладиган бошқа ташкилот ходими ва бошқа жисмоний шахс олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотиغا эга бўлиши лозим.

Қонуннинг 27-1-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда суд экспертларининг малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш тўғрисида”ги 206-сонли қарори билан тасдиқланган “Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, суд экспертлари ҳар икки йилда малака ошириш курсларида муайян суд-экспертлик фаолияти бўйича малакасини, шунингдек ҳуқуқий билимларини ошириб бориши шарт.

Суд экспертларининг малакасини ошириб бориш суд экспертларининг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талабларига мос равишда, вазирликлар ва идоралар томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд

экспертизаси марказининг Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув марказида вазирликлар ва идораларнинг тақдим қилинадиган буюртмасига асосан амалга оширилади.

Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўқув жараёнини юқори илмий-услубий даражада таъминлаш, малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурлари асосида касбий ва ҳуқуқий билимлар ҳамда маҳоратни доимий равишда ошириб бориш суд экспертлар учун муҳим ҳисобланади.

Қуйидагилар суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширишга оид вазифалардир:

суд экспертларининг касбий ва ҳуқуқий билимлари, кўникмалари ва маҳоратларини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ суд-экспертлик фаолияти сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий ва ҳуқуқий тайёргарликни ошириш;

малака оширишнинг бевосита ва билвосита шакллари амалиётга жорий этиш;

суд экспертлари томонидан замонавий мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологияларини самарали ўзлаштириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш;

суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Малакани ва ҳуқуқий билимларни ошириш ўз ихтисослиги бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган суд экспертлари учун ташкил қилинади.

Тегишли вазирликлар ва идоралар ушбу йўналиш бўйича:

суд экспертларининг малакасини ошириш тизимида ўқиши лозим бўлган суд экспертларининг эҳтиёжини аниқлайди ва таркибини шакллантиради;

ҳуқуқий билимларини ошириб бориш бўйича ўқув машғулотларини ўтказишда Ўқув марказига ташкилий-методик жиҳатдан кўмаклашади;

суд экспертларининг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқади;

суд экспертларининг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш бўйича ўқув жараёни сифатини мониторинг қилади ва ҳоказо.

Вазирликлар ва идоралар суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини оширишнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида амалга оширилиши учун масъулдирлар.

“Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 13-бандига мувофиқ суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бевосита ва билвосита шаклларда амалга оширилади.

Бевосита шаклда малакани ва ҳуқуқий билимларни ошириш қуйидагича ташкил қилинади:

ўқув жараёнида иштирок этиш - ўқув дастурларига мос ҳолда янги назарий ва амалий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш;

давлат суд экспертизаси муассасаларида малакавий амалиёт (стажировка) ўташ – суд экспертларининг амалий билимлари, кўникма ва малакаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда ўқув жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўллаш.

Суд экспертлари малакавий амалиёт (стажировка) ўташни хорижий давлатларнинг суд экспертлари малакасини оширишга ихтисослашган муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда вазирлик, идоралар ва давлат суд экспертизаси муассасалари билан хорижий давлатларнинг тегишли муассасалари ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан суд экспертизаси муассасаларини ривожлантириш мақсадида ажратиладиган грантлар асосида амалга оширишлари мумкин.

Билвосита шаклда малакани ва ҳуқуқий билимларини ошириш – суд экспертларининг масофадан туриб амалга ошириладиган таълим, ўз билимини мустақил ошириши, тажриба алмашиши, давлат суд экспертизаси муассасалари ва ўқув маркази томонидан ташкил этиладиган экспертларнинг семинар, давра суҳбати ва конференцияларда ҳамда бошқа шу каби тадбирларда иштирок этиши ва маърузалар билан чиқиши орқали амалга оширилади.

Масофадан туриб амалга ошириладиган таълим тегишли ўқув дастури асосида ташкил қилинади ҳамда малака оширишнинг мустақил шакли сифатида ёки малакани ва ҳуқуқий билимларни ошириш бевосита шаклининг таркибий қисми сифатида амалга оширилиши мумкин.

Суд экспертлари ўзининг билим, кўникма ва малакасини мустақил тарзда ошириб боришлари шарт. Мустақил таълим суд-

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд экспертизаси предметиға оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;

суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;

тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ва шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларға суд экспертизаси предметиға оид саволлар бериш;

суд муҳокамазида суд экспертизаси предметиға оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларға суднинг рухсати билан саволлар бериш;

СУД ЭКСПЕРТИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш;

унинг хулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасиға киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;

агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;

агар унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишни юритаётган органнинг қарорлари, шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

экспертлик фаолиятининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. “Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомда суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби, ўқув жараёнининг муддати ва давомийлиги ҳамда суд экспертлари билимини баҳолаш масалалари атрофлича ёритилган.

Малака ва ҳуқуқий билимларини оширишни ўтаётган суд экспертларига ўқишнинг бутун даври мобайнида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.¹

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги 300-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат суд эксперти сифатида аттестация ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома”га мувофиқ давлат суд эксперти тегишли тартибда аттестациядан ўтиши лозим.

Экспертиза муассасасига ишга қабул қилинаётган ходим махсус тайёргарликдан ўтиши керак. Бундай тайёргарлик қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- 1) иш жойи бўйича бевосита экспертиза муассасасидаги мустақил тайёргарлик;
- 2) олий таълим муассасаларида ўқув режасига биноан экспертлик мутахассислигини берилиши.

Давлат суд экспертиза муассасаларида суд экспертларини аттестациядан ўтказиш, экспертларнинг керакли касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарлиги даражасини, холис, барқарор ишончли натижалар олиш учун тадқиқотларнинг илмий асосланган янги метод ва методикаларини қўллашни назорат қилишни таъминлайдиган чора-тадбир ҳисобланади.

Малакавий аттестация – бу ходимнинг касбий тайёргарлик даражаси, суд-экспертлик фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, суд экспертизасининг методологиясини билиши, муайян бир турдаги суд экспертизаси ёки экспертиза мутахассислиги бўйича метод ва методикалар, кўникма ва усулларни эгаллаганлигини текшириш асосида, экспертга муайян бир тур суд экспертизасини мустақил ўтказиш ҳуқуқини бериш ёки бу ҳуқуқни узайтириш жараёни, ташкилий тадбир, яъни экспертда экспертлик ишини самарали амалга ошириш учун махсус билимлар мавжудлигини текшириш ҳисобланади.

¹ “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 27-1-моддаси.

суд эксперти сифатида ўзини ўзи рад этиши учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёки давлат суд-экспертиза муассасасининг ёхуд бошқа ташкилотнинг раҳбарига дарҳол маълум қилиш;

Ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиш, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона хулоса бериш;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиш;

ўзи ўтказган суд экспертизаси хусусида кўрсатувлар бериш ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериш;

СУД ЭКСПЕРТИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

суд экспертизасини ўтказиш муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслик;

тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаш;

иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасида суд экспертнинг ҳуқуқлари санаб кўрсатилган.

Суд эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш учун ҳар бир суд экспертиза муассасасида Эксперт-малакавий комиссиялари ташкил этилади.

Комиссия асосан қуйидагилар вазифаларни бажаради:

– давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш ва экспертиза мутахассислигининг аниқ бир турини мустақил ўтказиш ҳуқуқини бериш;

– экспертиза муассасаси раҳбари томонидан аниқланган, эксперт томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартибини қўпол равишда бузилиш ҳолатларида, давлат суд эксперти малакасини бекор қилиш ва давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш.

Суд эксперти сифатида ўзини ўзи рад этиши учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёки давлат суд-экспертиза муассасасининг ёхуд бошқа ташкилотнинг раҳбарига дарҳол маълум қилиши шарт.

Қонун суд экспертига муайян ҳуқуқлар бериш билан бирга унга фаолияти давомида амал қилиш лозими бўлган баъзи мажбуриятларни ҳам юклайди.

Қонунда белгиланган мажбуриятлардан ташқари суд эксперти:

суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга;

суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишда материаллар тўплашга;

суд экспертизаси натижаларини суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга ҳақли эмас.

Давлат суд эксперти, шунингдек:

агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбаридан ташқари бевосита бошқа бирон-бир органдан (шахсдан) суд экспертизасини ўтказиш тўғрисида топшириқлар қабул қилишга;

бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс сифатида суд экспертизасини ўтказишга ҳақли эмас.

Шунингдек, Адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббийет экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномаларда ҳар бир йўналиш бўйича экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, иш юритиш тартиблари, шунингдек экспертга нисбатан қўйиладиган малакага оид талаблар батафсил баён этилган.

2-БОБ

**ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛАРДА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ
ТАЙИНЛАШ ТАРТИБИ**



§2.1.

Суд экспертизасини тайинлаш тартиби. Эксперт олдига қўйиладиган саволларни шакллантиришнинг муҳим жиҳатлари

Ўзбекистон Республикасининг процессуал қонун ҳужжатларига кўра судья нафақат ишни кўриш жараёнида, балки ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида ҳам ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб, иш ҳолатлари ва тақдим этилган далилларга мувофиқ, эксперт хулосаси зарур деб топилган ҳолларда иш бўйича тегишли экспертиза (тиббий, психиатрия, товаршунослик, бухгалтерия ва бошқа) ўтказишни тайинлаш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлашда суд ФПКнинг 84-89-моддалари талабларини эътиборга олиши, хусусан, ишда иштирок этувчи шахсларга экспертлар олдига эксперт хулосаси бўйича жавоб берилиши лозим бўлган саволларни қўйиш ҳуқуқини тушунтириши керак.

Иш ҳолатлари бўйича шахснинг маълум ҳаракатни содир этиш вақтидаги руҳий ҳолатини аниқлаш зарур бўлган ҳолларда суд-психиатрия экспертизаси тайинлайди. Масалан, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда битим тузилган вақтда шахс ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаслиги ёки уларни бошқара олмаслигига шубҳа қилганида, шунингдек, қонунда экспертиза тайинлаш мумкинлиги белгиланган бошқа ҳолларда, хусусан, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги ва соғлиғининг сезиларли даражада яхшиланганлиги ёки соғайганлиги сабабли уни муомалага лаёқатли деб топиш ҳақидаги ишлар бўйича экспертиза тайинланади.

Бундан ташқари, суд тарафларнинг илтимосномаси ёки ўзининг ташаббуси билан иш материалларида мавжуд бўлган ёки тарафлар томонидан қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар асосида экспертиза ўтказиш мумкин деб ҳисоблаган ҳолларда, шунингдек, иш апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилаётганда эксперт

текшируви ўтказишга зарурат бўлиб, уни ўтказиш янги ҳолат ва далилларни аниқлашга олиб келади, деб топилган тақдирда ҳам экспертиза тайинлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида ҳам божхона қонунчилигини бузиш бўйича ишларни юритишда божхона органи мансабдор шахсининг қарорига асосан экспертиза ўтказиш назарда тутилган (БК 80-моддаси).

Экспертиза тайинлаш тартиби ҳар процесс турида ўзига хос хусусиятларга эга. Жиноят процессида башарти, иш бўйича: ўлимнинг сабабини, етказилган тан жароҳатларининг хусусияти ва оғирлик даражасини; жинсий алоқада бўлганликни, ҳомиладорлик ҳолатини ва ҳомилани сунъий йўл билан тушириш белгиларини; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ёшини, агар бу ҳақда ҳужжатлар бўлмаса ёки ҳужжатлар шубҳа туғдирса; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг, устидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга доир иш юритилаётган шахсининг руҳий ва жисмоний аҳволини ҳамда уларнинг ғайри ҳуқуқий қилмишни содир этаётган пайтда ўз ҳаракатларини идрок этиш ва идора қилиш лаёқатини, шунингдек жиноий жавобгарликнинг аҳамиятини тушуниш, жиноят процессида кўрсатувлар бериш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини; жабрланувчининг, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини; таносил ва бошқа юқумли касалликларга чалинган, сурункали ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка дучор бўлган шахсларни даволаш зарурлигини ва имкониятларини; гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг турлари мавжудлигини; пул белгилари, қимматли қоғозлар ва бошқа ҳужжатлар қалбакилаштирилганлигини; портлашлар, ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳодисаларнинг техникавий сабабларини аниқлаш зарур бўлганда экспертиза тайинлаш ва ўтказиш шартлиги белгиланган.¹

Соҳавий процессуал қонунчиликка мос ҳолда суд экспертизалари тегишли ваколатларга эга бошқа корхона, ташкилот, муассаса, шунингдек бошқа жисмоний шахслар томонидан

¹ Ўзбекистон Республикасининг ЖПК 173-моддаси.

амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 174-моддасига биноан, суд-тиббиёт, суд-психиатрия, суд-психология, суд-автотехника, суд-иқтисодий, криминалистика экспертизаларини фақат давлат суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, алоҳида ҳолларда эса, бошқа корхона, муассаса, ташкилотларнинг мутахассислари ўтказди. Бундай алоҳида ҳоллар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда асослантирилиши лозим. Суриштирувчи, терговчи, суднинг эксперт этиб тайинланган шахсни чақириш ва унинг экспертиза ўтказиши тўғрисидаги талаби ушбу шахс ишлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари учун мажбурийдир.

Судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриш жараёнида ёки ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида экспертиза тайинлаш асосан ФПК ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида” 24-сонли қарори талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Пленум қарорининг 8-бандига мувофиқ судларга экспертиза тайинлаш ҳақида суд ажрими чиқаришни тартибга солувчи процессуал қонун (ФПК 84–88-моддалари) нормаларига аниқ риоя этиш зарурлиги тушунтирилган.

Ушбу бандда қайд этилишича, экспертиза тайинлаш ҳақидаги суд ажрими асослантирилган бўлиши, хусусан, ажримда экспертиза тайинлаш учун асос бўлган ҳолатлар, тарафнинг айнан қайси важи ёки ишнинг айнан қайси ҳолати текширилиши ва ушбу ҳолатни текшириш учун қайси соҳадаги мутахассис фикри талаб қилиниши аниқ ва батафсил қайд этилмоғи лозим.

Материаллар экспертизага юборилаётганда суд томонидан эксперт ихтиёрига қуйидагилар тақдим қилиниши керак:

- тегишли экспертизани тайинлаш ҳақида ажрим;
- эксперт текшируви объекти бўлган предметлар ва ҳужжатлар, зарур ҳолларда эса таққослаш текширувини ўтказиш учун намуналар ҳамда ўзида экспертиза предмети тааллуқли маълумотларни мужассамлаштирган бошқа ҳужжатлар (кўздан кечириш, сўроқ қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатлар баённомалари, маълумотномалар, кўчирмалар, фотосуратлар ва бошқалар).

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги суднинг ажримида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;
- 2) экспертиза тайинлаган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби;
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар;
- 4) экспертиза тайинланган иш тўғрисида маълумотлар;
- 5) экспертиза тайинлаш асослари;
- 6) экспертиза ўтказиш юклатилган муассасанинг номи;
- 7) эксперт олдига қўйилган саволлар;
- 8) тақдим этилган объектлар ва материаллар, зарур ҳолларда эса эксперт текшируви объекти билан муомала қилишнинг алоҳида шартлари.

Экспертиза ўтказиш турли муассаса штатида бўлган икки ёки ундан ортиқ экспертларга топширилганда, ажримда текширув қайси ихтисосдаги экспертлар томонидан ўтказилиши кераклиги, экспертлар комиссияси фаолиятини ташкил қилиш қайси эксперт муассасасига юклатилганлиги, текширилиши лозим бўлган объектлар ва бошқа материаллар қайси экспертиза муассасасига юборилаётганлиги ҳам кўрсатилиши лозим. Суднинг ажрими ҳар бир экспертиза муассасасига йўлланади.

Материалларнинг сақланилишини таъминлаш мақсадида, улар суд томонидан ўралиб, муҳрланган ҳолатда юборилади. Ҳудудда унинг ичидаги предметнинг номи, у қачон, қаерда, кимдан ва қайси иш бўйича олинганлиги кўрсатилиб, судьянинг имзоси ва суд муҳри билан тасдиқланиши керак.

Экспертлар ихтиёрига нусха тарзида юборилаётган ҳужжатларнинг аслига мослиги ҳақида судья томонидан белги қўйилиши ва имзоланиши ҳамда суднинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Объектларни эксперт ихтиёрига юбориш мумкин бўлмаган ҳолларда (уй, катта ҳажмдаги предметлар ва бошқалар) судлар ФПКнинг 192-моддаси талабига мувофиқ, объектларни жойида кўздан кечириш ва текширишни ташкил этишлари керак.

Экспертиза олдига ҳал қилиш учун фақат жавоби низони тўғри ҳал қилиш учун далил бўла оладиган ва фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган саволлар қўйилиши мумкин.

Судлар эксперт олдига вазифа қўйишда экспертлар хизматига қайта мурожаат этмаслик учун жавоби муайян бир ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга эга бўлган барча комплекс саволларни қамраб олишлари лозим.

Ҳал қилиниши суднинг ваколатига кирувчи ҳуқуқ тўғрисидаги саволлар эксперт олдига қўйилиши мумкин эмас.

Тегишли экспертиза тайинлашда, ишнинг мураккаблиги, ўзига хослиги ва лозим бўлган эксперт текшируви характеридан келиб чиқиб, судлар текширув объектларини расмийлаштириш ва экспертга тақдим этиш тартибига аниқ риоя этишлари лозим.

Хусусан, суд-хатшунослик экспертизаси бўйича экспертнинг ихтиёрига тегишли текширув объектларини юборишда бевосита суд томонидан экспериментал нусхалар олиншига йўл қўйилади. Мазкур экспериментал ёзув ва имзо нусхаларини талаб қилиб олиш, шунингдек, эксперт ўрганаётган объектни кўздан кечириш тарафлар албатта хабардор қилинган ҳолда уларнинг иштирокида ўтказилади ва баённома тузилади. Лекин тегишли тарзда хабардор қилинган тарафнинг ҳозир бўлмаганлиги мазкур процессуал ҳаракатнинг амалга оширилишига монелик қилмайди. Эксперт ихтиёрига юбориш учун олинган экспериментал нусхаларнинг ҳақиқийлиги учун ишни кўрувчи судья масъулдир.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ўтказиш учун материалларни юборишда судлар Олий суд Пленумининг 2001 йил 1 июндаги “Оталикни белгилаш ҳақидаги ишларни кўришда судлар томонидан қонун ҳужжатларининг татбиқ этилиши тўғрисида”ги 6-сонли қарорининг 14-16-бандларидаги тушунтиришларидан ҳам келиб чиқишлари лозим.

Бошқа вазифалар қаторида она ва ота тарафидан яқин ва узоқ қариндошликни аниқлаш масаласини ҳал этувчи молекуляр генетикани қўллашга асосланган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси текширувлари усулларининг замонавий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, судлар марҳумнинг меросхўрлари ўртасидаги қариндошлик муносабатларини аниқлаш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда, ҳар бир аниқ ҳолат бўйича она ёки ота томонидан яқин ва узоқ қариндошликни белгилаш ҳақида иш бўйича экспертиза тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозим.

ФПКнинг 93-моддасига мувофиқ, суд томонидан экспертиза тайинланган бўлса, суд экспертиза ўтказиш тугагунига қадар иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга.

Бундай ҳолатда, судда кўрилаётган фуқаролик иши бўйича тарафлар (суд процесси иштирокчилари) томонидан суднинг иш

юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят қилиниши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Иш юритиш уни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар барҳам топгач, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига мувофиқ ёки суднинг ташаббуси билан тикланади. Иш юритиш тикланганида суд ишда иштирок этувчи шахсларни умумий асосларда чақиради.

§2.2.

Суд экспертизасини тайинлашда суд процесси иштирокчилари томонидан илтимосномалар ва аризаларнинг киритилиши, ашёвий далилларнинг тақдим этилиши

Суд мажлиси давомида суд процесси иштирокчилари томонидан экспертиза тайинлаш сўралиб келтирилган илтимоснома, аризаларда иш ҳолатларига ойдинлик ва аниқлик киритилиши мақсадга мувофиқлиги баён этилиб, экспертиза ўтказиш учун далилий ашёлар ёки бошқа иш учун аҳамиятли бўлган буюмлар ва бошқалар тақдим этилиши мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни кўриш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича илтимосномалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикр-мулоҳазалари тингланганидан кейин суднинг ажрими билан ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида”ги 24-сон қароридида қайд этилишича, процессуал қонун мазмунига кўра, судья нафақат ишни кўриш жараёнида, балки ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида ҳам ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб, иш ҳолатлари ва тақдим этилган далилларга мувофиқ, эксперт хулосаси зарур бўлган барча ҳолларда иш бўйича тегишли экспертиза (тиббий, психиатрия, товаршунослик, бухгалтерия ва бошқа) ўтказишни тайинлаш ҳуқуқига эга. Экспертиза тайинлашда ишда иштирок этувчи шахсларга экспертлар олдида эксперт хулосаси бўйича жавоб берилиши лозим бўлган саволларни қўйиш ҳуқуқи тушунтирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 11-сон қарорининг 25-бандида ашёвий далилларга қўйидагича таъриф берилган:

ашёвий далиллар деганда, ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нарсалар тушунилади. Ашёвий далиллар суд томонидан кўздан кечирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, вакилларга зарур ҳолларда - эксперт ва гувоҳларга тақдим этилади. Ашёвий далилни кўздан кечириш ФПКнинг 192-моддасига мувофиқ, жойида ўтказилишига йўл қўйилади. Кўздан кечириш далилларни таъминлаш тартибида ўтказилиши мумкин эмас. Ашёвий далилларни кўздан кечириш ҳақида суд мажлисининг баённомасида қайд қилиниши лозим бўлиб, бунга тузилган режалар, чизмалар, суратлар илова қилиниши мумкин.

Ашёвий далилларни талаб қилиб олиш ва тақдим этиш тартиби ФПКнинг 80-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унда ишда иштирок этувчи ёки иштирок этмаётган шахслардан далил сифатида бирор ашёни талаб қилиб олиш ҳақида судга илтимоснома тақдим этувчи шахс шу ашёни таърифлаб бериши ва бу ашё у ёки бу шахсда деб ҳисоблаш учун қандай асослари борлигини баён этиши лозимлиги қайд этилган.

Суд ташкилотлар ва фуқаролардан талаб қилган ашёвий далиллар бевосита судга юборилади.

Суд ашёвий далилни талаб қилиб олиш ҳақида илтимоснома тақдим этган шахсга шу далилни судга тақдим этиш учун қабул қилиб олиш ҳуқуқини берадиган сўров хатини ҳам топшириши мумкин.

Ишда иштирок этмаётган ташкилотлар ва фуқаролар талаб қилинаётган ашёни тақдим этиш ёки суд белгилаган муддатда келтириш имконига эга бўлмасалар, буни судга маълум қилиб, сабабини кўрсатишлари шарт.

Судга маълум қилинмаган, шунингдек суднинг ашёни тақдим этиш тўғрисидаги талаби суд узрсиз деб топган сабабларга кўра бажарилмаган тақдирда, бунда айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ва фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 81-моддаси, 2-қисми.

§2.3.

Суд экспертизаси ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, уларни тўлашга оид қоидалар

Экспертиза тайинланаётган ҳамма ҳолатларда тегишли экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримда ФПКнинг 113-моддаси талабларига мувофиқ, экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатларни тарафлар ўртасида тақсимлаш масаласи ҳал этилиши лозим. Агар экспертиза ўтказиш ҳақидаги илтимосномани ҳар иккала тараф киритса ёки суд ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаган ҳолларда экспертиза ўтказиш ҳақидаги ажримда харажатлар тарафлар ўртасида тенг тақсимланганлиги кўрсатилиши шарт. Қолган ҳолларда, экспертиза ўтказиш харажатлари суд ажримида экспертиза ўтказиш ҳақида илтимоснома киритган тараф зиммасига юклатилиши лозим.

Шунингдек, “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низом талабига биноан, давлат суд-экспертиза муассасасида фуқаролик ва хўжалик ишлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари) бўйича экспертизалар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш иш бўйича томонларга юкланади ва экспертизани ўтказиш бошлангунгача тўланади.

Юқорида назарда тутилган харажатларга ҳақ тўлаш миқдори давлат суд-экспертиза муассасаси ўзи тасарруфида бўлган тегишли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган тарифлар бўйича белгиланади.

Экспертизани ўтказиш бўйича харажатлар тўланмаганлиги материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтариш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари

тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холислар ўзларининг доимий яшаш жойларидан ташқаридаги суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга чақирилганда ва улар шу чақирилган жойда бир суткадан ортиқ туришлари лозим бўлганда, уларга турар жой биносини ижарага олганлик учун қилинган харажатлар ва суткалик харажатлар, шунингдек хизмат сафари билан боғлиқ қўшимча харажатлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

Экспертлар, мутахассислар бажарган иш учун энг кам иш ҳақига нисбатан - ишнинг бир соатига 0,015 - 0,020 коэффиценти бўйича ҳақ тўланади.

Экспертлар ва мутахассислар суднинг топшириғига мувофиқ бажарган ишлари учун ҳақни бу иш уларнинг хизмат бурчлари доирасига кирмаган тақдирда оладилар.

ФПКнинг 112-моддасига мувофиқ, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар улар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг, харажат тарафлардан ундириб олинган-олинмаганидан қатъий назар, суд томонидан тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги “Давлат суд-экспертиза муассасалари ёки бошқа корхона, ташкилот ёхуд муассаса томонидан суд экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 5-сон қарорининг 8-бандига асосан, ўтказиладиган суд экспертизаларининг тарификация (тўлов миқдори) суд-экспертиза муассасаси тегишли бўлган давлат ташкилотига тегишли бўлади. Тушган маблағларни сарфлаш тартиби меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Бу ҳолда судда даъвогар ёки жавобгар бўлган давлат органлари давлат суд-экспертиза муассасаларида ўтказиладиган суд экспертизалари учун тўловлардан озод этилади.

Амалдаги қонунчилик (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси)ка биноан давлат бюджетида турувчи барча давлат муассасалари ўзининг моддий-техник базасини таъминлаш ва ривожлантириш учун бюджет молиялари миқдоридан кўп миқдорда қўшимча

молиялаштириш манбаларини топиш, шунингдек, ўз олдидаги вазибаларини самарали бажариши учун тўлов асосида шартнома тузиш фаолиятини мустақил амалга оширишга ҳақли.

Шундан келиб чиқиб, барча давлат суд-экспертиза муассасалари идоровий тегишлилиги ва бўйсунуш даражасидан қатъий назар, жисмоний ва юридик шахслар учун шартнома асосида экспертиза тадқиқотларини ўтказиш, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича суд-экспертизаларини ўтказиш учун тўловларни олиш ҳуқуқига эга.

Суд-экспертиза муассасасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳамда буюртмачи (жисмоний ёки юридик шахс) билан муносабатларини тартибга солувчи асосий ҳужжат бўлиб қонунда белгиланган тартибда томонлар ўртасида тузиладиган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома ҳисобланади.

Агар экспертиза фуқаролик ёки хўжалик ишлари бўйича судларнинг ташаббуси билан ўтказиладиган бўлса, суд билан шартнома тузиш талаб этилмайди. Бундай экспертизани ўтказиш ва унинг тўловларини ундириш учун асос бўлиб суднинг тўловчини аниқлаб берадиган ажрими ҳисобланади.

Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза марказининг 2011 йил 2 мартдаги Низомида суд экспертизаларини ўтказишда пуллик хизмат кўрсатиш тартиби белгилаб қўйилган.

Тўловлар Адлия вазирининг ўринбосари ва Молия вазирининг ўринбосари томонидан тасдиқланган Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза марказида пуллик экспертизалар ва бошқа махсус тадқиқотлар ўтказиш бўйича Тариф асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2001 йил 21 августдаги Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари эксперт-криминалистика хизматининг иш фаолияти бўйича Йўриқномада пуллик илмий-тадқиқот ва ахборот хизмати кўрсатиш тартиблари назарда тутилган.

3-БОБ

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ



§3.1.

Суд экспертизасининг турлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Комиссиявий ва комплекс экспертиза ўтказиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида ўтказиладиган суд экспертизасининг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низомда батафсил санаб кўрсатилган.

Экспертиза муассасасида унинг ихтисослиги бўйича бошқа турдаги суд экспертизалари ҳам ўтказилиши мумкин.¹

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида экспертизанинг қуйидаги турлари ўтказилади:


зўраки ўлим, зўрлик ишлатилганига шубҳа бўлган ёки суд-тиббийёт текширув заруратини юзага келтирадиган бошқа ҳолатларда мурдалар экспертизаси;

тан жароҳатларининг характери ва оғирлик даражаси, ёш, жинсий ҳолат ва суд тиббийёти соҳасидаги махсус билимларни талаб этадиган бошқа масалаларни ҳал этиш учун тирик шахслар экспертизаси;

ашёвий далиллар ва биологик объектлар экспертизаси (тиббий-криминалистик экспертиза, суд-биологик экспертиза, суд-гистологик экспертиза, суд-кимё экспертизаси, суд-цитологик экспер-

¹ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мх-сон буйруғига Илова)

Х.Сулайманова номли Республика суд экспертиза маркази ва унинг худудий бўлиmlариди суд экспертизасининг куйидаги турлари




тиза, кимё-токсикологик экспертизаси, биокимёвий экспертиза, генетик экспертиза ва спектрографик экспертиза).

Суд-тиббий экспертиза муассасасида унинг ихтисослиги бўйича бошқа турдаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин.¹

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош Маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан анъанавий криминалистик экспертиза ва тадқиқотлар (дактилоскопик, трасологик, хатшунослик, ҳужжатларнинг техник тадқиқоти, баллистик, совуқ қурол тадқиқотлари, портрет), махсус турдаги экспертиза ва тадқиқотлар (физик-кимёвий, портлаш техникаси, автотехник, озиқ-овқат, фоновидеоскопик, электротехник, бухгалтерлик, қурилиш-техник, компьютер технологиялари) ва бошқа турдаги экспертизалар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида экспертизанинг қуйидаги турлари ўтказилади:



¹ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 28 августда 2259-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сон буйруғига илова)

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ТУРЛАРИ

Комиссиявий экспертиза бир хил суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча эксперт томонидан ўтказиладиган экспертиза ҳисобланади. Бунда экспертларнинг ҳар бири текширишларни тўлиқ ҳажмда ўтказиши ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади. Улар умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди.

Комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда, шунингдек, у ёки бу ҳолатларни алоҳида экспертиза ўтказиш орқали аниқлаш мумкин бўлмаган, ёхуд у бир эксперт мутахассислигининг эксперти ёки экспертлар комиссиясининг ваколати доирасидан чиққанида суд томонидан тайинланади.

Қўшимча экспертиза эксперт (экспертлар комиссияси) хулоса-сидаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа эксперт (экспертлар комиссияси) томонидан ўтказилади.

Қайта экспертиза муқаддам хулоса берилган объектларга нисбатан суд томонидан аввал қўйилган саволлар юзасидан тайинланади, бироқ уни ўтказиш бошқа экспертга (ёки экспертлар комиссиясига) топширилиши лозим.

Эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослан-тирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади.

Қайта экспертизани ўтказиш эксперт (ёки экспертлар комис-сияси) хулосасига асос қилиб олинган далиллар ҳақиқий эмас деб тан олинган ёки экспертиза ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилган тақдирда ҳам тайинланиши мумкин.

Эксперт (ёки экспертлар комиссияси) хулосаси ишнинг ҳақиқий ҳолатларига зид бўлса ёки ишни кўриш вақтида эксперт (ёки экспертлар комиссияси) хулосасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги ҳолатлар аниқланса, суд томонидан қайта экспертиза тайинланиши мумкин.

Комиссиявий суд экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 89-1-моддаси, ЖПКнинг 177-моддаси ва ХПКнинг 68-3-моддасида комиссиявий экспертиза тайинлаш ва уни ўтказишга оид масалалар ҳуқуқий тартибга солинган.

ФПКнинг 89-моддасига кўра, экспертиза бир хил (комиссиявий экспертиза) ёки турли хил (комплекс экспертиза) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча эксперт томонидан ўтказилиши мумкин.

Экспертизанинг экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши экспертизани тайинлаган суд ёки мазкур экспертизанинг ўтказилишини ташкил этувчи давлат суд-экспертиза муассасаси ёхуд бошқа корхона, муассаса, ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

Экспертизани ўтказиш топширилган экспертлар комиссияси ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқиб, ўтказиладиган текширишларнинг мақсади, кетма-кетлиги ва ҳажмини келишиб олади.

Экспертизани ўтказиш топширилган экспертлар комиссияси таркибидаги ҳар бир эксперт текширишларни мустақил ва алоҳида олиб боради, шахсан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз махсус билимлари доирасида фикрларини шакллантиради.

Текширишларнинг экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Комиссиявий экспертиза таркиби суд ёки шу экспертиза турини ўтказишни ташкил этаётган суд-экспертлик муассасаси раҳбари томонидан белгиланадиган бир ихтисосдаги бир нечта (2 тадан кам бўлмаган) эксперт томонидан ўтказилиши мумкин. Экспертиза олдига қўйилган топшириқни ҳал қилиш заруратидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир комиссиявий эксперт текширувни мустақил ва алоҳида ҳолда олиб боради. Олинган натижалар биргаликда таҳлил қилиниб, умумий фикрга келингач, экспертлар биргаликда хулоса (ёки хулоса бериб бўлмаслик тўғрисида далолатнома) тузадилар ва имзолайдилар. Экспертлар ўртасида келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, комиссия таркибидаги ҳар бир эксперт келишилмаган масалалар бўйича алоҳида хулоса беради. Бир хил мутахассисликка эга комиссия аъзолари томонидан комиссиявий

экспертиза ўтказишда, экспертлар биргаликда ёки алоҳида тарзда тадқиқотларни ўтказишлари мумкин. Аммо комиссиянинг ҳар бир аъзоси тадқиқотларни тўлиқ ҳажмда ўтказиши шарт. Тадқиқотлар якунланганидан сўнг, комиссия аъзолари олинган хулосаларни биргаликда муҳокама қилишлари лозим. Бу мақсадда комиссиянинг йиғилиши ўтказилади, шунингдек, дастлабки (оралиқ) хулосалар ва тадқиқот жараёнида вужудга келган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилиш мумкин, бунинг учун комиссиянинг ишчи йиғилишлари ташкил этилади.

Хулосалар ўзаро мос келганда, ягона эксперт хулосаси ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат (далолатнома) тузилади ва комиссиянинг ҳар бир аъзоси уни имзолайди. Хулосалар бўйича турлича фикрлар вужудга келганда эса, комиссия аъзоси бўлган ҳар бир эксперт, зиддият келиб чиққан савол бўйича алоҳида хулоса беради ва уни имзолайди.

Экспертиза тайинлаган шахс ёки орган, бундай хулосани олганда, уни умумий қоидаларга биноан баҳолайди ва уларни қабул қилиши ёки уларнинг ихтиёрий бирини рад қилиши ёхуд қайта экспертиза тайинлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низомнинг 26-бандига мувофиқ бир хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ экспертлар (экспертиза комиссияси)га экспертизадан ўтказиш топширилганда комиссияга киритилган экспертларнинг ҳар бири текширишни тўлиқ ҳажмда амалга оширади. Экспертлар комиссияси текширишда қатнашган экспертдан ҳар бири унга рози бўлган тақдирда умумий хулоса беради. Шунингдек, комиссияда иштирок этган экспертлар фикрининг бир қисмини акс эттирувчи ягона хулоса берилиши ҳам мумкин.

Суд экспертлари комиссияси раҳбари суд экспертизаси олдига қўйилган саволларни мазмунан ечишда алоҳида устунликка эга эмас.

Суд экспертизасини ўтказиш икки ва ундан ортиқ суд экспертларига топширилганда экспертиза муассасаси раҳбари улардан бирига бошқа суд эксперти (экспертлар) фаолиятини мувофиқлаштириш, текширувларнинг умумий режасини ишлаб

чиқиш ва экспертларнинг маслаҳатлашувига раҳбарлик қилишни юклайди.

Амалиётда жуда кўплаб суд-психиатрик экспертизалар комиссиявий шаклда ўтказилади.

Давлат суд-психиатрик экспертиза муассасаларида ўтказиладиган суд-психиатрик экспертизаларининг комиссиявийлик асосида ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида акс этган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1996 йил 26 ноябрдаги буйруғи билан тасдиқланган “Амбулатор суд-психиатрик экспертлар комиссияси тўғрисидаги Йўриқнома”, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2014 йил 30 июндаги “Руҳий касалларнинг ижтимоий-хавфли ҳаракатларини олдини олиш бўйича ишларни яхшилаш тўғрисида”ги қўшма буйруғи ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан, давлат суд-психиатрик муассасаларида амбулатор, стационар ва сиртқи экспертизалар камида учта экспертлар томонидан ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Шубилан бир вақтда, бевосита суд мажлиси залида, терговчининг иш хонасида ўтказиладиган суд-психиатрик экспертизалари ҳамда ўлимдан кейинги экспертизалар бир эксперт томонидан ҳам, комиссия таркибида ҳам ўтказилиши мумкин.

Одатда суд-психиатрик экспертизаси бўйича экспертлар комиссияси учта одамдан иборат бўлади. Алоҳида ҳолларда, масалан, ўта мураккаб ва комплекс экспертизаларни ўтказишда таркибида учтадан кўп экспертлар бўлган комиссия тузилади. Комиссиявий экспертизаларни ўтказишда, кенгайтирилган комиссия таркибига, учта эксперт-психиатрлардан ташқари, бошқа мутахассисликдаги экспертлар (психолог, нопсихиатрик ихтисосдаги шифокор ва ҳ.к.) ҳам киритилади.

Суд-психиатрик экспертлик комиссияси таркибига: комиссия раиси ва аъзолари киради, аъзолардан бири шифокор-маърузачи ёки эксперт-маърузачи ҳисобланади.

Комиссия раисига комиссия ишини ташкил қилиш ва умумий назорат юклатилади; эксперт-докладчига-кассалик тарихини тузиш (у экспертизадан ўтказилаётган ҳар бир шахсга нисбатан тузилади) ва экспертлик комиссиясининг йиғилишида ўтказилган экспертиза тадқиқотлари натижалари бўйича ахборот бериш

юклатилади. Комиссия таркибига кирувчи ҳар бир эксперт (раис, комиссия аъзоси, докладчи), “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун ва процессуал қонунчиликда назарда тутилган тартибда, бошқа экспертлар билан бир хил ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади ва улар бир хил жавобгар ҳисобланади.

Экспертлар комиссияси томонидан ўтказиладиган экспертизанинг моҳияти шундаки, унда бир хил мутахассисликка эга бўлган бир неча экспертларнинг ҳаракатлари бирлаштирилади, эксперт хулосасининг асосланганлиги ва ишончлилиги ошади ва бу билан экспертиза ўтказиш жараёнида турли хатоларнинг олди олинади.

Комплекс суд экспертизаси

Комплекс экспертиза иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда, шунингдек, у ёки бу ҳолатларни алоҳида экспертиза ўтказиш орқали аниқлаш мумкин бўлмаган, ёхуд у бир эксперт мутахассислигининг эксперти ёки экспертлар комиссиясининг ваколати доирасидан чиққанида суд томонидан тайинланади.

Комплекс экспертизани ўтказишда экспертларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида текширишлар олиб боради. Комплекс экспертизанинг хулосасида экспертларнинг ҳар бири қайси текширишларни ва қанча ҳажмда олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Ҳар бир эксперт хулосанинг ўзи текширув ўтказган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Бунда экспертлар биргаликда хулоса тузиш ҳуқуқига ҳам эга.

Умумий ва якуний фикрни (фикрларни) олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган экспертлар қилади. Агар экспертлар комиссияси якуний фикрининг ёки унинг бир қисмининг асоси сифатида экспертлардан бирининг (алоҳида экспертларнинг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак.

Экспертлар ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Агар комплекс экспертизани ўтказиш давлат суд-экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унда ушбу экспертизани ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

Комплекс экспертиза уни ўтказишда турли мутахассисликка эга ёки тор соҳада мутахассис бўлган экспертларнинг иштирок этиши билан характерланади. Шу боис, уларнинг тадқиқот жараёнидаги функциялари ҳар хил бўлади, бу ерда экспертлар олдида қўйилган саволларнинг моҳиятидан келиб чиқиб меҳнат тақсимоли амалга оширилади.

Амалиётда комплекс экспертизани кенг тарқалиши бир томондан, экспертиза методикаларининг доимий равишда мураккаблашуви ва экспертларнинг бундан келиб чиқадиган мутахассислигининг тор соҳага оид бўлиши бўлса, иккинчи томондан, экспертиза тадқиқотларининг комплекслиги суд экспертизалар имкониятларини кенгайтириши ва хулосалари ишончлилигини орттириши билан ифодаланади.

Комплекс экспертизани ўтказишда ҳар бир эксперт функциясининг ажратилиши ҳар бир эксперт тадқиқотларни ўзининг ваколати доирасида ўтказиши билан ифодаланади, яъни эксперт ўзи ваколатли бўлган доирада ўзининг мутахассислигига тегишли бўлган объектларни тадқиқ қилади ва ўзининг соҳасига оид бўлган методларни қўллайди. Масалан, ўқ отилишининг йўналиши ва масофасини аниқлаш мақсадидаги тиббий-баллистик комплекс экспертиза ўтказишда, мурдадаги ўқ отилиш жароҳатларини тиббиёт экспертлари текширади, бошқа объектлар (масалан, жабрланувчининг кийимлари)даги жароҳатларни эса эксперт-баллистлар текширади. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича ҳар бир эксперт оралиқ хулосаларни шакллантиради. Керакли тадқиқотларнинг барчаси ўтказилгандан сўнг экспертлар, олинган натижаларни муҳокама қиладилар ва якуний жавоблар (хулосалар)-ни – қўйилган саволларга жавобларни шакллантирадилар.

Комплекс экспертизани ўтказишда иштирок этган ҳар бир эксперт, ўзи шахсан ўтказган тадқиқот ва ўзи шахсан берган хулосалар учун жавобгар бўлади.

Комплекс экспертиза хулосасининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

– хулосанинг тадқиқот қисмида алоҳида мутахассисликка эга бўлган ҳар бир эксперт томонидан ўтказилган тадқиқотлар ҳамда бу тадқиқотлар натижасида чиқарилган оралиқ хулосалар алоҳида

баён этилади. Хулосанинг бу қисми, шу тадқиқотларни ўтказган ва оралиқ хулосаларни шакллантирган эксперт томонидан имзоланади. Ҳар бир эксперт хулосанинг ўзи ўтказган қисми учунгина жавобгар бўлади.

– хулосада тадқиқотларнинг умумий таҳлилининг натижалари ёритилади ва якуний хулосалар (жавоблар) асослантирилади. Хулосанинг бу қисмлари якуний хулосаларни шакллантиришда иштирок этган экспертлар томонидан имзоланади. Хулосанинг умумий жавоблари эса, уларни тузишда иштирок этган экспертлар томонидан имзоланади. Бундай ҳолатда, алоҳида хулосалар (жавоблар) экспертларнинг турлича таркиби томонидан шакллантирилиши ва албатта имзоланиши ҳам мумкин.

Комплекс экспертизани ўтказишда турли экспертларнинг махсус билимлари масаласи сақланади ва янада масъулиятли характерга эга бўлади. Масалан, бир мутахассисликка эга бўлган экспертнинг хулосалари бошқа мутахассисликка эга иккинчи экспертнинг хулосаларига асосланса, у ҳолда биринчи эксперт иккинчисига ишонган бўлади ва бу билан у иккинчи экспертнинг хулосаларини тўғри ва ишончли деб табиий баҳолаган бўлади, ҳолбуки, бу хулоса хато бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳолат эса экспертнинг мустақиллиги ва ўзининг хулосаси учун жавобгарлик принципига мос келмайди, ундан ташқари, бошқа эксперт хулосасини баҳолаш бу ҳолатда экспертнинг вазифаси бўлмайди.

“Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низомнинг 27-бандига мувофиқ, экспертизани ўтказиш учун ҳар хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ экспертлар (комплекс экспертиза) тайинланганда ҳар бир эксперт текширишни амалга оширади ва ўз ваколати доирасида хулоса беради. Комплекс экспертиза хулосасида ҳар бир эксперт қандай текширишлар ва қандай ҳажмда ўтказганлиги, шахсан у қандай фактларни аниқлаганлиги ҳамда қандай хулосаларга келганлиги кўрсатилади. Эксперт комплекс экспертиза хулосасининг ўз ваколатига тегишли бўлган қисмини имзолайди.

Олинган натижаларни ва аниқ хулоса (хулосалар)ни шакллантиришни баҳолашда ваколатли бўлган экспертлар умумий хулоса (хулосалар) чиқаради. Агар комиссиянинг якуний хулосаси ёки унинг бир қисми учун экспертлардан бири (алоҳида экспертлар) томонидан аниқланган фактлар асос ҳисобланса,

у ҳолда бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак. Келишмовчилик ҳолатида экспертларнинг ҳар бири келишмовчиликка сабаб бўлган масалалар бўйича алоҳида хулоса тузади.

Турли мутахассисликка эга бўлган экспертлар комиссиясининг ишини ташкил қилиш комиссиявий экспертиза ўтказишнинг умумий қоидаларига биноан амалга оширилади.

Экспертлар ўртасида турлича фикрлар вужудга келганда, ҳар бир эксперт, зиддият келиб чиққан барча саволлар ёки алоҳида савол бўйича хулоса беради ва уни имзолайди. Агар терговчининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорида турли экспертизаларнинг предметиға оид саволлар қўйилган бўлса, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида эксперт хулосаси ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида ҳужжат тузилади.

Комплекс экспертизани ўтказиш давлат суд-экспертиза муассасасига топширилганда, бундай экспертизани ўтказилишини ташкил қилиш муассаса раҳбарига юклатилади. Муассаса раҳбари тажрибали ва малакаси юқори бўлган экспертлар орасидан ташкилотчи-экспертни танлайди. Комплекс экспертиза бир неча экспертиза муассасаларининг экспертларидан иборат комиссия томонидан ўтказилганда, ташкилотчи-экспертни етакчи муассасаси раҳбари танлайди.

Бу ташкилотчи-эксперт маъмурий функцияни бажаради – экспертлар йиғилишини бошқаради, экспертиза ўтказиш муддатларини назорат қилади, шунингдек бир вақтда комиссия аъзоси – эксперт сифатида ўзининг ваколати доирасидаги вазифаларини бажаради. Аммо ташкилотчи-эксперт ўзининг процессуал мақоми бўйича бошқа экспертлардан фарқ қилмайди ва қўйилган саволларни ҳал этишда ҳеч қандай имтиёзларга эга бўлмайди.

§3.2.

Қўшимча ва қайта суд экспертизалари тушунчалари, уларнинг ўзаро фарқлари

Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасида қўшимча ва қайта суд экспертизалари хусусида сўз юритилган бўлиб, қўшимча ва қайта экспертиза тайинлаш асослари ЖПКнинг 176-моддаси, ФПКнинг 194-моддаси ва ХПКнинг 681-моддасида белгилаб қўйилган.

Бинобарин, ФПК 194-моддасига мувофиқ, қўшимча экспертиза эксперт (экспертлар комиссияси) хулосасидаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа эксперт (экспертлар комиссияси) томонидан ўтказилади. Эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади. Шуни назарда тутиш лозимки, бир неча экспертларнинг хулосалари бир-бирига зидлиги деганда экспертлар комиссиясининг хулосаларидаги тафовут (қарама-қаршилиқ, жиддий фарқ) тушунилади.

Қайта экспертиза муқаддам хулоса берилган объектларга нисбатан суд томонидан аввал қўйилган саволлар юзасидан тайинланади, бироқ уни ўтказиш бошқа экспертга (ёки экспертлар комиссиясига) топширилиши лозим.

Қайта экспертизани ўтказиш эксперт (ёки экспертлар комиссияси) хулосасига асос қилиб олинган далиллар ҳақиқий эмас деб тан олинган ёки экспертиза ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилган тақдирда ҳам тайинланиши мумкин.

Эксперт (ёки экспертлар комиссияси) хулосаси ишнинг ҳақиқий ҳолатларига зид бўлса ёки ишни кўриш вақтида эксперт (ёки экспертлар комиссияси) хулосасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги ҳолатлар аниқланса, суд томонидан қайта экспертиза тайинланиши мумкин.

Суд эксперт (ёки экспертлар комиссияси) хулосаларига қўшил-маса, қайта экспертиза тайинлаш мажбурий эмас. Ушбу масалани ҳал этаётганда экспертиза предмети бўлган ҳолатларга доир ишда бошқа далилларнинг мавжудлиги, шунингдек такрорий экспертиза ўтказишнинг амалий имкониятлари ҳисобга олиниши лозим.

Иш бўйича тарафларнинг эксперт (ёки экспертлар комиссияси) хулосасига қўшилмаслиги, мутахассис фикри мавжудлиги ва бошқа важлар қайта экспертиза ўтказиш учун асос бўла олмайди.

Қайта экспертиза хулосасида экспертнинг (ёки экспертлар комиссиясининг) олдинги экспертиза хулосасининг тўғрилиги ёки нотўғрилиги ҳақидаги хулосаси қайси маълумотларга асослан-ганлиги кўрсатилиши шарт.

Қайта экспертиза тайинланганда эксперт (экспертлар комиссияси) олдига илгари қўлланилган текшириш усулларининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

Қайта экспертизани ўтказиш бошқа экспертга (экспертлар комиссиясига) топширилади. Биринчи (олдинги) экспертизани ўтказган эксперт (экспертлар комиссияси) қайта экспертизани ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у текшириш ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди.

Суд экспертизасининг назарияси ва амалиётида суд экспертизалари ўтказиш тартибига кўра бирламчи ва қайта экспертизаларга;

тадқиқотлар ҳажмига кўра эса асосий ва қўшимча экспертизаларга бўлинади.

Қўшимча ва қайта экспертизалар бирламчи экспертиза ўтказилгандан кейин, экспертиза тайинлаган шахс (орган) томонидан экспертиза хулосасини баҳолаб ва унинг натижасида қандайдир камчилик ва бўшлиқлар аниқлангандан сўнг тайинланади.

Аввал ўтказилган бирламчи экспертиза хулосасининг етарлича тўлиқ эмаслиги қўшимча экспертиза тайинлаш ҳақида қарор чиқариш учун асос бўлади. Бу эксперт экспертизага тақдим этилган объектларни тўлиқ ҳажмда текширмагани, саволларнинг барчасига жавоб бермагани ёки иш учун аҳамиятли бўлган алоҳида саволлар унинг олдига ҳал қилиш учун ўз вақтида қўйилмагани, ўтказилган тадқиқотлар бўйича янги объектлар аниқланганлиги натижалари бўлиши мумкин.

Қўшимча экспертизанинг қайта экспертизадан асосий фарқи шундаки, қўшимча экспертизада бирламчи экспертизада ҳал

этилмаган саволларга жавоб берилади. Бирламчи экспертизада ҳал қилинган саволлар шубҳа остига олинмайди ва эксперт томонидан берилган маълумотлар қайта текширилмайди.

Қўшимча экспертизани ўтказиш бирламчи экспертизани ўтказган эксперт ёки экспертлар комиссиясига ёки бошқа эксперт (экспертлар комиссияси)га топширилиши мумкин.

Иш бўйича тайинланаётган янги, қўшимча экспертиза бирламчи экспертизадан шуниси билан фарқ қиладики, қўшимча экспертизада ҳал қилинадиган саволлар бирламчи экспертизада ҳал қилинган саволлар билан боғлиқ бўлади, шу боис эксперт керакли барча тадқиқотларни бошқадан ўтказиши шарт эмас, эксперт илгари ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Шу боис, қўшимча экспертизани ўтказишни бирламчи экспертизани ўтказган эксперт (экспертлар комиссияси)га топширган маъқул. Агар янги тайинланаётган экспертиза илгари ўтказилган бирламчи экспертизага боғлиқ бўлмаса, у ҳолда бу экспертиза мустақил, алоҳида экспертиза ҳисобланади.

Қўшимча экспертиза асосий бирламчи экспертизани текширмайди, балки бирламчи экспертизанинг ўзига хос давоми ҳисобланади.

Агар асосий бирламчи экспертиза бўйича юзага келган саволлар махсус тадқиқотлар ўтказишни талаб қилмаса, бу саволларни ҳал қилиш учун экспертни сўроқ қилиш мумкин.

Қайта экспертиза ўтказишда умумий вазифалар билан бирга бирламчи экспертизани текшириш вазифаси асосий ҳисобланади.

Қайта экспертиза тайинлаш учун асос бўлиб, бирламчи хулосанинг асослантирилмаганлиги ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилиши ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилиши ҳисобланади. Қайта экспертизани ўтказишда эксперт олдида ҳал қилиш учун бирламчи экспертизага қўйилган саволлар қўйилади, чунки бирламчи эксперт хулосасининг мазмунига шубҳа туғилган бўлади.

Юқоридагилар асосида, қайта экспертизани фақат бошқа эксперт (экспертлар комиссияси) ўтказиши мумкин. Бирламчи экспертизани ўтказган эксперт (экспертлар комиссияси) қайта экспертиза ўтказишда иштирок этиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, аммо тадқиқотлар ва хулоса тузишда қатнашмайди.

Қайта экспертиза тайинлашда эксперт (экспертлар комиссияси) олдига илгари тадқиқлар ўтказишда қўлланилган методларнинг илмий асосланганлиги бўйича саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Агар эксперт хулосалари ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқмаган бўлса, тадқиқотлар тўлиқ бўлмаса (масалан, ёзув намуналари сонининг етарли эмаслиги), эксперт томонидан қўлланилган методика етарлича ишончли бўлмаса, экспертизанинг тадқиқот қисми етарлича тўлиқ баён қилинмаган ёки умуман мавжуд бўлмаса, тегишли хулоса чиқариш учун кўрсатилган белгиларни сифат ва миқдор жиҳатдан баҳолаш аниқ бўлмаса, эксперт хулосасининг асосланганлигига шубҳа туғилиши мумкин.

Эксперт хулосасининг тўғрилигига, агар бу хулоса иш бўйича аниқланган бошқа далилларга қарама-қарши бўлса, аниқланган ишончли ҳолатлар билан мос келмаса, хулосадаги жавоблар бир-бирига қарши бўлса шубҳа туғилади.

Қайта экспертиза процесс иштирокчиларининг ташаббуси билан ҳам тайинланиши мумкин.

Кўп ҳолларда, қайта экспертизани ўтказиш тажрибалироқ эксперт (экспертлар комиссияси)га топширилади. Аммо қайта экспертиза хулосаси худди бирламчи экспертиза каби қоидаларга биноан баҳоланади ва қайта экспертиза хулосасига нисбатан қандайдир устунликлар белгиланмаган. Бирламчи ва қайта экспертизалар хулосалари бўйича зиддиятлар келиб чиққанда терговчи (суд) уларнинг ихтиёрий бирини (бирламчи ёки қайта экспертиза хулосаларини) қабул қилиши ёки рад қилиши ёки бўлмаса, яна бир қайта экспертиза тайинлаши мумкин.

Қўшимча ва қайта экспертизаларни ўтказиш тартиби бирламчи экспертизаларни ўтказиш тартиби билан бир хил. Қўшимча ва қайта экспертизаларни ўтказиш учун тадқиқот объектлари ва бошқа материаллар билан бирга аввал ўтказилган бирламчи экспертиза хулосаси (ёки унинг нусхаси) ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат (далолатнома) тақдим этилиши шарт.

Қўшимча ёки қайта экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажрим (қарор)да экспертиза тайинлаган шахс (орган)нинг бирламчи экспертиза хулосаси билан рози бўлмаганлигининг сабаблари ва асослари кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома талабларига мувофиқ қўшимча ёки такрорий суд

экспертизаси тайинланган тақдирда экспертиза муассасасига хулоса ёки олдинги ўтказилган суд экспертизаси хулосасини бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги далолатнома барча иловалар (фотожадваллар, экспериментал материаллар ва шу кабилар) билан бирга тақдим этилади.

Қўшимча ёки такрорий суд экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги ажримда уни тайинлашнинг сабаблари ва асослари албатта кўрсатилади.

§3.3.

Суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари. Суд экспертизасини ўтказиш даврида тақдим этилиши мумкин бўлган қўшимча ҳужжатлар ва бошқа далилий ашёлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 2 мартда 2202-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома талабларига биноан экспертиза муассасасида суд экспертизаси фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари (шу жумладан, терговдан олдинги текшириш материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори, суд ажрими асосида ўтказилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунда ҳам суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асослари эканлиги белгиланган. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган текшириш объектлари ҳамда иш материалларини тақдим этади.

Экспертиза фақат уни тайинлаган орган (шахс) томонидан, процессуал қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низомга мувофиқ расмийлаштирилган материаллар тақдим этилган тақдирдагина ўтказилади.

Экспертизага экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим), текшириш объектлари ва иш материаллари, шунингдек

текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган экспертиза предметида тааллуқли маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Экспертизаларни тайинлаш тўғрисидаги қарорлар (ажримлар)нинг факсимил ва ёруғ сезгир қоғозга кўчирилган нусхаларини тақдим этишга йўл қўйилмайди.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) текшириш учун намуналар олади ва уларни процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга қўшиб қўяди. Зарур ҳолларда, бундай намуналарни олиш суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд эксперти ёки мутахассис иштирокида амалга оширилади.

Агар текшириш учун намуналар олиш текширишларнинг бир қисми ҳисобланса ва суд экспертизасига тақдим этилган текшириш объектларидан фойдаланилган ҳолда суд эксперти томонидан амалга оширилса, суд экспертизаси тугалланганидан кейин мазкур намуналар уни тайинлаган органга (шахсга) юборилади ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат суд-экспертиза муассасасида, агар суд экспертизаси ушбу муассасада ўтказилган бўлса, сақланади.

Фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича экспертиза суд томонидан тайинланади. ФПК 160-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд амалиётида вужудга келадиган суд экспертизаларини тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосаларини баҳолаш билан боғлиқ айрим масалалар ҳақида”ги 24-сон қарорига мувофиқ, экспертиза бу каби ишларни кўриб чиқишдагина эмас, балки ишларни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёнида ва иш моҳияти ҳамда тақдим этилган далилларга кўра эксперт хулосаси зарур бўлган барча ҳолатларда тайинланиши мумкин.

Фуқаролик процессида экспертиза суднинг ташаббусига кўра ҳам, ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосномаларига асосан ҳам тайинланиши мумкин.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор суд томонидан, экспертизанинг зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини инобатга олиб чиқарилади.

ФПКнинг 293-моддасига мувофиқ, судья аризани олгач, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида, фуқаронинг руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) тўғрисида

етарли маълумотлар мавжуд бўлса, унинг руҳий аҳволини аниқлаш учун суд-руҳий экспертизасини тайинлайди.

Шунингдек, ФПКнинг 296-моддасида назарда тутилган фуқарони муомалага лаёқатсиз, чекланган лаёқатли деб топиш бўйича ва фуқаронинг лаёқатлилигини тиклаш бўйича ишларда суд-психиатрик экспертизани мажбурий тайинлаш ва ўтказиш тартиби белгилаб қўйилган.

Фуқаролик процессида апелляция ёки кассация инстанцияси суди томонларнинг илтимослари ёки ўз ташаббусига кўра экспертиза ўтказиш ишда мавжуд бўлган ёки томонлар тақдим этган қўшимча материаллар бўйича мумкин бўлганда ҳам ёхуд ишни апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқишда экспертиза тадқиқотларини ўтказиш зарур бўлиб, аммо уни ўтказиш учун янги шароит ва далилларни текшириш талаб этилган ҳолларда ҳам тегишли экспертиза тайинлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг моддаларига биноан, хўжалик процессида экспертиза ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосларига асосан тайинланади. Ушбу шахслар томонидан ариза берилмаган тақдирда суд экспертиза тайинлашга ҳақли эмас.¹

Фуқаролик ва хўжалик процессида ишда иштирок этаётган шахслар судга, экспертлар томонидан тушунтирилиши лозим бўлган саволларни тақдим қилишга ҳақли. Саволлар қўйиш томонларнинг мажбурияти эмас, ҳуқуқи ҳисобланади. Эксперт олдига қўйиладиган саволлар (саволлар доираси)нинг якуний шакли суд томонидан аниқланади.

Экспертиза тайинлаш ҳақида масалани ҳал қилишда ҳар қандай ҳолатда ҳам ишда идоровий инспекцияларнинг хулосалари, турли тафтиш ва текширишларнинг далолатномалари, мутахассислар маслаҳатларининг мавжудлиги, айнан шу саволлар бўйича экспертиза тайинлашни инкор қилмаслигини инобатга олиш лозим.

Экспертиза жиноят иши қўзғатилгунича ёки қўзғатилган (жиноий ва маъмурий процессда) ёхуд юритишга қабул қилинган иш бўйича ваколатли шахс (суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд)нинг қарори ёки суднинг ажрими билан процесснинг тегишли босқичида тайинланиши мумкин.

¹ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 67-моддаси.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 299-моддасига мувофиқ, маъмурий процессда экспертиза кўрилатган маъмурий ҳуқуқ-бузарлик бўйича иш юритувида бўлган орган (мансабдор шахс) томонидан, махсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланади. Терговчи, суриштирувчи ва прокурор дастлабки тергов жараёнида экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор, суд эса ажрим чиқариш билан экспертиза тайинлайди (ЖПК 172, 180, 446-моддалари).

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)да қарор (ажрим) ни чиқариш вақти ва жойи, экспертиза тайинлаган шахс (орган), экспертиза тайинлаш асослари, қаерда, қачон аниқланганлиги ва олинганлиги кўрсатилган ҳолда экспертизага тақдим этилаётган ашёвий далиллар ва бошқа объектлар кўрсатилиши, кўрилатган иш материаллари бўйича экспертиза тайинлашда эса эксперт хулосалари асосланадиган маълумотлар, экспертиза ўтказилиши топширилган давлат суд-экспертиза муассасасининг номи ёки бошқа корхона, ташкилот ва муассасаси ходимининг ёхуд бошқа жисмоний шахснинг фамилияси кўрсатилади.

Агар экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда экспертиза муассасаси номи билан бир вақтда бу муассасада ишламайдиган, ammo экспертиза ўтказишга жалб этилаётган шахснинг ҳам фамилияси кўрсатилган бўлса, ушбу қарорнинг нусхаси бу шахс ишлайдиган ташкилотга ёки унинг ўзига юборилади. Бундай ҳолларда экспертиза ўтказишни ташкил қилиш экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор юборилаётган экспертиза муассасаси раҳбарига юклатилади.

Ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг олдини олиш мақсадида, экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)ларнинг факс ва бошқа нусхаларини тақдим қилиш мумкин эмас.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда ишнинг, экспертиза шаклидаги махсус билимларсиз текшириб бўлмайдиган ҳолатлари баён этилади. Бу каби ҳолатлар экспертга, жиноят шароити ва механизмини қайта тиклаш, экспертиза ўтказиш учун қандай материаллар зарур бўлишини аниқлаш, экспертизанинг тадқиқот методларини аниқлаш, шунингдек, зарур бўлганда ўзининг ташаббус кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланиш, яъни ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки суд экспертизаси предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этишга ёрдам беради.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)да эксперт олдига қўйилган саволлар баён этилади.

Саволлар экспертнинг махсус билимлари доирасида бўлиши ва эксперт ваколатларидан четга чиқиши керак эмас. Ҳуқуқий мазмундаги саволлар қўйилиши мумкин эмас. Кўп ҳолларда терговчининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорини олган эксперт терговчига саволлар моҳиятини аниқлаштириш ёки ўзининг ваколатларига оид бўлмаганлиги сабабли олиб ташлаш бўйича муурожаат қилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу каби муурожаатларга алоҳида эътибор билан қараш лозим.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда экспертизага тақдим қилинаётган материаллар кўрсатилиши керак.

Жиноят иши бўйича суднинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажрими терговчининг қароридаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши лозим. Фуқаролик, хўжалик ва маъмурий процессда экспертизалар тайинлаш суд (судья)нинг ажрими билан расмийлаштирилади.

Фуқаролик, хўжалик ва маъмурий процессда экспертизалар тайинлаш ҳақидаги ажрим мазмунига кўра жиноят ишлари бўйича экспертиза тайинлаш ҳақидаги суднинг ажрими ёки терговчининг қароридан унчалик фарқ қилмайди. Фуқаролик ёки хўжалик процессида экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримда суд томонидан саволлар шакллантирилиши ва экспертизани ўтказиш кимга топширилганлиги кўрсатилиши керак. Таклиф этилган ва рад этилган саволларни суд асослаб бериши лозим.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги терговчининг қарори ёки суднинг ажрими, улар юборилаётган шахслар ёки экспертиза муассасалари томонидан ижро этилиши мажбурийдир ва бу уларнинг ваколатига тегишли бўлади.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим) билан кўп миқдордаги тадқиқот объектлари келтирилган бўлса, экспертиза муассасасининг раҳбари бир неча алоҳида экспертизалар ўтказилишини ташкил қилишга ҳақли.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)да экспертиза ўтказиш икки ёки ундан кўпроқ муассасаларга топширилган бўлса, қарор (ажрим)да мазкур экспертиза айнан қандай мутахассисликка эга экспертлар томонидан ўтказилиши, экспертлар комиссиясини тузиш айнан қайси экспертиза муассасасига юклатилиши, тадқиқот объектлари ва материаллар

қайси экспертиза муассасасига юборилаётгани кўрсатилиши керак.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги терговчининг қарори ёки суднинг ажрими чиқарилиши билан, экспертиза ўтказилишига боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар бошланади. Масалан, жиноят процессида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор билан танишиш, терговчидан экспертиза тайинлаш вақтида вужудга келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришни талаб қилишга ҳуқуқи берилган, бу ҳуқуқдан фойдаланилганда бу ҳақда баённома тузилади ёки суд мажлиси баённомасига тегишли қайдлар киритилади.

Шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи экспертни рад қилиш ҳақида ариза бериши;

ўзи айтган шахслар орасидан экспертни тайинлаши;

эксперт олдига хулоса олиш учун қўшимча саволлар қўйиши;

қўшимча материаллар тақдим қилиши;

экспертиза тайинлаган шахс (орган)нинг рухсати билан экспертиза ўтказишда иштирок этиши, қўлланилган тадқиқот методикалари ва олинган натижалар бўйича тушунтиришларни талаб қилиши ва экспертга тушунтиришлар бериши;

эксперт хулосаси билан танишиши ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказилиши бўйича илтимоснома киритишига ҳақли.¹

ЖПКнинг 20-моддасига мувофиқ экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор билан танишишда айбланувчи эксперт хулосаси тузилган тилни билмаса, терговчи хулосани уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилишини ёки таржимоннинг иштирокини таъминлаши лозим.

Айбланувчининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор билан танишишида терговчининг ихтиёри билан эксперт ҳам иштирок этиши мумкин. Бунда эксперт, терговчи (суд)га илтимосномаларнинг асосланганлиги, қўшимча саволлар қўйилиши ёки уларнинг қайта шакллантирилиши, қўшимча материалларни сўраб олиш бўйича масалаларда ёрдам бериши мумкин.

Бир қатор турдаги экспертизалар (суд-иқтисодий, суд-техникавий ва ҳ.к.)ни ўтказишда бундай танишиш мақсадга мувофиқ ва зарур. Масалан, суд-бухгалтерлик экспертизасини ўтказишда айбланувчи қўшимча материаллар тақдим қилиши ёки бундай материаллар

¹ Ўзбекистон Республикаси ЖПК 179-моддаси.

қаердан олиниши мумкинлиги кўрсатиши, қўшимча саволлар қўйиши мумкин бўлади.

Фуқаролик ва хўжалик процессида суд, барча иштирокчиларига экспертиза тайинлаш ҳақида илтимоснома киритилганлиги бўйича маълум қилади, уларнинг эксперт олдига қўйиладиган саволларни ёзма шаклда шакллантириш бўйича ҳуқуқларини тушунтиради, судга экспертиза ўтказиш учун зарур материалларни тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим) давлат суд-экспертиза муассасасида суд экспертизаси материалларини қабул қилиш ва ушбу муассаса раҳбари томонидан мазкур экспертизани аниқ бир экспертга ёки экспертлар комиссиясига топшириши учун ягона асос ҳисобланади.

Айнан экспертиза тайинлаган орган (шахс) ишнинг экспертга, ўзининг олдига қўйилган саволларга жавоб бериш имконини берадиган тадқиқотларни ўтказиш учун зарур материаллар (ашёвий далиллар, ҳужжатлар, бошқа маълумотлар, керак бўлганда эса таққослаш тадқиқотлари учун намуналар)ни тақдим этишга мажбур.

Экспертиза тайинлаган орган (шахс) ишнинг аниқ ҳолатларидан келиб чиқиб, экспертизага юбориладиган материалларнинг рўйхатини аниқлайди. Экспертга тадқиқот учун тақдим этилган объектлар, таққослаш материалларининг ишончилиги учун экспертиза тайинлаган шахс (орган) жавобгар бўлади.

Экспертиза тайинлаган орган (шахс) экспертиза тадқиқотлари учун материалларни йиғиш (турли ташкилотларга сўровномалар юбориш, шахслардан намуналар олиш) ва шу кабиларни юборишга мажбур. Зарур бўлганда, экспертиза тайинлаган шахс (орган) мутахассис маслаҳатларини олиши ҳам мумкин.

Суд экспертизаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ўтказилади.

Хусусан, “Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Намунавий низомнинг 6 ва 7-бандларига мувофиқ экспертизаларни ўтказиш муддатлари экспертизаларнинг мураккаблиги ва хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда 30 кун доирасида белгиланади.

Экспертизани ўтказишни 30 кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари муддат ўтишидан 3 кун олдин асосланган хулоса тузади ва бу тўғрида

экспертизани тайинлаган орган (шахс)га ёзма равишда хабар қилади ҳамда улар билан келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

Экспертизани ўтказиш муддатлари материаллар экспертиза муассасасига тушган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади ва улар экспертиза муассасаси раҳбари томонидан экспертизани тайинлаган орган (шахс)га юборилган кунда тугайди.

Экспертизани ўтказиш муддати идоровий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда батафсил тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган “Суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномада суд экспертизаларини ўтказишнинг қуйидаги муддатлари белгиланган:

10 кун – унчалик кўп бўлмаган объектли материаллар бўйича ёки мураккаб тадқиқотлар ўтказишни талаб қилмайдиган экспертизалар;

20 кун – кўп объектли материаллар бўйича ёки мураккаб тадқиқотлар ўтказишни талаб қиладиган экспертизалар;

30 кун – жуда кўп объектли материаллар (масалан, қурилиш-техникавий экспертиза, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси) бўйича экспертизалар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш тартиби ҳақидаги Йўриқномада эса суд-экспертизаларини ўтказиш муддати 30 кундан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Амбулатор суд-психиатрик экспертизани ўтказишнинг умумий муддати экспертлар комиссиясига, барча керакли материаллар билан бирга экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)ни келиб тушган вақтдан бошлаб, то амбулатор суд-психиатрик экспертиза далолатномаси (хулосаси) ва иш материалларини экспертиза тайинлаган шахс (орган)га юборилиши кунигача бўлган давр учун 20 кундан ошмаслиги керак.

Стационар суд-психиатрик экспертизасини ўтказишда текшириладиган шахснинг муассасада бўлиш муддати эса 90 кундан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ эксперт-криминалистик хизматида оддий экспертизалар одатда, материалларнинг келиб туриши навбатига кўра 15 кунлик муддатда ўтказилади.

Экспертиза ўтказишнинг юқоридаги муддатдан кўпроқ вақти эксперт-криминалистика бўлинмаси раҳбари томонидан, кўп

ҳажмли материалларнинг тадқиқотлари, тадқиқотларнинг узоқ муддатли методикаларини қўллаш, мураккаб экспертизалар ўтказиш талаб этилганда белгиланади ва бу ҳақда экспертиза тайинлаган шахс (орган)га хабар берилади.

Экспертизани ўтказиш муддатлари куйидаги даврларга тўхтатиб турилади:

экспертнинг экспертизага тақдим этилган материаллардаги нуқсонларни бартараф этиш тўғрисидаги илтимосномасини қондириш ёки илтимосномани қондиришнинг рад этилиши тўғрисида жавоб олиш;

экспертизани ўтказишни 30 кунгача бўлган муддатда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда уни ўтказиш муддатларини келишиб олиш;

экспертнинг бошқа экспертизани бажариши муносабати билан хизмат сафарида бўлиши, уни бажаришни бошқа экспертга топшириш мумкин бўлмаган тақдирда;

экспертнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, экспертизани бажаришни бошқа экспертга топшириш мумкин бўлмаган тақдирда.

Қонун ҳужжатларида ва ушбу Намунавий низомда назарда тутилмаган асослар бўйича экспертиза ўтказиш муддатларини тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

Давлат суд-экспертиза муассасаларининг ҳар бир тизимида экспертиза тайинлаган шахс (орган)га эксперт ёки мутахассис маслаҳати бериш имконияти мавжуд. Экспертиза тайинлаган шахс (орган)га бериладиган бу каби маслаҳат (консультация)лар оғзаки ёки ёзма шаклда бўлиши мумкин ҳамда куйидагиларга тегишли бўлади:

а) муайян ҳолатларни экспертиза ўтказиш йўли билан аниқлаш имкониятлари;

б) экспертиза предметиға тегишли ва шу боис экспертга тақдим этилиши лозим бўлган материаллар;

в) саволларни тўғри шакллантириш.

Экспертиза тадқиқотларининг тури, саволларни шакллантириш, тадқиқот учун материалларни танлаш масалаларида махсус адабиётлар амалий ёрдам бериши мумкин.

Терговчи ёки суд экспертиза учун материалларни ажратиш ёки танлаш учун мутахассис ёки экспертни жалб қилишга ҳақли. Агар эксперт янада сифатли ёки қўшимча материалларни сўраб илтимоснома киритган бўлса, терговчи ёки суд бу сўровни қондириши лозим.

Жиноят процессида ЖПКнинг 189-моддасига биноан суриштирувчи, терговчи ёки суд шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида экспертиза тадқиқотлари учун намуналар олишга ҳақли. Бошқа мутахассис иштирокида намуна олиш деганда – излар муайян жойларда ёки ашёвий далилларда қолдирилганлигини аниқлаш зарурати туғилганда намуналар олиш тушунилади.

Намуналар олинганлиги ҳақида суриштируви, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Бунда намуналар олинаётган шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши, жумладан, инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфли ёки унинг шаъни, кадр-қиммати камситиладиган методлар қўлланилмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган. Экспертиза тадқиқотлари учун намуналар олиш процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда баённома билан расмийлаштирилади.

ЖПКнинг 36-моддасига мувофиқ терговчи ёки суриштирувчининг экспертиза тадқиқотлари учун намуналар олиш ҳақидаги қарори, бу қарор чиқарилган шахсларга нисбатан мажбурийдир ва бу ҳақда уларга тушунтирилиши лозим. Бу шахсларнинг намуна олиш учун терговчи ҳузурига келмаслиги ҳолатида, агар намуналар олишда қўлланиладиган методлар оғриқсиз ва инсон соғлиги ва ҳаёти учун хавфсиз бўлса, улар мажбурий келтирилиши мумкин (ЖПК 192-моддаси).

Таққослаш тадқиқотлари учун намуналар идентификацион тадқиқотларни ўтказиш учун зарур бўлади. Шунинг учун суд экспертизаларининг назарияси ва амалиётида бу каби намуналар ашёвий далилларга тенглаштирилади.

Олинган намуналар тадқиқотлар ўтказилгандан сўнг экспертиза хулосаси билан бирга экспертиза тайинлаган шахс ёки органга юборилиши ёки бўлмаса, ушбу экспертиза ўтказилган суд-экспертиза муассасасида бир мунча вақт сақланиши ҳақида қоида мавжуд. Бу каби объектларни сақлаш вақти идоравий йўриқномалар ва низомлар билан белгиланади ҳамда ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш, жумладан, кассация, апелляция ва назорат тартибида кўриб чиқиш учун кетадиган вақт даврини ҳам ўзига олади.

Экспертлар ихтиёрига ксеронусха тарзида юборилаётган ҳужжатларнинг аслига мослиги ҳақида судья томонидан белги қўйилиши ва имзоланиши ҳамда у суднинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Объектларни эксперт ихтиёрига юбориш мумкин бўлмаган ҳолларда (уй, катта ҳажмдаги предметлар ва бошқалар) судлар ФПКнинг 192-моддаси талабига мувофиқ объектларни жойида кўздан кечириш ва текширишни ташкил этишлари керак бўлади.

Тақдим этилган материаллар тўлиқ бўлмаган тақдирда бу ҳақда суд эксперти экспертиза муассасаси раҳбари орқали суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисида ёзма равишда маълум қилиш ҳуқуқига эга.

Қўшимча материаллар фақат суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан тақдим этилади.

Қўшимча материаллар ўттиз кун мобайнида тушмаган тақдирда суд эксперти текширишни мавжуд материаллар бўйича ўтказди.

§3.4.

Суд экспертизаси ўтказилаётганда суд процесси иштирокчиларининг ҳозир бўлиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши

Суд экспертизаси ўтказилаётганда процессуал қонунда процесснинг қайси иштирокчиларига суд экспертизасини ўтказишда ҳозир бўлиш ҳуқуқи берилган бўлса, ўша иштирокчилар ҳозир бўлиши мумкин¹.

Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар деб тан олинади.

Ишда иштирок этадиган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда суд экспертизасини тайинлаган шахс билан бирга экспертиза ўтказишда ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга. Сабабидан қатъий назар, уларнинг йўқлиги суд экспертизасини ўтказишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.

Ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга (эксперт ва бошқа мутахассисларга) саволлар бериш, илтимосномалар тақдим этиш ва бошқа ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари ва ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари шарт.

Экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган процесс иштирокчилари текширишлар жараёнига аралаштиришга ҳақли эмас, лекин суд экспертидан у томонидан қўлланилган текшириш усуллари

¹ Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси.

ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиши, суд экспертига тушунтиришлар бериши мумкин.

Экспертиза ўтказишда бошқа шахсларнинг иштирок этишида, экспертизаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва экспертнинг, махсус билимга эга шахс сифатида ҳуқуқий мақомини инобатга олиш зарур. Процесснинг экспертиза ўтказишда иштирок этаётган иштирокчилари, экспертнинг тадқиқотлар ўтказиш жараёнига аралашига ва тадқиқотнинг у ёки бу воситалари ва методларини қўллаш ҳақида кўрсатишга ҳақли эмас. Бу шахслар экспертга тадқиқот ўтказиш методикасини, ундан ташқари, суд экспертнинг мустақиллиги принципини бузиб, қандайдир хулосага келишни ўргатмасликлари керак.

Экспертиза ўтказишда иштирок этувчи шахс, суд-эксперти томонидан хулоса (хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат) тузишда, комиссиявий ёки комплекс экспертизалар ўтказишда эса – суд экспертларининг йиғилишларида ва хулосаларни шакллантириш жараёнида иштирок этишга ҳақли эмас. Чунки бу ҳолат экспертиза хулосасининг ҳолислигига шубҳа туғдириши мумкин.

Экспертиза ўтказишда иштирок этувчи шахслар экспертдан ўтказилган тадқиқотлар бўйича тушунтиришлар олишга ҳақли. Бу тушунтиришлар тўлиқ тадқиқотлар бўйича ҳам, тадқиқотларнинг айрим босқичлари ва воситалари бўйича (метод, методика, ишлатилаётган техник воситалар ва қурилмалар) ҳам бўлиши мумкин. Бунда асосан қўлланилган метод (методика)нинг ишончлилиги ва самарадорлиги, шунингдек қўлланилган воситалар билан таъминланадиган натижаларнинг ишончлилиги тушунтирилиши ёки изоҳланиши лозим.

Экспертиза ўтказишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг иштирок этишининг асосий мақсади – бу улар томонидан экспертиза предметида оид бўлган тушунтиришлар, яъни ишнинг, тадқиқотлари учун экспертиза ўтказиш шаклидаги махсус билимлар талаб этиладиган ҳолатлари бўйича тушунтиришлар беришидир.

Бундай тушунтиришлар кўп ҳолларда суд-иқтисодий (суд-бухгалтерлик, молиявий-иқтисодий ва б.) экспертизаларни, суд инженер-техникавий (қурилиш-техникавий, ёнғин-техникавий, автотехник, меҳнат техник-хавфсизлиги ва ҳ.к.) экспертизаларини ўтказишда зарур ва муҳим аҳамият касб этади. Бундай

экспертизаларни ўтказишда гумон қилинувчи ва айбланувчини иштирок этиши экспертга мавжуд вазиятни тўла ва тўғри аниқлашга, экспертиза предметиға тегишли бўлган, аммо экспертизаға тақдим қилинмаган ашёвий далиллар ва материалларнинг мавжудлигини билишга ёрдам беради.

Экспертиза ўтказишда суднинг иштирок этиши бўйича тўғридан-тўғри кўрсатмалар йўқ, аммо бундай иштирокни тақиқловчи қоида ҳам мавжуд эмас. Суднинг экспертиза ўтказиш жараёнида иштирок этиши суд муҳокамасининг ошкоралиги ва бевоситалигидан, судда ишларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқиш ва экспертизани судда ўтказиш қондасидан келиб чиқади. Ушбу қоида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича судларға ҳам бир хилда жорий этилади.

Судьялар экспертиза тайинлашда эксперт (экспертлар комиссияси)ға экспертизаларни, суд экспертизаларини барча принципларига риоя қилган ҳолда ўтказишни топширадilar. Бу экспертға лаборатория шароитлари ва тегишли техник воситалар зарур бўлмаса, экспертға суд залида хона ажратишда намоён бўлади. Бу ҳолатда судья (суд таркиби)нинг иштирокиға эҳтиёж йўқ. Судда суд экспертизаларини ўтказиш учун суд муҳокамасида танаффус эълон қилиниши мумкин ёки, агар ўтказилаётган экспертиза предметиға тегишли бўлган ҳолатлар муҳокама қилинмаса, суд муҳокамаси экспертиза ўтказиш билан параллел равишда олиб борилиши мумкин.

Суд экспертиза ўтказишда иштирок этадиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Бундай ҳолат экспертиза ўтказиш вақти ва жойи, суд томонидан жой ва биноларни кўздан кечириш, ҳодиса жойида кўздан кечириш, далилларни улар топилган жойда кўздан кечириш ва тадқиқ қилиш, шунингдек тез бузиладиган ашёвий далилларни кўздан кечириш ва тадқиқотларини ўтказиш жараёни билан бир вақт ва жойда бўлиб қолганда вужудға келиши мумкин.

Суд ер майдони ва биноларни эксперт иштирокидаги тўлиқ суд таркиби билан кўздан кечиради. Бундай кўздан кечиришнинг зарурати илгари ўтказилган экспертиза муносабати билан юзаға келиши мумкин ёки экспертиза кўздан кечириш жойида, кўздан кечиришдан олдин ёки кейин ўтказилиши мумкин.

Экспертиза ўтказишда иштирок этаётган шахс, экспертиза тадқиқотларини ўтказишға халал берса, эксперт тадқиқотларни тўхтатишға ва экспертиза тайинлаган шахс (орган)ға бу шахсни

экспертиза ўтказишда иштирок этиши учун берилган рухсатни бекор қилиш ҳақида илтимоснома киритишга ҳақли.

Бундай ҳаракатлар эксперт (экспертлар комиссияси)нинг ишини қийинлаштирувчи, унга имкон бермайдиган ҳаракатлар бўлиши керак. Эксперт тадқиқотларига ҳалал бериш экспертга нисбатан ҳақорат ёки таҳдидлар, унинг ваколати ёки маҳорати бўйича турли салбий фикрлар бўлиши мумкин.

4-БОБ

**СУД ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАСИ.
СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ТЎҒРИСИДАГИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ
БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**



§4.1.

Суд экспертизаси хулосасининг мазмуни ва шаклига нисбатан белгиланган қонуний талаблар

Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасига асосан суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси текширишларни ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча суд эксперти ёхуд суд экспертлари комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир суд экспертларининг имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Эксперт хулосасида:

суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой;

суд экспертизасини ўтказиш асоси;

суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар;

суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар;

суд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги;

суд экспертнинг олдига қўйилган саволлар;

суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари;

суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар;

қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд экспертлари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги;

текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар;

иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Текширишнинг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади. Улар суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) талабига биноан ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади. Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларнинг ёки суд экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги текшириш давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Текшириш тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборилади.

Эксперт хулосаси – суд эксперти ёки экспертлар комиссияси томонидан тузиладиган, суд-экспертиза тадқиқотларининг бориши ва натижаларини акс эттирадиган, махсус процессуал шаклга эга ёзма ҳужжат ҳисобланиб, у ёзма шаклда берилади.

Қонунга мувофиқ эксперт хулосаси кириш, тадқиқот ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Хулосанинг кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

– экспертизанинг номи (тури, хили), агар қўшимча ёки қайта, комиссиявий ёхуд комплекс экспертиза бўлса алоҳида кўрсатилади;

– экспертга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилганлиги, унинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги бўйича, экспертнинг имзоси ва суд-экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланган тилхат;

– экспертиза қачон ва ким томонидан, қандай иш бўйича тайинланганлиги, уни ўтказиш вақти ва жойи;

– экспертиза ўтказиш топширилган суд-экспертиза муассасаси ва эксперт (экспертлар) ҳақидаги маълумотлар. Экспертнинг фамилияси, исми-шарифи билан бирга, унинг маълумоти, мутахассислиги, эгаллаб турган лавозими, иш стажи (экспертиза ўтказиши лозим бўлган мутахассислиги, эксперт сифатидаги стажи кўзда тутилади), агар мавжуд бўлса илмий унвон ва даражаси;

– экспертиза ўтказиш учун асос, яъни орган (шахс)нинг қарори;

– кўрилаётган ишнинг қисқача моҳияти ва айнан қандай махсус билимлардан фойдаланиб, нималарни аниқлаш лозимлиги;

– қўшимча ва қайта экспертиза ўтказишда бирламчи экспертиза бўйича қисқача маълумотлар қачон, қаерда ва ким томонидан ўтказилганлиги ва берилганлиги;

– эксперт олдига ҳал қилиш учун қўйилган саволлар.

Шунингдек, экспертизага тадқиқотлар ўтказиш учун тақдим этилган тадқиқот объектлари ва ишнинг материаллари;

– экспертиза ўтказишда иштирок этадиган процесс иштирокчилари ҳақида маълумотлар. Агар улар томонидан тегишли ариза ёки илтимосномалар киритилган бўлса, бу ҳолда бу иштирокчилар ва аризаларни кўриб чиқиш натижалари ҳам қайд этилиши лозим;

– мавжуд амалиёт ва идоровий меъёрий қонунчиликка биноан экспертнинг унга қўшимча материаллар тақдим этилиши бўйича илтимосномаси ва унинг натижалари, агар бундай илтимоснома киритилган бўлса.

Хулосанинг тадқиқот қисмда тадқиқотларнинг бориши ва натижалари баён этилади ва у қуйидагилардан иборат бўлади:

– тадқиқот объектларини тақдим этиш усулининг, ўрамнинг тури ва ҳолатининг таърифи, объектларнинг ҳолати ва сонининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)да кўрсатилганлигига мослиги;

– тадқиқот объектларнинг алоҳида тадқиқотлари, идентификацион белгилар, объектларнинг таққослаш тадқиқотлари учун яроқлилиги таърифи;

– эксперт томонидан қўлланилган методикалар, эксперт томонидан олинган натижаларни баҳолаш ва оралиқ хулосаларнинг асослари;

– эксперт экспериментларининг таърифи, агар улар ўтказилган бўлса;

– таққослаш тадқиқотларининг таърифи, объектларнинг ўзаро ўхшашлиги ёки фарқланиши бўйича оралиқ хулосанинг баҳоланиши ва асослантирилиши;

– тадқиқотлар ўтказишда қўлланилган техник воситалар, аппаратура, асбоб-ускуналар;

– тадқиқотларни ўтказишда фойдаланилган маълумотли-меъёрий, методик материаллар ва адабиёт манбалари;

– қайта экспертиза ўтказилган бўлса, дастлабки экспертиза хулосалари билан фарқларнинг сабаблари, агар бундай фарқлар мавжуд бўлса;

– аниқланган белгиларни баҳолашга оид маълумотларни қамраб олган синтезловчи қисми ва якуний хулосалар.

Экспертнинг якуний хулосалари (жавоблар) қўйилган саволларга қисқа, аниқ илмий асосланган жавоблардан иборат бўлиши керак.

Ҳар бир саволга моҳиятига кўра жавоб берилиши ёки унга жавоб беришнинг иложи йўқлиги кўрсатилган бўлиши лозим. Якуний хулосалар аниқ ва тушунарли тилда, бошқача тарзда талқин қилинмайдиган қилиб баён этилиши лозим. Агар якуний хулосалар тадқиқот натижаларини хулосанинг тадқиқот қисмида батафсил ёритишларсиз ҳамда қўйилган саволларга аниқ жавоб бериш шаклида шакллантирилмайдиган бўлса, у ҳолда якуний жавобларда хулосанинг тадқиқот қисмига ҳавола (иштибоҳ) қилиниши мумкин.

Агар тадқиқотлар жараёнида тақдим этилган объектлар ва материалларнинг ёки эксперт малакасининг етарли эмаслиги аниқланган бўлса, хулосада алоҳида саволларга асослантирилган рад қилиш ёки жавоб беришнинг иложи йўқлиги кўрсатилиши лозим.

Қалбакилаштиришнинг олдини олиш мақсадида, хулосанинг ва уни иловалари (фотожадвал, кўрғазмали тасвирлар, чизмалар ва ҳ.к.)нинг ҳар варағи эксперт томонидан имзоланади ва экспертиза муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

Эксперт хулосасининг иловалари (фотожадвал, чизмалар, диаграмма, ведомостлар ва бошқалар) хулосага илова қилинади ва унинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Иловалар эксперт хулосасини, айниқса қўшилса ва қайта экспертизалар хулосаларини тўғри баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотларнинг бориши, шароитлари ва натижаларини қайд этувчи материаллар (масалан, эксперт экспериментларининг

жадваллари) суд-экспертиза муассасасида сақланади, ammo бу материалларни ишга қўшиб қўйиш бўйича талабига биноан экспертиза тайинлаган шахс (орган)га юборилиши мумкин.

Эксперт хулосасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган ёки енгиллик яратган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича ташкилий-техник тавсиялар ва таклифлар кўрсатилиши мумкин.

Экспертхулосаси иловаси билан бирга иккинусхада тайёрланади, эксперт (экспертлар комиссияси) томонидан имзоланади ва суд-экспертиза муассасаси муҳри билан муҳрланади, сўнг бир нусхаси тадқиқотга тақдим этилган объектлар ва материаллар билан бирга, суд-экспертиза муассасаси раҳбари томонидан экспертиза тайинлаган шахс (орган)га юборилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза муассасасида 5 йил давомида сақланади.

Экспертизани судда ўтказишда эксперт хулосаси умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Бу ҳолатда ҳам эксперт хулосаси икки нусхада тайёрланади, бир нусхаси судда қолади, иккинчи нусхаси эса экспертиза муассасаси раҳбарига берилади.

Суд-экспертиза муассасаси раҳбари экспертиза ўтказиш жараёнидаги тадқиқотларнинг тўлиқ эмаслиги, экспертиза методикасининг хато хулосалар чиқарилишига олиб келувчи бузилиши ҳолатларини аниқласа, эксперт хулосаси унга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш учун экспертга қайтарилади. Агар эксперт, ўзининг хулосаси тўғрилигини маъқуллаб туриб олса, экспертиза муассасаси раҳбари бу эксперт иштирокида комиссиявий экспертиза ўтказиш ташаббуси билан чиқишга ҳақли.

Эксперт хулосаси, экспертиза тадқиқотларининг объектлари бўлган буюмлар ва ҳужжатлар ва бошқа материаллар экспертиза тайинлаган шахсга ёки экспертиза тайинлаган органнинг вакили ёхуд экспертиза тайинлаган шахс (орган)нинг ишонч қоғози берилган шахсга бевосита (қўлдан-қўлга) берилади ёки бўлмаса почта орқали жўнатилади.

Экспертиза хулосанинг факс ёки бошқа турдаги нусхаларини бериш мумкин эмас.

“Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, агар суд эксперти қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг

яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмалигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборади.

Хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат қуйидаги ҳолатларда берилади:

– қўйилган саволлар экспертнинг махсус билимлари асосида ҳал этилмайдиган ҳолатларда;

– тадқиқот учун тақдим этилган объектлар ёки материаллар хулоса бериш учун етарли бўлмаса ёки яроқсиз бўлса ҳамда уларни тўлдиришнинг иложи бўлмаса;

– фан ва суд-экспертиза амалиётининг имкониятлари қўйилган саволларга жавоб беришга имкон бермаса.

Қонуннинг мазкур моддаси ва соҳавий процессуал қонунчиликка биноан, юқоридаги ҳолатларда экспертиза ўтказиш ва хулоса беришнинг иложи бўлмаганда, эксперт хулоса беришдан бош тортишга ҳақли (ХПКнинг 47-моддаси, ФПКнинг 87-моддаси, МЖТКнинг 299-моддаси, ЖПКнинг 185-моддаси).

Хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат уч қисмдан, яъни: кириш, асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши керак.

Ҳужжатнинг кириш қисмида экспертиза ўтказиш асослари, экспертиза тайинлаган шахс (орган), тадқиқотларни ўтказган эксперт (экспертлар комиссияси), эксперт олдига қўйилган саволлар, тадқиқотга тақдим этилган материаллар ва иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа материаллар кўрсатилади.

Ҳужжатнинг асослантириш қисмида хулоса беришнинг иложи йўқлиги бўйича сабаблар батафсил ёритилади.

Хулоса қисмида эса эксперт олдига қўйилган саволларнинг ҳар бири бўйича хулоса беришнинг иложи йўқлиги кўрсатилади.

Хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат икки нусхада тайёрланади, эксперт томонидан имзоланади, унинг имзоси экспертиза муассасасининг муҳри билан тасдиқланади, сўнг ҳужжатнинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан экспертиза тайинлаган шахс (орган)га юборилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза муассасасида 5 йил муддат сақланади.

Агар хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат суд муҳокамаси жараёнида тузилган бўлса, эксперт томонидан икки нусхада тайёрланади ва имзоланади, бир нусхаси судга тақдим этилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза муассасасининг раҳбарига берилади.

Эксперт олдига қўйилган саволларнинг бирига эксперт хулосаси, бошқасига эса хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат тузилиши талаб этиладиган ҳолларда ягона ҳужжат – эксперт хулосаси тузилади.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертизаси муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномаларда экспертиза (суд-тиббий экспертиза) хулосасида акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар батафсил келтирилган.

ФПКнинг 88-моддасига кўра эксперт хулосаси етарлича тушунарли бўлмаганда суд экспертни чақириш йўли билан хулосасини оғзаки тушунтириб беришни таклиф қилиш ҳуқуқига эга ва бу суд мажлиси баённомасига киритилиб, ўқиб берилади ҳамда эксперт томонидан имзоланади.

Судга фақат хулоса берган эксперт чақирилиши ва берган хулосаси доирасида сўроқ қилиниши мумкин. Агар судда туғилган қўшимча саволларга жавоб олиш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур бўлса, қўшимча экспертиза тайинлаш масаласи муҳокама қилиниши лозим.

Суднинг хулосага қўшилмаганлиги иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қароридан ёки ажримда асослаб берилган бўлиши лозим.

§4.2.

Суд экспертизасини ўтказишга оид қилинган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ёки чиқарилган ҳужжат (хулоса, қарор) устидан шикоят қилиш тартиби

Суд экспертизаларини ташкил қилиш ва ўтказишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича амалий механизм сифатида, шахснинг эркинлигини вақтинча чеклашни ёки унинг шахсий дахлсизлиги бузилишини талаб этувчи суд-эксперт текширишлари фақат “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун, процессуал қонунчилик, соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонунчилик ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибда ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида ҳар бир шахсга, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши белгилаб қўйилган. Жумладан, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизаси ўтказилиши муносабати билан қабул қилинган қарорлар, суд экспертнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига олиб келди деб ҳисоблаган шахснинг мазкур қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши имконияти белгиланган.

Шикоят экспертиза ўтказишнинг процессуал тартибига оид бўлиши ва у процессуал қонунда белгиланган тартибда берилиши мумкин. Масалан, ўзининг хоҳиши билан суд экспертизасига юборилиши мумкин бўлган шахс экспертизага мажбурий юборилганлиги устидан шикоят бериши мумкин. Шикоятлар суд экспертизаларининг бошқа омилларига оид бўлиши ҳам мумкин. Бинобарин, фуқарони суд экспертлик стационарида сақлашнинг ёмон шароитлари устидан шикоят ва бундай шикоят процессуал-ҳуқуқий тартибда экспертиза тайинлаган шахс ёки органга ёхуд

экспертиза муассасаси (стационар)нинг раҳбарига ёки қонунда белгиланган тартибда ушбу муассасага бўйсунувчи ижро ҳокимияти органига берилиши мумкин.

Фуқаро ёки юридик шахс эксперт хулосаси устидан эмас, балки суд-экспертиза муассасаси ёки экспертнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериши керак. Аммо суд амалиётида бевосита эксперт хулосаси устидан шикоят беришга уринишлар ҳам учраб туради. Масалан, баъзида экспертиза ўтказган суд-экспертиза муассасаси бўйсунадиган идорага ушбу муассасада тайёрланган экспертиза хулосасининг асосланмаганлиги бўйича шикоят қилинади. Кўп ҳолларда бундай шикоятлар экспертиза натижаларини бекор қилиш ва экспертларни маъмурий жавобгарликка тортиш билан боғлиқ талабларда кузатилади.

Эксперт хулосасини баҳолаш ишни юритаётган шахс (орган) нинг, яъни суриштирувчи, суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суднинг ваколоти ҳисобланади. Фақат шу санаб ўтилган органларгина экспертиза хулосаларининг асосланганлиги, тўлиқлиги ва ишончлилиги, хулоса берган экспертлар ҳаракатларининг ҳуқуқий жиҳатдан тўғрилиги ҳақидаги масалани кўриб чиқишлари ва ҳал этишлари, экспертиза хулосаларини баҳолаш натижаларига асосан ҳуқуқий қарорлар қабул қилишлари мумкин.

Юқоридагиларга кўра, эксперт хулосаси аниқ бир иш бўйича исботлов манбаи сифатида “шикоят”нинг мустақил объекти бўла олмайди, унга фақат “эътироз” билдириш мумкин. Ўтказилган экспертиза тадқиқотларининг сифати ва хулосаларнинг ишончлилигига боғлиқ барча масалалар процессуал (судга оид) исботлов жараёнида ҳал этилади.

Исботлаш субъектлари, масалан, процессдаги томонлар (иштирокчилар) экспертни сўроқ қилиш учун чақириш, такрорий экспертиза тайинлаш ҳақида илтимоснома киритиш каби процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган воситалардан фойдаланишлари мумкин. Бунда экспертиза хулосалари эмас, балки бу хулосалар асосида чиқарилган процессуал қарорлар устидан шикоят қилинади.

Шунингдек, терговчи ёки суднинг қарорлари, суднинг ҳукми ва ажрими ёки бошқа процессуал қарорлар устидан шикоят қилиниши мумкин.

§4.3. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланиши

Ўзбекистон Республикасини “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасида суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлиги белгиланган.

Амалдаги қонунчиликка биноан, суд-экспертиза фаолиятини амалга оширишда қонунни бузганлик учун интизомий, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарлик турлари белгилаб қўйилган.

Интизомий жавобгарлик ҳуқуқбузарлик ҳисобланган интизомий қилмишлар содир этилганда келиб чиқади ва улар шахсларнинг ўз айби билан, ўзига юклатилган меҳнат (лавозим) мажбуриятларини бажармаслигидан ёки лозим даражада бажармаслигидан иборат бўлади. Интизомий жавобгарлик ҳуқуқбузарлик содир этишда айбли бўлган шахсга, суд-экспертиза муассасаси раҳбари томонидан интизомий жазо чораси қўллашдан иборат бўлади.

Интизомий жазо турлари ва уларни қўллаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 174-178-моддаларида, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуни ва шу кабиларда белгиланган.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик давлат суд-экспертлик фаолиятини амалга оширувчи шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари натижасида юзага келади. Юқоридаги ҳолатларда фуқаролар ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш фуқаролик қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жиноий жавобгарлик жиноят қонунида жазо қўллаш билан тақиқланган, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишда айбдор учун юзага келади.

Жиноят кодекси суд экспертларини қуйидаги ғайриқонуний қилмишлар содир этганлиги учун жиноий жавобгарликни белгилайди:

- била туриб ёлғон хулоса берганлиги (ЖКнинг 238-моддаси);

- иш материалларини ошкор қилганлиги (ЖКнинг 239-моддаси);
- хулоса беришдан бош тортганлиги ёки бўйин товлаганлиги (ЖКнинг 240-моддаси).

Давлат суд-экспертиза муассасалари ва улардаги бўлинмаларнинг раҳбарлари мансабдор шахс мақомига эга. Шу боис, суд-экспертиза муассасалари ва улардаги бўлинмаларнинг раҳбарлари суд-экспертлик фаолиятини олиб боришда қонунни бузганликлари учун, жумладан:

- ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш (ЖКнинг 205-моддаси);
- ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш (ЖКнинг 206-моддаси);
- мансабга совуққонлик билан қараш (ЖКнинг 207-моддаси);
- мансаб сохтакорлиги (ЖКнинг 209-моддаси),
- пора олиш (ЖК 210-моддаси) жиноятини содир этганликда айбланиб, жавобгар бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (МЖТК) 46-моддасига мувофиқ тиббий ёки тижорат сирларини, ёзишма ва бошқа хабарлар, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирларини, худди шунингдек фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этиш, мансабдор шахсларга эса – икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хусусан, суд-тиббий экспертиза муассасаси суд экспертлари ўтказган экспертиза натижалари юзасидан хулосаларни (тиббий сирларни), шунингдек, фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этиши МЖТКнинг 46-моддасига асосан жавобгарликка тортилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 238-моддаси 1-қисмида экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган. Шу модданинг 2-қисмига мувофиқ экспертнинг ёлғон хулоса бериши учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, унга руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлғон кўрсатув беришга мажбур

қилиш икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида” 24-сонли қарорида суднинг чақируви бўйича келиш ва ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан холис хулоса бериш экспертнинг мажбурияти эканлигидан келиб чиққан ҳолда эксперт зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари тўғрисидаги процессуал қонун талабларига оғишмай риоя қилиш, шунингдек, била туриб ёлғон хулоса берганлик, суд узрсиз деб топган сабабга кўра, хулоса беришдан бош тортганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддалари асосида жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилиши лозимлигига судларнинг эътибори қаратилган.

ИЛОВАЛАР



1-ИЛОВА

ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ
ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
СУД АЖРИМЛАРИ,
СУД ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ
ИЛТИМОСНОМАЛАРИ
ВА АРИЗАЛАРИ НАМУНАЛАРИ



АЖРИМ

Одам ДНКси суд-биологик экспертизасини тайинлаш ҳақида

2007 йил июнь ойининг 26 кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Судья **Г.А.Самиев**нинг раислигида,

Д.Тўйчиевнинг котиблигида, даъвогар З.Ибратованинг жавобгар Т.Иброхимовга нисбатан фарзандининг ва ўзининг таъминоти учун нафақа ундириш ҳақидаги даъво аризаси ҳамда Т.Иброхимовнинг З.Ибратовага нисбатан оталикка эътироз билдириш ҳақидаги қарши аризаси юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар З.Ибратава жавобгар Т.Иброхимовга нисбатан фарзандининг ва ўзининг таъминоти учун нафақа ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этиб, суд мажлисида даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, даъво аризасини қаноатлантиришни, жавобгарнинг қарши даъвосини рад этишни сўради.

Суд мажлиси жараёнида жавобгар Т.Иброхимов З.Ибратовага нисбатан оталикка эътироз билдириш ҳақида қарши даъво аризаси билан мурожаат этиб, қарши даъво талабларини қувватлаб, Иброхимов Азиз Тохир ўғли унинг фарзанди эмаслигини, шу сабабли фуқаролик иши юзасидан одам ДНКси суд-биологик экспертизасини тайинлаб, қарши даъвосини қаноатлантиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддасига мувофиқ ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб, уларни ўрганиб чиқиб, мазкур фуқаролик иши юзасидан одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддаси, 237-238-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлансин ва эксперт олдига қуйидаги савол қўйилсин:

1. 1978 йилда туғилган Иброхимов Тохир Абдумаликович 11.06.2007 йилда туғилган Иброхимов Азиз Тохир ўғлининг биологик отасими?

Одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказиш Х.Сулаймонова номидаги РСЭМга юклатилсин.

Эксперт Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-238-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизасини ўтказиш юзасидан харажатлар жавобгар Т.А.Иброхимовдан ундирилсин.

Судья

Г.А.Самиева

АЖРИМ**суд-хатшунослик экспертизасини тайинлаш ҳақида**

2008 йил декабрь ойининг 12 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Судья **С.А.Барноев**нинг раислигида,

Г.Бердиевнинг котибалигида, адвокатлар И.Олимова ва И.Хакимовлар иштирокида, даъвогар У.Собировнинг жавобгарлар С.Собиров ва Тошкент шаҳар 1-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан қонун бўйича ворислик ҳақидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар У.Собирова жавобгарлар С.Собиров ва Тошкент шаҳар 1-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан қонун бўйича ворислик ҳақидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Суд мажлисида қатнашган даъвогарнинг ишончли вакили М.Хамзаева даъвогарнинг даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, суд мажлиси жараёнида мерос ишида мавжуд бўлган даъвогарнинг мерос улушидан воз кечиши ҳақидаги Шайхонтоҳур туман 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган 11.06.1998 йилдаги аризасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қўшимча даъво талаби билан мурожаат этган.

Бундан ташқари, даъвогарнинг адвокати ва ишончли вакиллари Шайхонтоҳур туман 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган 11.06.1998 йилдаги аризадаги имзо даъвогарнинг имзоси эмаслигини баён қилишиб, фуқаролик иши юзасидан суд-хатшунослик экспертизаси тайинлашни сўраб илтимоснома киритишган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддасига мувофиқ ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб, уларни ўрганиб чиқиб, мазкур фуқаролик ишини ҳар томонлама, атрофлича кўрилишини ҳамда иш юзасидан қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш, шунингдек, даъвогарнинг низоли уй бўйича мерос улушидан воз кечиши ҳақидаги Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган 11.06.1998 йилдаги аризасидаги имзо даъвогарга тегишли ёки тегишли эмаслигини аниқлаш мақсадида фуқаролик иши юзасидан суд-хатшунослик экспертизаси тайинлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддаси, 237-238-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан суд-хатшунослик экспертизаси тайинлансин ва эксперт олдига қуйидаги савол қўйилсин:

1998 йил 11 июнь куни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман 1-сонли давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган мерос улушидан воз кечиш ҳақидаги аризадаги имзо даъвогар У.Собирова ёки бошқа шахс томонидан амалга оширилганми?

Суд-хатшунослик экспертизасини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига юклатилсин.

Эксперт Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-238-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

Тошкент шаҳар Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасида мавжуд бўлган мерос ишидан 11.06.1998 йилдаги У.Собированинг аризаси, Шайхонтоҳур туман 1-сонли давлат нотариал идорасидан 1996 йилдаги реестр китоби ҳамда Шайхонтоҳур туман ижтимоий таъминот бўлимидан даъвогар У.Собированинг 1996 йилдаги нафақа ведомостлари талаб қилиб олинсин.

Мазкур фуқаролик иши эксперт ихтиёрига юборилсин.

Суд-хатшунослик экспертизасини ўтказиш юзасидан тўланадиган харажатлар даъвогар У.Собировадан ундирилсин.

Судья**С.А.Барноев**

АЖРИМ

суд-психиатрик экспертизасини тайинлаш ҳақида

2006 йил июль ойининг 6 кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туманлараро суди ўз биносига, очиқ суд мажлисида

Судья **Т.А.Садриеванинг** раислигида,

Н.Абдуразакованинг котибалигида, аризачи Н.Хамдамованинг фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги аризаси юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қўйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Аризачи Н.Хамдамова судга ўғли Хамдамов Собир Воҳиджоновични муомалага лаёқатсиз деб топишни сўраб муҳожат қилган.

Аризасида 1981 йилда туғилган ўғли С.В.Хамдамов болалигидан руҳий касал эканлиги ва 2-гурӯх ногирони бўлиб, руҳий касалликлар шифохонасида руҳиятда турганлиги, ҳозирги кунда турмуш ўртоғининг отаси О.Хамдамовни вафотидан кейин қолган Зангиота тумани, Гулсанам кўчаси 18-уйни мерос сифатида қайнонасининг номига расмийлаштириш зарурияти туғилганлиги сабабли ўғли С.Хамдамов ҳам нотариал ҳаракатларни амалга оширишда қатнашиши лозимлиги, ўғли эса руҳий касал бўлганлиги сабабли ўз ҳатти-ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаслиги, шу боисдан мерос мулки билан боғлиқ нотариал ҳаракатни амалга ошириш имконияти бўлмаётганлигини баён этиб, ўғли С.Хамдамовни муомалага лаёқатсиз деб топишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддасига мувофиқ ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд аризачининг баёнотларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, фуқаролик ишини ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқиш мақсадида суд психиатрик экспертизаси тайинлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84, 237-238 моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан суд-психиатрик экспертизаси тайинлансин ва эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилсин:

1. 1981 йилда туғилган Хамдамов Собир Воҳиджонович ўз ҳаракатларининг оқибатларини тушуниб етadими ва ўз ҳаракатларига жавоб бера оладими?
2. Фуқаро Хамдамов Собир Воҳиджонович соғлиги ва руҳий ҳолати бўйича бошқалар ёрдамига ва васий тайинланишига муҳтожми?

3. Эксперт Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-238-моддаларига асосан жиной жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

Экспертиза ўтказиш учун ушбу фуқаролик иши эксперт ихтиёрига тақдим қилинсин.

Экспертизани ўтказиш Тошкент шаҳар 1-сонли руҳий асаб касалликлари диспансерига юклатилсин.

Судья

Т.А.Садриева

АЖРИМ

Суд автотехник экспертизасини тайинлаш ҳақида

2007 йил март ойининг 2 кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой туманлараро суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Судья **Х.Алимов**нинг раислигида,

Г.Эсановнинг котибалигида, даъвогар Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг жавобгар Т.Бекназаровга нисбатан божхона тўловларини ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар жавобгар Т.Бекназаровга нисбатан божхона тўловларини ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Жавобгарнинг ишончли вакили Х.Расулова суд мажлиси жараёнида фуқаролик иши юзасидан суд автотехник экспертизаси тайинлашни ва экспертиза хулосасига кўра низоли бўлган 2005 йилда ишлаб чиқарилган “Chrysler 300С” автомашинаси олиб келинган давлатни (страна происхождения) аниқлаб, шунга кўра божхона тўловларининг аниқ суммасини белгилашни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддасига асосан ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб, уларни ўрганиб чиқиб, мазкур фуқаролик ишини ҳар томонлама, атрофлича кўрилишини ҳамда иш юзасидан қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш, шунингдек, жавобгар томонидан даъвогарга ундирилиши лозим бўлган божхона тўловлари миқдорини аниқлаш мақсадида, фуқаролик иши юзасидан суд автотехник экспертизаси тайинлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддаси, 237-238-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан суд автотехник экспертизаси тайинлансин ва эксперт олдида қуйидаги савол қўйилсин:

2005 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, 2К3JA45G22H768685 кузов рақамли, 3518 см³ двигател ҳажмдаги, Бирлашган Араб Амирлигининг ТН ВЭД 530389101 коди бўлган, “Chrysler 300С” русумли автомашинаси олиб келинган давлат аниқлансин.

Суд автотехник экспертизасини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига юклатилсин.

Эксперт Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-238-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

Мазкур фуқаролик иши эксперт ихтиёрига юборилсин.

Суд автотехник экспертизасини ўтказиш юзасидан тўланадиган харажатлар жавобгар Т.Бекназаровдан ундирилсин.

Судья

Х.Алимова

АЖРИМ

суд қурилиш-техник экспертизасини тайинлаш ҳақида

2005 йил ноябрь ойининг 30 кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Судья **Н.И.Рамазонов**нинг раислигида,

Н.Толибжоновнинг котибалигида, даъвогар М.Хошимовнинг жавобгар Б.Хошимовга нисбатан уй-жойни бўлиш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар М.Хошимова жавобгар Б.Хошимовга нисбатан уй-жойни бўлиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Даъвогар суд мажлисида даъво талабларини қувватлаб, 2004 йилда жавобгар билан турмуш қурганлигини, турмушларидан бир нафар фарзанди борлигини, Б.Хошимов билан биргаликда яшаган даврларида, яъни 2006 йил 15 сентябрь куни Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, С.Азимов кўчаси, 53-уйни сотиб олишганлигини, оилавий муносабатлари ёмонлашиб, 2007 йилнинг октябрь ойидан буён алоҳида яшаб келишаётганлигини, жавобгар уйни сотмоқчи эканлигидан хабар топганлигини, уй жавобгар билан биргаликда яшаган даврларида сотиб олинганлигини ва бунда унинг ҳам бевосита ҳиссаси борлигини инobatга олиб, фуқаролик иши юзасидан экспертиза тайинлаб, экспертиза хулосасига кўра низоли уйни у ва фарзандининг улушларини ҳисобга олган ҳолда жавобгар билан тенг миқдорда натура ҳолида бўлиб беришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар Б.Хошимов даъво талабларини тан олмасдан, ҳақиқатдан ҳам даъвогар билан 2004 йилда турмуш қурганлигини, бир нафар фарзандлари борлигини, 2008 йилнинг март ойидан буён даъвогар билан биргаликда яшамаслигини, низоли уй-жойни 2006 йилда отаси унинг номига сотиб олиб берганлигини ва даъвогар билан ушбу уйга кўчиб ўтиб яшашганлигини, низоли уйни бўлишга қарши эканлигини, чунки у уйни қизининг номига қолдирмоқчи эканлигини баён этиб, даъво аризани рад этишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддасига асосан ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб, уларни ўрганиб, мазкур фуқаролик ишини ҳар томонлама, атрофлича кўрилишини ҳамда иш юзасидан қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш мақсадида, фуқаролик иши юзасидан суд қурилиш-техник экспертизаси тайинланиши мақсадга мувофиқ деган хулосага келади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддаси, 237-238-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлансин ва эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилсин:

1. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, С.Азимов кўчаси, 53-уйнинг бугунги кундаги бозор қиймати аниқлансин.

2. Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, С.Азимов кўчаси, 53-уйни тарафлар ўртасидаги $\frac{1}{2}$ улуши ёки улушларни тенглигидан чекланган ҳолда бўлиш имконияти аниқлансин.

Суд қурилиш-техник экспертизасини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига юклатилсин.

Экспертлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-238-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳақида огоҳлантирилсинлар.

Мазкур фуқаролик иши экспертлар ихтиёрига юборилсин.

Суд қурилиш-техник экспертизасини ўтказиш юзасидан тўланадиган харажатлар тарафлардан ундирилсин.

Судья**Н.И.Рамазонова**

АЖРИМ

Суд автотехник экспертизасини тайинлаш ҳақида

2003 йил январь ойининг 12 кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтапа туманлараро суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Судья **Н.Р.Давлетов**нинг раислигида,

З.Бекмуратовнинг котиблигида, даъвогар З.Рахимбекованинг жавобгар Р.Рахимбековага нисбатан транспорт воситасини эгасига олиб бериш ва етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан кўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар З.Рахимбекова жавобгар Р.Рахимбековага нисбатан транспорт воситасини эгасига олиб бериш ва етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Суд мажлисида даъвогар даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, унга тегишли 1999 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия” русумли, 10 Н 30-45 давлат белгили автомашинасини 08.09.2000 йилда ўғли А.Н.Рахимбековга сотиш ҳуқуқсиз, бошқариш ва унинг техник ҳолатидан хабардор бўлиши учун нотариал тартибда расмийлаштирилган ваколатнома берганлигини, 2005 йилда ўғли Х.Рахимбеков тўсатдан вафот этганлигини, шу сабабли унга тегишли автомашина унинг ўғли яшаб келган Чилонзор тумани, Арнасой кўчаси 15-уйда сақланиб келаётганлигини, ҳозирда унинг келини Р.Рахимбекова ва набиралари ушбу уйда яшаб келаётган бўлиб, автомашинанинг эҳтиёт қисмларини, жумладан, 5 та ғилдиракларини дисклари билан, ўриндиқларини ва бошқа қисмларини унинг розилигисиз бегона шахсларга сотиб юборганлигини ва унга моддий зарар етказганлигини баён этиб, ўзига тегишли “Нексия” автомашинасини жавобгардан қайтариб олиб беришни ҳамда жавобгар томонидан автомашинанинг эҳтиёт қисмларини сотиб юборилганлиги натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаб, ундириб беришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддасига асосан ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб, уларни ўрганиб чиқиб, мазкур фуқаролик ишини ҳар томонлама, атрофлича кўрилишини ҳамда иш юзасидан қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш, шунингдек, жавобгар томонидан даъвогарга етказилган зарар миқдорини аниқлаш мақсадида, фуқаролик иши юзасидан суд автотехник экспертизаси тайинлашни лозим деб топади.

Уқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддаси, 237-238-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан суд автотехник экспертизаси тайинлансин ва эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилсин:

1. Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси томонидан 06.08.2000 йилда берилган ААА № 0013770 серияли техник паспортга асосан Рахимбекова Зайнабга тегишли бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия” русумли, двигатель № 52007, кузов № 080177, давлат белгиси 10 Н 30-45 бўлган кўк рангли автомашинанинг ҳозирги кундаги ўртача бозор нархи қанча эканлиги аниқлансин.

2. Рахимбекова Зайнабга тегишли бўлган 1999 йилда ишлаб чиқарилган “Нексия” русумли, давлат белгиси 10 Н 30-45 бўлган кўк рангли автомашинага ҳозирги кунда етказилган моддий зарар неча сўмни ташкил этиши аниқлансин.

Суд автотехник экспертизасини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига юклатилсин.

Эксперт Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-238-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳақида огоҳлантирилсин.

Мазкур фуқаролик иши эксперт ихтиёрига юборилсин.

Суд автотехник экспертизасини ўтказиш юзасидан тўланадиган харажатлар даъвогар З.Рахимбековадан ундирилсин.

Судья**Н.Р.Давлетов**

АЖРИМ

суд бухгалтерия экспертизасини тайинлаш ҳақида

2009 йил сентябрь ойининг 6 кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро суди ўз биносига, очиқ суд мажлисида

Судья **С.А.Турдиев**нинг раислигида,

А.Бекназаровнинг котиблигида, даъвогар К.Абдурахмоновнинг жавобгар “Тошкент нон шаҳри” корхонасига нисбатан нафақа ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар К.Абдурахмонов жавобгар “Тошкент нон шаҳри” корхонасига нисбатан нафақа ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этиб, 1977 йилда “Тошкент нон шаҳри” корхонасига юк ташувчи вазифасига ишга кирганлигини, 1983 йилда тунги сменада ишлаётганида бахтсиз ҳодиса туфайли оғир жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолганлигини, туман ВТЭКнинг хулосасига асосан меҳнат қобилиятини йўқотган деб топилганлигини, шундан сўнг корхонада бошқа енгилроқ ишга ўтказилсада, соғлиғи тикланмаганлиги сабабли 1988 йилнинг охирида ўз аризасига биноан корхонадан ишдан бўшатирилганлигини, бир неча маротаба касалхоналарда даволанганлигини ва 1997 йилда туман ТМЭКси уни 60 фоиз иш қобилиятини йўқотган деб топиб, 2-гурӯх ногиронлиги тўғрисида хулоса берганлигини, касаллиги сабабли корхонадан ишдан бўшаб кетганлиги учун унга корхона томонидан нафақа тайинланган бўлсада, нафақа миқдори нотўғри ҳисобланганлиги ва у бирор маротаба ҳам нафақа пулини олмаганлигини, бир неча маротаба нафақа берилмаётганлиги юзасидан мурожаат этган бўлсада, корхона раҳбари унга нафақа беришдан бош тортганлигини, шу сабабли жавобгардан унинг фойдасига 1983 йилдан бошлаб нафақа ундириб беришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар ва унинг ишончли вакили М.Саттарова даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, даъво аризани қаноатлантиришни сўрашди.

Суд мажлисига қатнашган жавобгарнинг ишончли вакили С.Усманова даъво талабларини тан олмасдан, даъво асоссизлиги сабабли уни рад этишни сўраб, фуқаролик иши юзасидан фикрини судга ёзма равишда тақдим этишини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддасига асосан ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки хунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб, уларни ўрганиб, мазкур фуқаролик ишини ҳар томонлама, атрофлича кўрилишини ҳамда иш юзасидан қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш, хусусан, даъвогарга ундирилиши лозим бўлган нафақа миқдорини аниқ белгилаш мақсадида, фуқаролик иши юзасидан суд бухгалтерия экспертизаси тайинлашни лозим деб топади.

Суд К.Абдурахмоновни нафақахўрлигини инобатага олиб, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 110-моддасига асосан уни экспертиза ўтказилиши билан боғлиқ харажатларни тўлашдан озод этишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84, 110, 237-238-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан суд бухгалтерия экспертизаси тайинлансин ва эксперт олдига қуйидаги савол қўйилсин:

1. “Тошкент нон шаҳри” корхонаси томонидан Каримберди Абдурахмоновга нафақа миқдори тўғри белгиланганми?

2. “Тошкент нон шаҳри” корхонаси томонидан Каримберди Абдурахмоновга тўланиши лозим бўлган нафақа бўйича қарздорлиги мавжудми?

Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига юклатилсин.

Эксперт Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-238-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳақида огоҳлантирилсин.

Мазкур фуқаролик иши экспертихтиёрига юборилсин.

Даъвогар К.Абдурахмонов экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатларни тўлашдан озод этилсин.

Судья

С.А.Турдиев

АЖРИМ

суд бухгалтерия экспертизасини тайинлаш ҳақида

2008 йил август ойининг 14 кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро суди ўз биносида, очик суд мажлисида

Судья **А.У.Тожиев**нинг раислигида,

Н.Аббасовнинг котиблигида, даъвогар М.Фозилованинг жавобгар А.Очиловга нисбатан таъсисчигини жамият таркибидан чиқариш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар М.Фозилов жавобгар А.Очиловга нисбатан таъсисчигини жамият таркибидан чиқариш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Даъвосида фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судининг 07.02.2006 йилдаги ажримига асосан у раҳбарлик қилаётган “RIM-SERVIS” МЧЖнинг таъсисчигини бўлган О.А.Вакилованинг иморат маблағидаги 50 фоиз улуши унга ўтганлигини, корхона таъсисчиларининг умумий йиғилишини ўтказиб, жамиятнинг устави ва таъсис шартномасига тегишли тартибда ўзгартириш киритиш мақсадида А.Очилов бир неча маротаба корхонага таклиф этилган бўлишига қарамасдан, йиғилишларга келмаётганлигини, ҳозирги кунда жавобгар уйини сотиб, бошқа манзилда яшаётганлигини, уни топишни имконияти бўлмаётганлигини, шу сабабли ўз хатти-ҳаракатлари билан корхонанинг фаолият кўрсатишига қаршилик кўрсатаётганлигини, шу боис жавобгар А.Очиловга тегишли бўлган устав фондидаги 50 фоиз улушини 727571 сўм миқдорида белгилаб, ушбу улушни унга берган ҳолда “RIM-SERVIS” МЧЖнинг таъсисчилигидан чиқаришни сўраган.

Ўз.Р. ФПКнинг 84-моддасига асосан ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб, уларни ўрганиб ҳамда иш юзасидан қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш, шунингдек, жавобгарни “RIM-SERVIS” МЧЖдаги улушини пул миқдорида аниқлаш мақсадида фуқаролик иши юзасидан суд бухгалтерия экспертизасини тайинлашни лозим деб топади.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддаси, 237-238-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан суд бухгалтерия экспертизасини тайинлансин ва эксперт олдига қуйидаги савол қўйилсин:

2007 йиллик бухгалтерлик ҳисоботлари бўйича жавобгар Очилов Адхам Хамдамовични “RIM-SERVIS” МЧЖдаги улушининг ҳақиқий қиймати аниқлансин.

Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш ўз.Р. Адлия вазирлигига қарашли Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига юклатилсин.

Эксперт Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 237-238-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилишлари ҳақида огоҳлантирилсин.

Мазкур фуқаролик иши эксперт ихтиёрига юборилсин.

Суд бухгалтерия экспертизасини ўтказиш юзасидан тўланадиган харажатлар даъвогар М.Фозиловага юклатилсин.

Судья

А.У.Тожиев

АЖРИМ

қўшимча суд қурилиш-техник экспертизасини тайинлаш ҳақида

2006 йил сентябрь ойининг 16 кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Судья **Б.А.Ишанкулов**нинг раислигида,

М.Шукуровнинг котиблигида, даъвогар Б.Абдуллаевнинг жавобгар К.Ибрагимовга нисбатан хонадоннинг тепа қаватидан сув тошиши натижасида етказилган моддий ва манавий зарарларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан қўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар Б.Абдуллаев жавобгар К.Ибрагимовга нисбатан хонадоннинг тепа қаватидан сув тошиши натижасида етказилган моддий ва манавий зарарларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Бугунги суд мажлисида даъвогар даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 5-уй, 9-хонадон эгаси эканлигини, жавобгар шу манзилнинг 12-хонадонига, яъни хонадонининг тепа қаватида яшаб келиб, бир неча маротаба унинг хонадонига сув тошириб юборганлигини, унинг мурожати асосида у яшаб келаётган уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари бир неча бор хонадоннинг сув оққан қисмларини кўздан кечириб, бу ҳақда тегишли далолатнома тузишганлигини, хонадонига сув тошиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш мақсадида тегишли баҳолов ташкилотига мурожаат этганлигини ва ташкилотнинг техник хулосасига кўра, унга 466 690 сўм миқдорда моддий зарар етказилганлигини, мазкур текширув ва ҳисоб-китобни амалга ошириш учун баҳолов ташкилотига 56 290 сўм миқдорда пул тўлаганлигини, бундан ташқари унга етказилган маънавий зарар миқдори 500 000 сўмни ташкил этишини баён этиб, даъвосини қаноатлантиришни сўраган.

Жавобгар К.Ибрагимов суд мажлисида даъвогарнинг даъво талабларини тан олмай, унинг хонадонига сув тошининг сабабларини ва тиклаш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш нархини аниқлаб бериш мақсадида суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2006 йил 6 августдаги ажримига асосан, иш бўйича суд қурилиш-техник экспертизаси тайинланиб, экспертиза хулосасига кўра, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 5-уй, 9-хонадондаги ванна хонада ва ёнма-ён жойлашган 1-хонанинг бурчак деворида, 12-хонадондаги раковина тагидаги сифондан ва 12-хонадондан 9-хонадоннинг трубасига ўтиш жойидан оққан сувларнинг биргаликдаги таъсиридан келиб чиққан бўлиши мумкинлиги, тепа қаватдан бошқа хоналарга сув тошининг сабабини аниқлашни имкони бўлмаганлиги, ушбу манзилдаги хонадонни тиклаш-таъмирлаш ишларига жами 371 257 сўм миқдорда маблағ сарфланиши қайд этилган.

Фуқаролик ишини суд мажлисида кўриш жараёнида, жавобгар К.Ибрагимов юқорида кўрсатилган манзилдаги хонадонга тепа қаватдаги хонадондан сув тошиш сабабларини ва тиклаш-таъмирлаш ишларини аниқ нархини аниқлаш мақсадида ҳар бир алоҳида хона бўйича қўшимча суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлашни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддасига асосан ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд томонлар кўргазмаларини тинглаб, фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, иш бўйича юқорида кўрсатилган манзилдаги хонадонга тепа қаватдан сув тошиш сабабларини ва тиклаш-таъмирлаш ишларининг умумий нархини аниқлаш мақсадида, ҳар бир алоҳида хона бўйича қўшимча суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, мазкур экспертизани ўтказиш маълум вақтни талаб қилиши сабабли Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 93-моддаси 5-қисмига асосан фуқаролик иши экспертизадан қайтгунга қадар иш юритувдан тўхтатиб турилиши лозим бўлади.

Юқорида қайд қилинганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 194, 93, 237-238-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан қўшимча суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлансин ва эксперт олдига қуйидаги савол қуйилсин:

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 5-уй, 9-хонадоннинг ҳар бир хонасининг тепа қаватидан сув тошишдан сўнг хонадонни тиклаш-таъмирлаш ишларига кетадиган харажатлар миқдори аниқлансин.

Мазкур фуқаролик иши юзасидан қўшимча суд қурилиш-техник экспертизаси ўтказилиши Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига топширилсин ва эксперт Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-240-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

Экспертиза ўтказилиш билан боғлиқ суд харажатлари жавобгар К.Ибрагимовнинг зиммасига юклатилсин.

Мазкур фуқаролик иши эксперт ихтиёрига юборилсин.

Фуқаролик иши экспертизадан қайтгунга қадар иш юритувдан тўхтатиб турилсин.

Мазкур ажримнинг фуқаролик ишини юритишдан тўхтатиб туриш ҳақидаги қисмидан норози тарафлар 10 кунлик мuddат ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Судья

Б.А.Ишанкулов

АЖРИМ

Қайта суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлаш ҳақида

2006 йил сентябрь ойининг 26 кунда фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида

Судья **Г.Бахромова**нинг раислигида,

М.Аббасовнинг котиблигида, даъвогар А.Икрамованинг жавобгар С.Умаровга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги ва жавобгар С.Умаровнинг улушни пул тариқасида ундириш ва умумий мол-мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги қарши даъво аризаси юзасидан кўзғатилган фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Даъвогар А.Икрамова жавобгар С.Умаровга нисбатан уйга киритиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат этиб, суд мажлисида даъво талабларини тўлиқ қувватлаб, жавобгар билан 1992 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, 1993 йилда Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 5-мавзе 45-уй, 12-хонадонни хусусийлаштиришда ўзи, жавобгар ва жавобгарнинг ота-онаси қатнашганлигини, лекин шунга қарамасдан ҳозирда жавобгар уни ушбу хонадонга яшашига қаршилиқ кўрсатаётганлиги сабабли, низоли хонадонга киритиб қўйишни сўраган.

Жавобгар С.Умаров суд мажлисида даъвогарнинг даъво талабларини тан олмасдан, даъвогарнинг улушини пул тариқасида тўлаш ва уни умумий мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тугатиш ҳақида қарши даъво билан мурожаат қилиб, суд ҳал қилув қарорига асосан даъвогар билан ўрталаридаги никоҳ бекор қилинганлиги ва даъвогар бошқа уй-жой билан таъминланганлиги сабабли даъвогарнинг даъво аризасини рад қилиб, қарши даъвои қаноатлантиришни сўраган.

Ишни судда кўриш жараёнида даъвогар низоли хонадоннинг ўртача нархини ва унинг улушини пул суммасида аниқлаш мақсадида қайта суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлаш ҳақида илтимоснома келтириб, илтимосномасида 25.08.2006 йилдаги экспертизанинг хулосасида уйнинг нархини ва унинг улушини аниқлашда Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан белгиланадиган қурилиш учун кетган сарф харажатларнинг қимматлашув нархи индекси 286,6 ҳисобида олинганлигини, лекин экспертиза хулосаси берилган вақтда ушбу индекс 286,6 эмас, балки 405,8 ни ташкил этиши лозимлигини кўрсатиб, бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимияти томонидан берилган маълумотномани тақдим этган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84-моддасига асосан ишни кўриш вақтида келиб чиққан, фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

Суд тарафлар кўргазмаларини тинглаб, фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, уйни ўртача нархини ва даъвогарнинг улушини пул суммасида

аниқлаб бериш мақсадида қайта суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, мазкур экспертизани ўтказиш маълум вақтни талаб қилиши сабабли Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 93-моддаси 5-қисмига асосан фуқаролик иши экспертизадан қайтгунга қадар иш юритувдан тўхтатиб турилиши лозим бўлади.

Юқорида қайд қилинганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 84, 93, 237-238-моддаларига асосан, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур фуқаролик иши юзасидан қайта суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлансин ва эксперт олдида қуйидаги савол қуйилсин:

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 5-мавзе, 45-уй, 12-хонадоннинг ўртача бозор нархи ва ушбу хонадон ¼ қисмининг баҳоси аниқлансин.

Қайта суд қурилиш-техник экспертизаси ўтказилиши Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига топширилсин ва эксперт Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 238-240-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

Экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар жавобгарнинг зиммасига юклатилсин.

Эксперт ихтиёрига фуқаролик иши юборилсин.

Фуқаролик иши экспертизадан қайтгунга қадар фуқаролик иши юритувдан тўхтатиб турилсин.

Мазкур ажримнинг фуқаролик ишини юритишдан тўхтатиб туриш ҳақидаги қисмидан норози тарафлар 10 кунлик муддат ичида фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Судья

Г.Бахромова

АЖРИМ **(экспертни рад қилишни қабул қилиш ҳақида)**

2012 йил февраль ойининг 28 куни фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Судья **В.Бахриев**нинг раислигида,

Д.Сапаровнинг котиблигида, тарафларнинг иштирокида, даъвогар Ш.Ғаниевнинг жавобгарлар Б.Ғаниев, О.Ўлмасовага нисбатан мерос уй-жойдан улуш ажратиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Даъвогар Ш.Ғаниев жавобгарлар Б.Ғаниев, О.Ўлмасовага нисбатан даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, 2011 йил 25 майдаги меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан Зангиота туман, Ойбек кўчаси, 9-уй тенг улушларда уларнинг умумий mulки эканлигини, мерос уйдан ўзининг улушига тенг қисмидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлсада, жавобгарлар уйга кириб, яшашига тўсқинлик қилишаётганлигини баён этиб, юқорида қайд этилган уй-жойдан улушини ажратиб беришни сўраган.

Фуқаролик иши юзасидан суд томонидан судга оид қурилиш-техник экспертизаси тайинланган. Ушбу экспертиза ўтказилиши жараёнида даъвогар Ш.Ғаниев томонидан экспертни рад қилиш ҳақида ариза тақдим қилиниб, эксперт Қ.Шодмонов О.Ўлмасованинг жияни бўлишини, бу ҳолат унинг низо юзасидан холис ҳулоса беришига шубҳа туғдиришини баён этган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 25-моддаси 1-қисмининг 3-бандида кўра, судья ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса, ишни кўриши мумкин бўлмаслиги ва у рад қилиниши белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ФПК 26-моддасининг 1-қисмига мувофиқ ушбу Кодекс 25-моддасининг 3-бандида кўрсатилган рад қилиш асослари хусусан, экспертга нисбатан ҳам қўлланилиши қайд этилган.

Суд тарафларнинг, экспертнинг тушунтиришларини тинглаб, даъвогарнинг экспертни рад қилиш ҳақидаги талабини қаноатлантириш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 29, 237-238-моддаларини қўллаб, суд

АЖРИМ ҚИЛДИ:

Даъвогар Ш.Ғаниевнинг жавобгарлар Б.Ғаниев, О.Ўлмасовага нисбатан мерос уй-жойдан улуш ажратиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича фуқаролик иши юзасидан даъвогар Ш.Ғаниевнинг эксперт Қ.Шодмоновни рад қилиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Эксперт Қ.Шодмонов рад қилинсин.

Судья

В.Бахриев

Фуқаролик ишлари бўйича
Зангиота туманлараро суди судьяси
Х.Турахановга

Зангиота тумани, Х.Оқилов МФЙ,
А.Хамдамов кўчаси 41-уйда яшовчи
даъвогар О.Худайбердиевдан

ИЛТИМОСНОМА
(ФПКнинг 34-моддаси тартибидан)

Мен судга жавобгар А.Худайбердиевага нисбатан уй-жойни бўлиш ҳақидаги даъво ариза билан мурожаат этганман.

Жавобгар менинг собиқ турмуш ўртоғим бўлади, у билан 1999 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганмиз. Низоли уй-жойни жавобгар билан биргаликдаги турмушимиз даврида, яъни 2003 йилда унинг номига сотиб олганмиз. Кейинчалик ўзаро муносабатларимиз бузилиб, турмушимиздан ажрашиб кетганмиз ва бир неча йиллар давомида алоҳида яшаб келдик.

Бугунги кунда мен ота-онамнинг уйда яшаб келмоқдаман, яқинда кичик укам оила қурди ва бир уйда бир неча киши бўлиб яшаб келмоқдамиз. Иқтисодий томондан оғир аҳволда бўлганлигим ва молиявий шароитим яхши эмаслиги сабабли ўзим учун алоҳида уй-жой сотиб олишга ҳозирда имкониятим йўқ.

Шу сабабли жавобгар билан яшаган давримизда сотиб олган уй-жойга кириб яшамоқчи бўлиб, жавобгарга мурожаат этганимда у бунга кескин қаршилик қилиб, хонадонга кириб яшашимга тўсқинлик қилмоқда.

Шунга кўра даъво ариза билан судга мурожаат этиб, суддан низоли уй-жойни жавобгар ўртамизда тенг бўлиб, менга тегишли қисмини натура ҳолда ажратиб беришни сўрамоқдаман, мен жавобгарга улушини пул тариқасида бермоқчиман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, низоли уй жойни бугунги кундаги бозор қийматини аниқлаш ва улушларимизни пул тариқасида ажратиб бериш мақсадида экспертиза тайинлашингизни сўрайман.

Даъвогар

О.Худойбердиев
2017 йил 26 октябрь

Фуқаролик ишлари бўйича
Ўртачирчиқ туманлараро суди
судьяси А.Вахобовга

Ўртачирчиқ тумани, Ҳаваскор МФЙ,
У.Очилов кўчаси 24-уйда яшовчи
даъвогар А.Собировдан

ИЛТИМОСНОМА
(ФПКнинг 34-моддаси тартибид)

Мен Ўртачирчиқ туманлараро судига жавобгарлар А.Хамидов ва Г.Хамидовларга нисбатан турмуш ўртоғим Х.Н.Собирова томонидан 2013 йил 26 августда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво ариза билан муурожаат этганман.

Жавобгар А.Хамидов даъво аризаси ҳамда суд мажлиси жараёнида берган баёнотларида турмуш ўртоғим Х.Собирова гуёки отасининг вафотидан кейин унга мерос сифатида қолдирилган уй жойни уларга олди-сотди шартномаси асосида расмийлаштириб сотганлигини маълум қилишмоқда. Ваҳоланки, турмуш ўртоғим олди-сотди шартномаси расмийлаштирилган вақтда, хусусан, 2013 йилнинг февраль ойидан 2014 йилнинг май ойларига қадар соғлиғи ёмонлашиб қарийиб кўчаларга чиқмас, кам ҳаракат бўлиб соғлиғи жуда ҳам ёмон аҳволда эди.

Шунга кўра, мен уй-жойни олди-сотди шартномаси айнан турмуш ўртоғим томонидан имзоланиб расмийлаштирилганлигига шубҳам бор. Шу сабабли мазкур фуқаролик иши бўйича экспертиза тайинлашингизни ва ишни адолатли ҳал қилинишига замин яратишингизни сўрайман.

Даъвогар

О.Собиров
2017 йил 2 февраль

Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент шаҳар Чилонзор
туманлараро суди судьяси
С.Абдусаматовга

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
4-мавзе, 54-уй, 9-хонадонда яшовчи
жавобгар С.Хамидовдан

А Р И З А

Даъвогар А.Хамидова менга нисбатан фарзандининг ва ўзининг таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат этган. Даъвогар билан 2008 йилнинг август ойида никоҳдан ўтиб турмуш қурганмиз ва икки ойга яқин вақт давомида биргаликда яшаганмиз.

Даъво аризада даъвогарнинг фарзанди 2009 йилнинг май ойида туғилганлиги қайд этилган бўлиб, алимент ундирилиши сўралаётган бола ҳақиқатдан ҳам менинг фарзандим эканлигига шубҳам бор.

Шунга кўра, мен даъвогарга нисбатан оталикни рад этиш ҳақида қарши даъво ариза билан судга мурожаат этдим ва суддан ишни адолатли ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тайинлашингизни сўрайман.

Экспертиза ўтказилиши билан боғлиқ харажатларни ўз зиммамга оламан.

Жавобгар

С.Хамидов
2017 йил 23 март

Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент шаҳар Миробод
туманлараро суди судьяси
А.Исмамовага

Тошкент шаҳар, Миробод тумани,
Ойбек кўчаси 126-уй, 23-хонадонда
яшовчи З.Хасановдан

А Р И З А

Судга жавобгар О.Норматовга нисбатан моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво ариза билан мурожаат этганман.

Жавобгар мен яшайдиган хонадоннинг тепа қаватида яшайди. 2011 йил 13 октябрь куни жавобгарнинг уйидан кучли сув оқиб тушиши натижасида ошхонам ва ҳожатхона деворлари ивиб кетган бўлса, ошхона поллари эса шишиб, носоз аҳволга келиб қолган.

Жавобгарнинг хонадонидаги иситиш тизими носоз аҳволда бўлганлиги сабабли уйидан сув оқиб мени хонадонимга шикаст етказиб, ёмон аҳволга келиб қолишига сабаб бўлди.

Жавобгарга менга етказилган зарарни қоплашини ёки ошхона ва ҳожатхонани таъмирлаб беришини сўраб мурожаат этдим. Лекин жавобгар хонадонимга унинг айби билан зарар етказилмаганлигини, балки бу ширкатнинг айби билан содир бўлганлигини важ қилиб, таъмирлаб беришдан бош тортмоқда.

Шу сабабли судга мазкур даъво билан мурожаат этишга мажбур бўлдим.

Юқоридагиларга кўра, суддан менга айнан жавобгарнинг айби билан зарар етказилганлигини ҳамда етказилган моддий зарар қийматини аниқлаш мақсадида суд қурилиш-техник экспертизаси тайинлашингизни, экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатларни жавобгардан ундириб беришингизни сўрайман.

Даъвогар

З.Хасанов
2017 йил 14 ноябрь

2-ИЛОВА

ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗАДИГАН
ТАШКИЛОТЛАР ҲАҚИДА
МАЪЛУМОТЛАР



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
Х.СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА СУД ЭКСПЕРТИЗА
МАРКАЗИ ВА МАРКАЗНИНГ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИНМАЛАРИ
(ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ):**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза Маркази - Тошкент шаҳар, Чилонзор кўчаси 29-уй, инд. 100115, тел. (0371) 277 23 55, факс (0371) 277 45 12.

– **Самарқанд вилоят бўлими** (Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари бўйича) – Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси 67-уй, инд. 140158, тел.: (0366) 222 91 63.

– **Фарғона вилоят бўлими** (Фарғона ва Наманган вилоятлари бўйича) – Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси 149-а уй, инд. 150103, тел.: (0373) 244 75 16.

– **Андижон вилоят бўлими** – Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 60-уй, инд. 170112, тел.: (0374) 223 50 24.

– **Сирдарё вилоят бўлими** (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўйича) – Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, 4-мавзе, 27-уй, 10-хонадон, инд. 120100, тел.: (0367) 225 04 17.

– **Қорақалпоғистон Республикаси бўлими** – Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Сарбиноз массиви, Тўртқўл гузари кўчаси, 22-уй инд. 230106.

– **Қашқадарё вилоят бўлими** – Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 55-уй, инд. 180108, тел.: (0375) 223 01 84.

– **Сурхондарё вилоят бўлими** – Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 80-а уй, инд. 190100, тел.: (0376) 223 52 50.

– **Хоразм вилоят бўлими** – Хоразм вилояти, Ургенч шаҳри, Самарқанд кўчаси 90-уй, инд. 220100, тел.: (0362) 228 13 53.

РЕСПУБЛИКА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА БЮРОЛАРИ

Республика суд-тиббий экспертиза Марказий бюроси – Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Шифокорлар кўчаси, 7-уй;

Тошкент вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод ҚФЙ, Дўстлик кўчаси 26-уй, инд 111221, тел. (0371) 265 96 46;

Самарқанд вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Абу Мансур Мотрудий кўчаси 26-уй, инд 140120, тел. (0366) 232 14 28;

Навоий вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Меъморлар кўчаси 2А-уй, инд 110105, тел. (0436) 224 30 31;

Бухоро вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Алпомиш кўчаси 5А-уй, инд 105013, тел. (0365) 222 12 40;

Жиззах вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Шифокор кўчаси 7-уй, инд 130100, тел. (0372) 226 25 84;

Сирдарё вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ибн Сино кўчаси 20-уй, инд 107000, тел. (0367) 226 37 95;

Сурхондарё вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Голованова кўчаси 12-уй, инд 132006, тел. (0376) 223 61 96;

Қашқадарё вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 341-уй, инд 180104, тел. (0375) 226 11 41;

Андижон вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Майбоқча кўчаси 63-уй, инд 100017, тел. (0374) 227 43 74;

Фарғона вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Табобат кўчаси 24А-уй, инд 150100, тел. (0373) 226 32 62;

Наманган вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 8 март кўчаси 6-уй, инд 160116, тел. (0369) 234 02 14;

Хоразм вилояти суд-тиббий экспертиза бюроси – Хоразм вилояти, Ургенч шаҳри, Пахлавон Махмуд кўчаси 2-уй, инд 140006, тел. (0362) 228 22 07;

Қорақалпоғистон Республикаси суд-тиббий экспертиза бюроси
– Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, К.Айимбетов кўчаси 333-уй, инд 242005, тел. (0361) 780 03 69;

З-ИЛОВА

ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ БИЛАН
БОҒЛИҚ АЙРИМ НОРМАТИВ-
ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади суд экспертизаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат суд эксперти – давлат суд-экспертиза муассасасининг ўз хизмат вазифаларини бажариш тартибида суд экспертизасини ўтказувчи суд эксперти;

иш – суд экспертизаси тайинланган фуқаролик, хўжалик, жиноят иши (шу жумладан, терговга қадар текширув материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш;

суд эксперти – хулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган, белгиланган тартибда суд эксперти сифатида тайинланган жисмоний шахс;

суд экспертнинг хулосаси (хулоса) – суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси томонидан тузиладиган ва суд-эксперт текширишларининг олиб борилишини ва натижаларини акс эттирадиган ёзма ҳужжат;

суд экспертизаси – фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий суд ишларини юритишда иш ҳолатларини аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимлар асосида суд-эксперт текширишларини ўтказиш ва хулоса беришдан иборат бўлган процессуал ҳаракат;

суд-экспертлик фаолияти – суд экспертизасини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолият.

4-модда. Суд-экспертлик фаолиятининг асосий принциплари

Қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, суд экспертнинг мустақиллиги, суд-эксперт текширишларининг холислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги суд-экспертлик фаолиятининг асосий принципларидир.

5-модда. Суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишда қонунийликка риоя этилиши

Суд-экспертлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

6-модда. Суд-экспертлик фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши

Суд-экспертлик фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунларида назарда тутилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Шахснинг эркинлигини вақтинча чеклашни ёки унинг шахсий дахлсизлиги бузилишини талаб этувчи суд-эксперт текширишлари (бундан буён матнда текширишлар деб юритилади) фақат қонунда белгиланган асослар ва тартибда ўтказилади.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот (бундан буён матнда бошқа ташкилот деб юритилади) томонидан суд экспертизаси ўтказилиши муносабати билан қабул қилинган қарорлар, суд экспертнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг чекланишига олиб келди деб ҳисоблаган шахс мазкур қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

7-модда. Суд экспертнинг мустақиллиги

Суд эксперти суд экспертизасини ўтказишда суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан), тарафлардан ва ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахслардан мустақилдир.

Суд эксперти ўзининг фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги махсус билимларига (бундан буён матнда махсус билимлар деб юритилади) мувофиқ ўтказилган текширишлар натижаларига асосланиб хулоса беради.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс), шунингдек бошқа давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан тарафлардан бирортасининг ёки ишнинг натижасидан манфаатдор бўлган бошқа шахсларнинг фойдасини кўзлаб хулоса олиш мақсадида суд экспертига таъсир кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

8-модда. Текширишларнинг холислиги, ҳар томонламалиги ва тўлиқлиги

Суд эксперти текширишларни холисона, қатъий илмий ва амалий асосда, тегишли ихтисослик доирасида, ҳар томонлама ва тўлиқ ҳажмда ўтказилади.

Суд экспертнинг хулосаси (хулоса) қилинган фикрларнинг асослилиги ва ишончлилигини умум эътироф этилган илмий ва амалий маълумотлар базасига мувофиқ текшириш имкониятини берадиган қоидаларга асосланиши лозим.

9-модда. Текшириш объектлари

Ашёвий далиллар, текшириш учун намуналар, бошқа моддий объектлар, мурдалар ва уларнинг қисмлари, ҳужжатлар, шунингдек суд экспертизаси

ўтказилаётган иш материаллари текшириш объектлари бўлиши мумкин. Текширишлар тирик одамга нисбатан ҳам ўтказилади.

Текширишни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган тирик одам, мурда, ҳайвон, ўсимлик, буюм, материал ёки модданинг хусусиятларини акс эттирувчи объектлар текшириш учун намуналардир.

Суд экспертизасини ўтказишда текшириш объектлари (тирик одамдан ташқари) текширишни ўтказиш учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада шикастланиши ёки ишлатилиши мумкин. Бунда текшириш объектнинг қисман шикастланиши ёки ишлатилишига суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) ёзма рухсати олиниши зарур, тайинланган суд экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари объектнинг шикастланишини (бузилишини) ёки ишлатилишини тақозо этувчи ҳоллар бундан мустасно.

Текшириш объектларининг суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) ёзма рухсати билан ёхуд тайинланган суд экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шикастланганлиги ёки ишлатилганлиги давлат суд-экспертиза муассасаси, бошқа ташкилот ёки суд эксперти томонидан мазкур объектларнинг мулкдорига зарарнинг ўрни қоплаб берилишига сабаб бўлмайди.

Текшириш объектлари, агар уларнинг ўлчамлари ва хоссалари имкон берса, ўралган ва муҳрланган ҳолда суд экспертига топширилиши керак.

Текшириш объектини суд экспертнинг иш жойига етказиб беришнинг иложи бўлмаганда, суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) унга мазкур объектни монеликсиз кириб кўришни ва уни текшириш имкониятини таъминлайди.

Суд экспертизаси тугалланганидан кейин текшириш объектлари, агар улар тўла ишлатилган бўлмаса, суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) қайтарилади.

10-модда. Суд эксперти

Суд эксперти сифатида давлат суд эксперти, бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Бошқа ташкилот ходими суд экспертизасини уни тайинлаган орган (шахс) томонидан мазкур ташкилотга берилган топшириқни бажариш тартибида ўтказиши.

Ишда суд эксперти сифатида иштирок этиш учун жалб этилган бошқа жисмоний шахс бирон-бир давлат суд-экспертиза муассасаси штатида турмайди ва суд экспертизасини уни тайинлаган органнинг (шахснинг) топшириғини бажариш тартибида ўтказиши.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар суд эксперти сифатида жалб этилиши мумкин эмас. Шахснинг суд эксперти сифатида иштирок этишини истисно этадиган бошқа ҳолатлар процессуал қонунда назарда тутилади.

Суд эксперти иш ҳолатларини текширишда фақат ўзига топширилган суд экспертизаси предметига тааллуқли ва хулоса бериш учун аҳамиятга молик масалалар бўйича иштирок этади.

Суриштирув, дастлабки тергов органлари, суд ва суд муҳокамасидаги тарафлар суд экспертига фақат унга топширилган суд экспертизаси ва у томонидан берилган хулоса муносабати билан мурожаат этишга ҳақли.

Суд эксперти фақат ўзи томонидан берилган хулоса ва шахсан ўтказган текширишлари юзасидан сўроқ қилиниши мумкин.

Суд экспертини у хулоса бергунига қадар сўроқ қилиш тақиқланади.

11-модда. Суд экспертига қўйиладиган малакага оид талаблар

Давлат суд эксперти лавозимини олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси эгаллаши мумкин.

Суд эксперти сифатида жалб этиладиган бошқа ташкилот ходими ва бошқа жисмоний шахс олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-хунар маълумотига эга бўлиши лозим.

12-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаси

Суд-экспертлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил этилган ихтисослаштирилган муассаса давлат суд-экспертиза муассасасидир. Суд-экспертлик фаолияти тегишли давлат органларининг экспертиза бўлинмалари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Суд экспертизасини ўтказиш мазкур экспертиза бўлинмаларига топширилган ҳолларда, улар давлат суд-экспертиза муассасалари каби вазифаларни амалга оширади, ҳуқуқларга эга бўлади, мажбуриятларни бажаради ва жавобгар бўлади.

Айни бир хил ихтисосликдаги давлат суд-экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ташкил этиш, ўтказиш, давлат суд экспертларини касбий тайёрлаш ва ихтисослаштириш суд-экспертлик амалиётига ягона илмий-услубий ёндашув асосида амалга оширилади.

Давлат суд-экспертиза муассасасида суд экспертизалари, бу муассаса қайси давлат органи ихтиёрида бўлса, ўша давлат органи томонидан аниқланадиган, у учун белгиланган хизмат кўрсатиш минтақаларига мувофиқ ўтказилади.

Суд экспертизасини тайинлаган ва давлат суд-экспертиза муассасасининг хизмат кўрсатиш минтақасидан ташқарида жойлашган органлар (шахслар) учун суд экспертизаси, истисно тариқасида, ушбу муассаса томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

Давлат суд-экспертиза муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади, қайта ташкил этилади ва тугатилади.

**2-БОБ. ДАВЛАТ СУД-ЭКСПЕРТИЗА МУАССАСАСИ,
БОШҚА ТАШКИЛОТ РАҲБАРИНИНГ ҲАМДА СУД ЭКСПЕРТИНИНГ
ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**13-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот
раҳбарининг суд-экспертлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқлари**

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

агар мазкур ташкилотда текширишларни ўтказиш учун тегишли мутахассислар ёки зарур моддий-техник база ёхуд махсус шароитлар бўлмаса, суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижро этмасдан ҳамда суд экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларини уч кунлик муддатда қайтариш;

суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) суд экспертлари комиссияси таркибига мазкур ташкилотда ишламайдиган шахсларни, шу жумладан, бошқа давлатлардан мутахассисларни, агар суд экспертизасини ўтказиш учун уларнинг махсус билимлари зарур бўлса, киритиш тўғрисида илтимос қилиш;

қўйилган масалаларни ҳал этиш учун бўлган текширишларни ўтказишни ўз кучлари ва воситалари билан таъминлаётган ташкилотларга суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг кўчирма нусхасини юбориш;

суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) мазкур ташкилотнинг текшириш объектлари текширилганидан сўнг уларни ташиш, бундан почта харажатлари мустасно; текшириш объектлари суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан олинмаган тақдирда, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида ушбу ташкилотда сақлаш; катта хавф туғдирадиган объектларнинг мазкур ташкилотга келиб тушиши натижасидаги зарарли оқибатларни (портлаш, ёнғин ва шу кабиларни), агар суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) ушбу объектлар билан муомалада бўлишнинг унга маълум бўлган махсус қоидалари тўғрисида раҳбарга хабар бермаган бўлса ёки улар лозим даражада ўралмаган бўлса, бартараф этиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**14-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот
раҳбарининг суд-экспертлик фаолияти соҳасидаги мажбуриятлари**

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари:

суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим олинганидан сўнг суд экспертизасини ўтказишни мазкур ташкилотнинг қўйилган саволларга жавоб бериш учун талаб қилинадиган қўламда махсус билимларга эга бўлган ходимлари жумласига қирадиган суд экспертига ёки суд экспертлари комиссиясига топшириши;

суд экспертига ёки суд экспертлари комиссиясининг ҳар бир аъзосига суд экспертнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши (давлат суд-экспертиза

муассасаларининг ходимларига бундай тушунтириш ишга қабул қилиш чоғида берилади);

суд экспертини била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товланганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши, ундан тегишли тилхат олиши ва мазкур тилхатни хулоса билан бирга суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юбориши;

ўтказилаётган текширишларнинг тўлиқлиги ва сифати устидан назоратни, суд экспертнинг мустақиллиги принципини бузмаган ҳолда, таъминлаши;

суд экспертизасини ўтказиш муддатини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлаши ва унга риоя этилишини назорат қилиши;

суд экспертига текширишларни ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни таъминлаши;

текшириш тугаганидан сўнг хулосани, текшириш объектлари ва иш материалларини суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юбориши шарт.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа ташкилот раҳбари:

суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча текшириш объектларини суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) қарори ёки ажримсиз талаб қилиб олишга;

суд экспертизасини ўтказиш учун мазкур ташкилотда ишламайдиган шахсларни мустақил равишда жалб этишга;

суд экспертига муайян суд экспертизаси юзасидан текшириш жараёнини ва фикрлар мазмунини олдиндан белгилаб қўядиган кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

15-модда. Суд экспертнинг ҳуқуқлари

Суд эксперти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд экспертизаси предметига оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;

суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;

тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ва шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга суд экспертизаси предметига оид саволлар бериш;

суд муҳокамасида суд экспертизаси предметига оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш;

ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки суд экспертизаси предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш;

унинг хулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;

агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;

агар унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишни юритаётган органнинг қарорлари, шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Суд эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16-модда. Суд экспертнинг мажбуриятлари

Суд эксперти:

суд эксперти сифатида ўзини ўзи рад этиши учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёки давлат суд-экспертиза муассасасининг ёхуд бошқа ташкилотнинг раҳбарига дарҳол маълум қилиши;

ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона хулоса бериши;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши;

ўзи ўтказган суд экспертизаси хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши;

суд экспертизасини ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги;

тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши;

иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

Суд эксперти зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Суд эксперти:

суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга;

суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишда материаллар тўплашга;

суд экспертизаси натижаларини суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга ҳақли эмас.

Давлат суд эксперти, шунингдек:

агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбаридан ташқари бевосита бошқа бирон-бир органдан (шахсдан) суд экспертизасини ўтказиш тўғрисида топшириқлар қабул қилишга;

бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс сифатида суд экспертизасини ўтказишга ҳақли эмас.

3-БОБ. СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ

17-модда. Суд экспертизасини ўтказиш асослари ва муддатлари

Суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асосларидир. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган текшириш объектлари ҳамда иш материалларини тақдим этади.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) текшириш учун намуналар олади ва уларни процессуал қонунда белгиланган тартибда ишга қўшиб қўяди. Зарур ҳолларда, бундай намуналарни олиш суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд эксперти ёки мутахассис иштирокида амалга оширилади.

Агар текшириш учун намуналар олиш текширишларнинг бир қисми ҳисобланса ва суд экспертизасига тақдим этилган текшириш объектларидан фойдаланилган ҳолда суд эксперти томонидан амалга оширилса, суд экспертизаси тугалланганидан кейин мазкур намуналар уни тайинлаган органга (шахсга) юборилади ёхуд қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат суд-экспертиза муассасасида, агар суд экспертизаси ушбу муассасада ўтказилган бўлса, сақланади.

Суд экспертизаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ўтказилади.

18-модда. Қўшимча ва қайта суд экспертизалари

Қўшимча суд экспертизаси хулосадаги бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш учун тайинланади ва шу ёки бошқа суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) томонидан ўтказилади.

Хулоса асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки суд экспертизасини ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта суд экспертизаси тайинланади.

Қайта суд экспертизаси тайинланганда суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) олдида илгари қўлланилган текшириш усулларининг илмий асосланганлиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин.

Қайта суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда қайта суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) биринчи (олдинги) суд экспертизаси хулосасига қўшилмаганлиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Қайта суд экспертизасини ўтказиш бошқа суд экспертига (суд экспертлари комиссиясига) топширилади. Биринчи (олдинги) суд экспертизасини ўтказган суд эксперти (суд экспертлари комиссияси) қайта суд экспертизасини ўтказишда ҳозир бўлиши ва тушунтиришлар бериши мумкин, лекин у текшириш ўтказиш ва хулоса тузишда иштирок этмайди.

19-модда. Суд экспертизасининг суд экспертлари комиссияси томонидан ўтказилиши

Суд экспертизаси бир хил (комиссиявий суд экспертизаси) ёки турли хил (комплекс суд экспертизаси) суд-эксперт ихтисослигидаги бир неча суд эксперти томонидан ўтказилиши мумкин.

Суд экспертизасининг суд экспертлари комиссияси томонидан ўтказилиши суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) ёки мазкур экспертизанинг ўтказилишини ташкил этувчи давлат суд-экспертиза муассасаси ёхуд бошқа ташкилот раҳбари томонидан белгиланади.

Суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд экспертлари комиссияси ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш зарурлигидан келиб чиқиб, ўтказиладиган текширишларнинг мақсади, кетма-кетлиги ва ҳажмини келишиб олади.

Суд экспертизасини ўтказиш топширилган суд экспертлари комиссияси таркибидаги ҳар бир суд эксперти текширишларни мустақил ва алоҳида олиб боради, шахсан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз махсус билимлари доирасида фикрларини шакллантиради.

Текширишларнинг суд экспертлари комиссияси таркибига киритилмаган шахслар томонидан тўлиқ ёки қисман ўтказилишига йўл қўйилмайди.

20-модда. Комиссиявий суд экспертизаси

Комиссиявий суд экспертизаси ўтказилаётганда суд экспертларининг ҳар бири текширишларни тўлиқ ҳажмда ўтказиши ва улар олинган натижаларни биргаликда таҳлил қилади.

Суд экспертлари умумий фикрга келганидан сўнг биргаликдаги хулосани ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузади ва имзолайди.

Суд экспертлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

21-модда. Комплекс суд экспертизаси

Комплекс суд экспертизаси иш учун аҳамиятга молик ҳолатларни турли илм соҳаларидан фойдаланган ҳолда бир неча текшириш ўтказиш йўли билангина аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда тайинланади.

Комплекс суд экспертизасини ўтказишда суд экспертларининг ҳар бири ўз ваколати доирасида текширишлар олиб боради. Комплекс суд экспертизасининг хулосасида суд экспертларининг ҳар бири қайси текширишларни ва қанча ҳажмда олиб борганлиги, қайси ҳолатларни шахсан ўзи аниқлаганлиги ҳамда қандай фикрларга келганлиги кўрсатилади. Суд экспертларининг ҳар бири хулосанинг ушбу текширишлар баён этилган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгар бўлади.

Умумий фикрни (фикрларни), олинган натижаларни баҳолашга ва ушбу фикрни (фикрларни) шакллантиришга ваколатли бўлган суд экспертлари

қилади. Агар суд экспертлари комиссияси якуний фикрининг ёки унинг бир қисмининг асоси сифатида суд экспертларидан бирининг (алоҳида суд экспертларининг) аниқлаган ҳолатлари олинган бўлса, бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак.

Суд экспертлари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда, уларнинг ҳар бири келишмовчиликлар келиб чиққан барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

Агар комплекс суд экспертизасини ўтказиш давлат суд-экспертиза муассасасига топширилган бўлса, унда ушбу экспертизани ташкил қилиш унинг раҳбари зиммасига юклатилади.

22-модда. Суд экспертизаси ўтказилаётганда процесс иштирокчиларининг ҳозир бўлиши

Суд экспертизаси ўтказилаётганда процессуал қонунда процесснинг қайси иштирокчиларига суд экспертизасини ўтказишда ҳозир бўлиш ҳуқуқи берилган бўлса, ўша иштирокчилар ҳозир бўлиши мумкин.

Суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган процесс иштирокчилари текширишлар жараёнига аралашишга ҳақли эмас, лекин суд экспертидан у томонидан қўлланилган текшириш усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиши, суд экспертига тушунтиришлар бериши мумкин.

Суд эксперти томонидан хулоса тузилаётганда, шунингдек, агар суд экспертизаси суд экспертлари комиссияси томонидан ўтказилаётган бўлса, суд экспертларининг маслаҳатлашуви ва фикрларни шакллантириш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

Агар суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган процесс иштирокчиси суд экспертига ҳалақит берса, у текширишни тўхтатишга ва мазкур процесс иштирокчисининг суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлишига доир рухсатини бекор қилиш ҳақида суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) илтимос қилишга ҳақли.

23-модда. Суд экспертнинг хулосаси (хулоса)

Суд эксперти ёки суд экспертлари комиссияси текширишларни ўтказиб бўлгандан кейин тегишинча суд эксперти ёхуд суд экспертлари комиссияси таркибига кирувчи ҳар бир суд эксперти имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Хулосада:

суд экспертизаси ўтказилган сана ва жой;

суд экспертизасини ўтказиш асоси;

суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) тўғрисида маълумотлар;

суд эксперти (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва суд экспертизасини ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар;

суд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг

рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги;

суд экспертнинг олдига қўйилган саволлар;

суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари;

суд экспертизаси ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар;

қўлланилган усуллар кўрсатилган ҳолда текширишларнинг мазмуни ва натижалари, шунингдек бу текширишлар, агар суд экспертлари комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги;

текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар;

иш учун аҳамиятга молик бўлган ва суд экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қилади. Текширишнинг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа ташкилотда қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сақланади. Улар суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) талабига биноан ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларнинг ёки суд экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги текшириш давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Текшириш тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборилади.

24-модда. Хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат

Агар суд эксперти қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборади.

4-БОБ. СУД-ЭКСПЕРТЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ, ТАШКИЛИЙ, ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ВА АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ. СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ВА ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ

25-модда. Суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш

Давлат суд-экспертиза муассасалари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат суд-экспертиза муассасалари фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича суд экспертизаларини ўтказганлик учун тўлов ундиришга ҳақлидир. Бунда судда даъво тақдим этган ҳамда даъвони қувватлаётган давлат органлари давлат суд-экспертиза муассасалари томонидан ўтказилган суд экспертизалари учун тўловдан озод этилади. Тўлов миқдори ва мазкур маблағларни сарфлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Бошқа ташкилот ходимлари ва бошқа жисмоний шахслар томонидан суд экспертизалари ўтказилганлиги учун тўлов суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

26-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий ва илмий-услубий таъминлаш

Давлат суд-экспертиза муассасаларининг фаолиятини ташкилий таъминлаш, улар қайси давлат органлари тасарруфида бўлса, ўша давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Суд экспертизаларини ўтказишни илмий-услубий таъминлаш тегишли давлат суд-экспертиза муассасаларига юклатилади.

Суд экспертизасини ривожлантиришнинг идоралараро хусусиятга эга бўлган энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш ташкил этилади. Суд экспертизаси муаммолари бўйича кенгашнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

27-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаларининг суд-экспертлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар давлат суд-экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма сўровига кўра суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши шарт. Бунда давлат суд-экспертиза муассасалари давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи олинган маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

27-1-модда. Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш

Суд экспертлари ҳар икки йилда малака ошириш курсларида муайян суд-экспертлик фаолияти бўйича малакасини, шунингдек ҳуқуқий билимларини ошириб бориши шарт.

Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Малака ва ҳуқуқий билимларини оширишни ўтаётган суд экспертларига ўқишнинг бутун даври мобайнида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади

28-модда. Давлат суд-экспертиза муассасаларини қўриқлаш

Давлат суд-экспертиза муассасаларини қўриқлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

29-модда. Халқаро ҳамкорлик

Давлат суд-экспертиза муассасалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ суд-экспертлик фаолияти соҳасида чет давлатларнинг тегишли органлари ва муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади.

30-модда. Давлат суд экспертлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг ижтимоий муҳофазаси

Давлат суд экспертларининг иш ҳақи мансаб маоши, устамалар ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа қўшимча ҳақлардан иборат бўлади.

Давлат суд экспертларининг ҳаёти ва соғлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий суғурта қилинади.

31-модда. Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Суд экспертизаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

32-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

33-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси
Вазиrлар Маҳкамасининг
2011 йил 5 январдаги
5-сонли қарорига
ИЛОВА**

**Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса,
ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

I. УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

1. Мазкур Намунавий низом “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 32-моддасига мувофиқ давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот (кейинги ўринларда экспертиза муассасаси деб аталади) томонидан суд экспертизаларини (кейинги ўринларда экспертиза деб аталади) ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

2. Экспертиза муассасасида экспертизалар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори асосида, фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари (шу жумладан, терговдан олдинги текшириш материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга доир суд ажрими бўйича ўтказилади.

Давлат суд-экспертиза муассасасида ўтказиладиган экспертизалар турлари рўйхати ушбу муассаса қарашли бўлган тегишли давлат органи томонидан тасдиқланадиган Суд экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада белгиланади.

3. Экспертизалар давлат суд эксперти, бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс (кейинги ўринларда эксперт деб аталади) томонидан ўтказилади.

Экспертизани тайинлаган орган (шахс) билан келишмасдан бошқа шахсларни экспертизаларни ўтказиш учун жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Экспертизаларни ўтказишда экспертнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонун ҳужжатларида белгиланади.

4. Жиноий жавобгарликка олиб келмайдиган тарзда экспертиза ўтказиш тартибини бузганлиги ва эксперт вазифаларига виждонан муносабатда бўлмаганлиги учун эксперт қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

5. Экспертиза муассасаси раҳбарининг ваколатлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

6. Экспертизаларни ўтказиш муддатлари экспертизаларнинг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда 30 кун доирасида белгиланади.

Экспертизани ўтказишни 30 кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари муддат ўтишидан 3 кун олдин асосланган хулоса тузади ва бу тўғрида экспертизани тайинлаган орган (шахс)га ёзма равишда хабар қилади ҳамда улар билан келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

7. Экспертизани ўтказиш муддатлари материаллар экспертиза муассасасига тушган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади ва улар экспертиза муассасаси

раҳбари томонидан экспертизани тайинлаган орган (шахс)га юборилган кунда тугайди.

Экспертизани ўтказиш муддатлари қуйидаги даврларга тўхтатиб турилади:

экспертнинг экспертизага тақдим этилган материаллардаги нуқсонларни барараф этиш тўғрисидаги илтимосномасини қондириш ёки илтимосномани қондиришнинг рад этилиши тўғрисида жавоб олиш;

экспертизани ўтказишни 30 кунгача бўлган муддатда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда уни ўтказиш муддатларини келишиб олиш;

экспертнинг бошқа экспертизани бажариши муносабати билан хизмат сафарида бўлиши, уни бажаришни бошқа экспертга топшириш мумкин бўлмаган тақдирда;

экспертнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, экспертизани бажаришни бошқа экспертга топшириш мумкин бўлмаган тақдирда.

Қонун ҳужжатларида ва ушбу Намунавий низомда назарда тутилмаган асослар бўйича экспертиза ўтказиш муддатларини тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

8. Давлат суд-экспертиза муассасасида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари) бўйича экспертизалар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш иш бўйича томонларга юкланади ва экспертизани ўтказиш бошлангунгача тўланади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган харажатларга ҳақ тўлаш миқдори давлат суд-экспертиза муассасаси ўзи тасарруфида бўлган тегишли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган тарифлар бўйича белгиланади.

Экспертизани ўтказиш бўйича харажатлар тўланмаганлиги материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтариш учун асос ҳисобланади.

9. Экспертиза муассасасида экспертизаларни ўтказиш хизмат кўрсатиладиган минтақаларга мувофиқ ташкил этилади, минтақалар улар тасарруфида бўлган давлат тегишли органи томонидан белгиланади. Экспертизани тайинлаган орган (шахс)лар ва хизмат кўрсатиладиган минтақа ташқарисида жойлашган экспертиза муассасаси учун экспертиза, истисно тариқасида, кўрсатиб ўтилган муассаса томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

II. ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ УЧУН ЮБОРИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

10. Экспертиза фақат уни тайинлаган орган (шахс) томонидан, процессуал қонунга, ушбу Намунавий низомга, шунингдек суд экспертизаларининг алоҳида турларини ўтказиш тўғрисидаги йўриқномаларга мувофиқ расмийлаштирилган материаллар тақдим этилган тақдирдагина ўтказилади.

11. Экспертизага экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим), текшириш объектлари ва иш материаллари, шунингдек текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган экспертиза предметига тааллуқли маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Экспертизаларни тайинлаш тўғрисидаги қарорлар (ажримлар)нинг факсимил ва ёруф сезгир қоғозга кўчирилган нусхаларини тақдим этишга йўл қўйилмайди.

12. Экспертга тақдим этилган текшириш объектлари, таққословчи материаллар, маълумотларнинг ишончилиги учун экспертизани тайинлаган орган (шахс) жавоб беради.

13. Экспертизани тайинлаш тўғрисидаги битта қарор (ажрим)га кўп миқдордаги объектлар тушган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари бир қатор алоҳида-алоҳида экспертизалар ўтказилишини ташкил этиши мумкин.

14. Экспертизани ўтказиш икки ва ундан кўп экспертиза муассасаларига топширилган тақдирда экспертизаларни тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да мазкур экспертизанинг қандай мутахассисликларга эга бўлган экспертлар томонидан ўтказилиши кераклиги, экспертлар комиссияси фаолиятини ташкил этишнинг қайси экспертиза муассасасига юкланаётганлиги ҳамда текшириладиган объектлар ва бошқа материаллар қайси экспертиза муассасасига юборилганлиги кўрсатилади.

Экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ҳар бир экспертиза муассасасига юборилади.

15. Қўшимча ёки такрорий экспертиза тайинланган тақдирда экспертиза муассасасига хулоса ёки олдинги ўтказилган экспертиза хулосасини бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги далолатнома барча иловалар (фото жадваллар, экспериментал материаллар ва шу кабилар) билан бирга тақдим этилади.

Қўшимча ёки такрорий экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да уни тайинлашнинг сабаблари ва асослари албатта кўрсатилади.

16. Экспертизага юборилаётган, уни ўтказиш имконини бермайдиган материалларни расмийлаштириш қоидаларига риоя этилмаган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари бу тўғрисида экспертизани тайинлаган орган (шахс)га дарҳол хабар қилади.

Экспертизани тайинлаган орган (шахс) камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса экспертиза муассасаси раҳбари 30 кун ўтгач унга материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтаради.

Расмийлаштиришнинг процессуал тартиби бузилган ҳолда такрорий, шунингдек комиссия ёки комплекс экспертиза ўтказишга тушган материаллар экспертизани тайинлаган орган (шахс)га уч кун муддатда қайтарилади.

17. Агар тайинланган экспертизани экспертиза муассасасида ўтказиш назарда тутилмаган бўлса ёки экспертиза муассасаси тегишли мутахассисларга ёки асбоб-ускуналарга эга бўлмаса, экспертиза муассасаси раҳбари экспертизага тақдим этилган материалларни уч кун муддатда, экспертизаларни тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)нинг бажарилмаганлиги сабабларини кўрсатган ҳолда экспертизани тайинлаган орган (шахс)га қайтаради.

18. Экспертизага наркотик воситалар, психотроп моддалар, қимматбаҳо металллар ва тошлар, шунингдек улардан тайёрланган буюмлар, ўқотар қуруллар ва уларга ўқ-дорилар, пул белгилари ва юқори қимматга ёки аҳамиятга эга бўлган бошқа объектлар тақдим этилган тақдирда эксперт ушбу материалларни экспертизага етказиб берган шахс ҳамда экспертиза муассасаси раҳбарларидан бирининг иштирокида идишни очиши, тарозида тортиб кўриши, тақдим этилган объектларни қайта санаб чиқиши, шунингдек тақдим этилган тартиб рақамли

ва бошқа объектларнинг экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) матнига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт. Уларнинг натижалари бўйича далолатнома тузилади, у экспертиза объектларини текширишда иштирок этган шахслар томонидан имзоланади.

III. ЭКСПЕРТИЗАНИ ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

19. Эксперт экспертизани ўтказишга экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма топшириқномаси экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ва экспертизага тушган барча материаллар билан бирга олинган вақтдан бошлаб киришади.

Экспертизага тақдим этилган материалларни расмийлаштириш тартибининг бузилганлиги аниқланган тақдирда эксперт бу тўғрида экспертиза муассасаси раҳбарини хабардор қилади, раҳбар ушбу Намунавий низомнинг 16-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни кўради.

20. Тақдим этилган материаллар тўлиқ бўлмаган тақдирда бу ҳақда эксперт экспертиза муассасаси раҳбари орқали экспертизани тайинлаган орган (шахс) га қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисида ёзма равишда маълум қилиш ҳуқуқига эга.

Қўшимча материаллар фақат экспертизани тайинлаган орган (шахс) томонидан тақдим этилади.

Қўшимча материаллар 30 кун мобайнида тушмаган тақдирда эксперт текширишни мавжуд материаллар бўйича ўтказилади.

21. Эксперт қуйидаги ҳолларда қўйилган масалалар юзасидан хулоса бериш мумкин эмаслиги тўғрисида асосланган далолатнома тузади:

а) агар қўйилган масала экспертнинг махсус билимлари (ваколатлари) доирасидан четга чиқса ёки уни ҳал этиш учун махсус билимлар талаб қилинмаса ёхуд масала ҳуқуқий тусга эга бўлса;

б) тақдим этилган текшириш объектлари ёхуд материаллар уларнинг тўлиқ ёки сифатли эмаслиги туфайли хулоса бериш учун яроқсиз бўлса ва тўлдирилиши мумкин бўлмаса;

в) агар илм-фан ва экспертиза амалиётининг ҳолати қўйилган масалаларга жавоб бериш имконини бермаса;

г) текширишларни ўтказиш ва хулосалар бериш учун зарур шарт-шароитлар, услубий воситалар ва асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаса.

Хулоса беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома ушбу Намунавий низомнинг 38-бандига мувофиқ тузилади.

22. Эксперт ўзига тақдим этилган объектлар ва материалларни текширишни тегишли соҳадаги билимларга амал қилган ҳолда, процессуал қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда ҳолисона ва муфассал амалга оширади.

Объектлар (тирик одамдан ташқари) фақат текширишни ўтказиш ва хулоса бериш учун зарур бўлган даражада шикастланган ва сарфланган бўлиши мумкин. Экспертизани ўтказиш текшириш учун тақдим этилган объектнинг шикастланишини

(бузилишини) ёки сарфланишини талаб қиладиган ҳолларда бунинг учун экспертизани тайинлаган орган (шахс)нинг ёзма равишдаги розилиги олинган бўлиши керак, тайинланган экспертизанинг хусусиятлари объектнинг шикастланиши (бузилиши)ни ёки сарфланишини назарда тутадиган ҳолатлар бундан мустасно.

23. Кўриқдан ўтказиш талаб қилинадиган текшириш объектларини (экспертиза муассасасига тақдим этилган объектлардан ташқари) экспертизалардан ўтказишда экспертизани тайинлаган орган (шахс) эксперт учун объектга тўсиқсиз киришни ва уни текшириш имконини таъминлайди. Кўриқдан ўтказиш экспертизани тайинлаган орган (шахс) томонидан ташкил этилади, унинг мажбурий иштирокида амалга оширилади ва тегишли протокол билан расмийлаштирилади.

24. Ишда иштирок этадиган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда экспертиза ўтказишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сабабидан қатъий назар, уларнинг йўқлиги экспертиза ўтказишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.

25. Эксперт ўзининг махсус билимларига мувофиқ, ўтказилган текширишлар асосида ўз номидан хулоса беради ва унинг учун жавоб беради.

26. Бир хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ экспертлар (экспертиза комиссияси)га экспертизадан ўтказиш топширилганда комиссияга киритилган экспертларнинг ҳар бири текширишни тўлиқ ҳажмда амалга оширади. Экспертлар комиссияси текширишда қатнашган экспертдан ҳар бири унга рози бўлган тақдирда умумий хулоса беради. Шунингдек, комиссияда иштирок этган экспертлар фикрининг бир қисмини акс эттирувчи ягона хулоса берилиши ҳам мумкин. Келишмовчилик бўлган тақдирда ҳар бир эксперт келишмовчиликка сабаб бўлган барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса тузади.

27. Экспертизани ўтказиш учун ҳар хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ экспертлар (комплекс экспертиза) тайинланганда ҳар бир эксперт текширишни амалга оширади ва ўз ваколати доирасида хулоса беради. Комплекс экспертиза хулосасида ҳар бир эксперт қандай текширишлар ва қандай ҳажмда ўтказганлиги, шахсан у қандай фактларни аниқлаганлиги ҳамда қандай хулосаларга келганлиги кўрсатилади. Эксперт комплекс экспертиза хулосасининг ўз ваколатига тегишли бўлган қисмини имзолайди.

Олинган натижаларни ва аниқ хулоса (хулосалар)ни шакллантиришни баҳолашда ваколатли бўлган экспертлар умумий хулоса (хулосалар) чиқаради. Агар комиссиянинг якуний хулосаси ёки унинг бир қисми учун асос экспертлардан бири (алоҳида экспертлар) томонидан аниқланган фактлар асос ҳисобланса, у ҳолда бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак. Келишмовчилик ҳолатида экспертларнинг ҳар бири келишмовчиликка сабаб бўлган масалалар бўйича алоҳида хулоса тузади.

28. Агар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да турли хил экспертизалар предметиға тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хулоса ёки хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида далолатнома тузилади.

29. Эксперт хулосаси уч қисмдан: кириш, текшириш ва хулосалар (яқунловчи) қисмлардан иборат бўлади.

Эксперт хулосасининг кириш қисмида экспертнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунтириш ва уни билиб туриб нотўғри хулоса берганлиги, иш материалларини ошкор қилганлиги, шунингдек узрли сабабларсиз хулоса беришни рад этганлиги ёки бундан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида тушунтирилганлиги ҳақидаги эксперт тилхати олинганлиги кўрсатилади.

30. Хулосанинг кириш қисмида экспертиза ўтказиш асослари, экспертиза ўтказишни тайинлаган орган (шахс), текширишни ўтказган эксперт (экспертлар), экспертиза ҳал этиши учун қўйилган масалалар, текшириш ўтказиш учун тақдим қилинган материаллар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек экспертизани ўтказиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

31. Эксперт хулосасининг текшириш қисмида эксперт олдига қўйилган ҳар бир масала бўйича текшириш жараёни ва унинг натижалари ёзилади, аниқланган фактлар бўйича илмий тушунтириш берилади.

32. Эксперт хулосалари унинг олдига қўйилган масалаларга жавоб шаклида баён қилинади ва турли талқинларга йўл қўймайдиган аниқ, тушунарли тилда баён қилиниши лозим.

Агар хулосани текшириш қисмида баён қилинган текшириш натижаларининг мукамал тавсифисиз ва қўйилган масалага тўлиқ жавобсиз шаклантириш мумкин бўлмаса, хулосанинг текшириш қисмига ҳавола қилишга рухсат берилади.

33. Эксперт хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин.

34. Эксперт хулосаси икки нусхада тузилади, текширишни ўтказган эксперт (экспертлар) томонидан имзоланади, унинг (уларнинг) имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин хулосанинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан экспертизани тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза муассасасида 5 йил мобайнида сақланади.

35. Агар эксперт хулосасида эксперт текширишлар ва унинг натижаларини тасвирловчи фотожадваллар, диаграммалар, чизмалар ва шу каби иловалар берилса, улар ҳам эксперт (экспертлар) томонидан имзоланади. Эксперт текширишларининг бориши, шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштириш материаллари эксперт хулосаси нусхаси билан бирга экспертиза муассасасида сақланади. Экспертзани тайинлаган орган (шахс)нинг талабига кўра улар йиғмажилдга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

36. Экспертиза муассасаси раҳбари хулосани кўриб чиқишда нотўғри хулосага олиб келиши мумкин бўлган тўлиқ бўлмаган текширишларни, текшириш ўтказиш услуги бузилишини ёки унинг нотўғри расмийлаштирилганлигини аниқлаган тақдирда хулоса зарур ўзгартиришлар ва аниқликлар киритиш учун экспертга қайтарилади.

Агар эксперт ўз хулосасини тўғри деб қатъий туриб олса, экспертиза муассасаси раҳбари текшириш ўтказишни белгиланган тартибда хулоса берадиган биринчи эксперт иштирокидаги экспертлар комиссиясига топшириш ҳуқуқига эга.

37. Экспертизани судда ўтказишда унинг натижалари мазкур Намунавий низомнинг 29-33-моддаларида назарда тутилган қоидалар бўйича расмийлаштирилади.

Эксперт хулосаси эксперт томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

38. Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома уч қисмдан: кириш, асословчи ва яқунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Кириш қисмида ушбу Намунавий низомнинг 30-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофиқ маълумотлар баён қилинади.

Асословчи қисмида хулоса бериш имкони йўқлиги сабаблари батафсил баён қилинади.

Яқунловчи қисмида эксперт олдига қўйилган ҳар бир масала бўйича хулоса бериш имкони йўқлиги кўрсатилади.

Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома икки нусхада тузилади, эксперт томонидан имзоланади, унинг имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин унинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан экспертизани тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчиси эса экспертиза муассасасида 5 йил мобайнида сақланади.

Агар хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома судда кўриб чиқиш босқичида тузилган бўлса, у эксперт томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

39. Агар бир масала бўйича эксперт хулоса берса, бошқаси бўйича эса хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома тузиш учун асос мавжуд бўлса, у ҳолда ягона ҳужжат - эксперт хулосаси тузилади.

40. Экспертнинг тегишли белгиларига мувофиқ эксперт текшируви объектлари бўлган предмет ва ҳужжатлар экспертнинг тегишли белгилари қўйилиб хулоса ёки хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома билан бирга экспертизани тайинлаган орган (шахс)га рўйхат бўйича қайтарилиши лозим.

41. Эксперт хулосаси, экспертиза текшируви объектлари бўлган предметлар ва ҳужжатлар ҳамда бошқа материаллар экспертизани тайинлаган шахсга ёки экспертизани тайинлаган органнинг ваколатли ходимига ёхуд экспертизани тайинлаган орган томонидан берилган ишончнома бўйича бошқа шахсга шахсан берилади ёки экспертизани тайинлаган орган (шахс)га почта орқали юборилади.

Эксперт хулосасининг, экспертиза текшируви объектлари бўлган предметлар ва ҳужжатлар ҳамда экспертизага берилган бошқа материалларнинг факсимил ёки ёруғ сезгир қоғозга кўчирилган ишончнома нусхаси орқали берилишига йўл қўйилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирининг
2011 йил 2 мартдаги
53-мҲ-сонли буйруғига
ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза
муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида (бундан буён матнда экспертиза муассасаси деб юритилади) суд экспертизасини ўтказиш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Экспертиза муассасасида суд экспертизаси фуқаролик, ҳўжалик ва жиноят ишлари (шу жумладан, терговдан олдинги текшириш материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори, суд ажрими асосида ўтказилади.

2. Экспертиза муассасасида суд экспертизасининг қуйидаги турлари ўтказилади: суд хатшунослик экспертизаси, ҳужжатларнинг техникавий-криминалистик экспертизаси, суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси, суд-филологик экспертизаси, ишшунослик экспертизаси, йўқ қилинган маркировка белгиларини тиклаш экспертизаси, суд баллистик экспертизаси, портловчи моддалар экспертизаси, материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси, шу жумладан, толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, лок-бўёқ материаллари ва қопламалар экспертизаси, нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизаси, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар экспертизаси, дори-дармонлар экспертизаси, таркибида спирт бўлган суюқликлар экспертизаси, металллар, қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, шишалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, пластмасса, резина ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси, елимли материаллар экспертизаси, махсус кукунлар ва махсус маркерлар экспертизаси, бошқа объектлар, улар ичида табиати ноаниқ бўлган моддаларнинг криминалистик экспертизаси, суд тупроқшунослик экспертизаси, озиқ-овқат маҳсулотларининг экспертизаси, суд-биологик экспертизаси, одам ДНКсининг суд-биологик экспертизаси, суд-экологик экспертизаси, суд-автотехника экспертизаси, транспорт-ишшунослик экспертизаси, транспорт воситаларини ва уларнинг қисмларини

баҳолаш экспертизаси, ёнғин-техникавий экспертиза, суд-иқтисодий экспертиза, суд-товаршунослик экспертизаси, суд қурилиш-техникавий экспертизаси, суд-ер экспертизаси, суд видеофонография экспертизаси.

Экспертиза муассасасида унинг ихтисослиги бўйича бошқа турдаги суд экспертизалари ҳам ўтказилиши мумкин.

3. Олий маълумотга, алоҳида ҳолларда эса ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотиغا эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги 300-сон қарори билан тасдиқланган Давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси экспертиза муассасасида суд экспертизасини ўтказди.

Экспертиза муассасасида суд экспертизаси бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс томонидан ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай ходимлар ёки жисмоний шахсларни танлаш, улар таркибини тасдиқлаш ҳамда уларнинг фаолият тартибини белгилаш экспертиза муассасаси томонидан амалга оширилади.

4. Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) билан келишмасдан бошқа шахсларни суд экспертизасини ўтказиш учун жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Суд экспертизасини ўтказишда экспертнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонун ҳужжатлари ва ушбу Йўриқнома билан белгиланади.

5. Суд эксперти кўйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд экспертизаси предметида оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;

суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;

тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ва шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга суд экспертизаси предметида оид саволлар бериш;

суд муҳокамасида суд экспертизаси предметида оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш;

ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш;

ўз хулосасида нафақат ўзининг олдида қўйилган саволлар бўйича, балки суд экспертизаси предметида оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш;

унинг хулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;

агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;

агар унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишни юритаётган органнинг қарорлари, шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Суд эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Суд эксперти:

суд эксперти сифатида ўзини ўзи рад этиши учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёки экспертиза муассасасининг ёхуд бошқа ташкилотнинг раҳбарига дарҳол маълум қилиши;

ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ҳулоса бериши;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши;

ўзи ўтказган суд экспертизаси хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган ҳулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши;

суд экспертизасини ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги;

тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши;

иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

Суд эксперти зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

7. Суд эксперти:

суд экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга;

суд экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишда материаллар тўплашга;

ўзига топширилган суд экспертизасини ўтказишга бошқа шахсларни жалб қилишга;

суд экспертизаси натижаларини суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга;

агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, экспертиза муассасаси раҳбаридан ташқари бевосита бошқа бирон-бир органдан (шахсдан) суд экспертизасини ўтказиш тўғрисида топшириқлар қабул қилишга;

бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс сифатида суд экспертизасини ўтказишга ҳақли эмас.

Суд эксперти ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир ва унинг фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди.

8. Жиноий жавобгарликка олиб келмайдиган тарзда суд экспертизаси ўтказиш тартибини ёки шифрлаш қоидаларини бузганлиги ва суд эксперти вазифаларига

виждонан муносабатда бўлмаганлиги учун экспертиза муассасасининг суд эксперти қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши, бошқа ташкилот ҳодими ёки бошқа жисмоний шахс бўлган суд эксперти эса - суд экспертизаси ўтказишга жалб қилинадиган шахслар рўйхатидан чиқарилиши мумкин.

9. Экспертиза муассасаси раҳбарига суд экспертлик фаолиятини белгилловчи қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда суд экспертизасининг юқори илмий-техник даражада бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилади.

Экспертиза муассасаси раҳбари:

агар экспертиза муассасасида текширишларни ўтказиш учун тегишли мутахассислар ёки зарур моддий-техник база ёхуд махсус шароитлар бўлмаса, суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижро этмасдан ҳамда суд экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларини уч кунлик муддатда қайтариш;

суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) суд экспертлари комиссияси таркибига мазкур ташкилотда ишламайдиган шахсларни, шу жумладан, хорижий давлатларнинг мутахассисларини, агар суд экспертизасини ўтказиш учун уларнинг махсус билимлари зарур бўлса, киритиш тўғрисида илтимос қилиш;

кўйилган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган текширишларни ўтказишни ўз кучлари ва воситалари билан таъминлаётган ташкилотларга суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг кўчирма нусхасини юбориш;

айрим ваколатларини ўзининг ўринбосари, лаборатория, бўлим ва бўлинмалар раҳбарларига юклатиш;

унга берилган экспертлик мутахассислигига мувофиқ суд эксперти сифатида ҳаракат қилиш;

суд эксперти тузилган хулосадаги камчиликларни бартараф қилишдан бош тортса, суд экспертлари комиссияси иштирокида тадқиқот ўтказишни ташкил қилиш;

текшириш объектлари суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан олинмаган тақдирда, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида ушбу экспертиза муассасасида сақлаш, катта хавф туғдирадиган объектларнинг мазкур экспертиза муассасасига келиб тушиши натижасидаги зарарли оқибатларни (портлаш, ёнғин ва шу кабиларни), агар суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) ушбу объектлар билан муомалада бўлишнинг унга маълум бўлган махсус қоидалари тўғрисида раҳбарга хабар бермаган бўлса ёки улар лозим даражада ўралмаган бўлса, бартараф этиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплашни суд экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Экспертиза муассасаси раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Экспертиза муассасаси раҳбари:

экспертиза муассасасига суд экспертизасини ўтказиш учун юборилган материалларни қабул қилиши ва уларнинг мазкур йўриқномага мувофиқлигини текшириши;

ўринбосари, тегишли лаборатория, бўлим ва бўлинмалар раҳбарига суд экспертизасини ўтказишни ташкил қилиш ҳақида ёзма топшириқ бериши;

мазкур Йўриқноманинг 12-бандида белгиланган суд экспертизасини ўтказиш муддатларини белгилаши ва унга риоя этилишини назорат қилиши;

суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим олинганидан сўнг суд экспертизасини ўтказишни қўйилган саволларга жавоб бериш учун талаб қилинадиган қўламда махсус билимларга эга бўлган суд экспертларига ёки суд экспертлари комиссиясига топшириши;

суд экспертини ишга қабул қилишда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши;

текшириш объектлари суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан олинмаган тақдирда, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида ишбу экспертиза муассасасида сақлашни таъминлаши;

суд экспертини била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг рухсатисиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши, ундан тегишли тилхат олиши ва мазкур тилхатни хулоса билан бирга суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юбориши;

ўтказилаётган текширишларнинг тўлиқлиги, сифати ва шифрлаш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни суд экспертнинг мустақиллиги принципини бузмаган ҳолда таъминлаши;

текшириш тугаганидан сўнг хулосани, текшириш объектлари ва иш материалларини суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юбориши шарт.

Экспертиза муассасаси раҳбари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

11. Экспертиза муассасаси раҳбари:

суд экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча текшириш объектларини суд экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) қарори ёки ажримсиз талаб қилиб олишга;

суд экспертизасини ўтказиш учун экспертиза муассасасида ишламайдиган шахсларни мустақил равишда жалб этишга;

суд экспертига муайян суд экспертизаси юзасидан текшириш жараёнини ва фикрлар мазмунини олдиндан белгилаб қўядиган кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

12. Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари суд экспертизасининг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўттиз кун доирасида белгиланади.

Экспертиза муассасаси раҳбари, унинг ўринбосари, лаборатория, бўлим ва бўлинма бошлиғи томонидан суд экспертизасининг ҳажми ва мураккаблигига, шунингдек суд экспертнинг иш ҳажмига қараб:

кам объектли ва мураккаб бўлмаган текширув ўтказишга доир материаллар бўйича ўн кунгача;

кўп объектли ёки мураккаб текширувлар ўтказишга доир материаллар бўйича йигирма кунгача;

кўп объектли ва мураккаб текширувлар ўтказишга доир материаллар бўйича ўттиз кунгача бўлган муддатларни белгилаши мумкин.

Суд экспертизасини ўтказишни ўттиз кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари муддат ўтишидан уч кун олдин асосланган хулоса тузади ва бу тўғрида суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёзма равишда хабар қилади ҳамда улар билан келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

Агар суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) билан келишган ҳолда суд экспертизасини ўтказиш учун қўшимча муддатни белгилашнинг имкони бўлмаса, суд экспертизаси ўтказилмаслиги сабаблари кўрсатилиб, материаллар суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) қайтариллади.

13. Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари материаллар экспертиза муассасасига тушган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади ва улар экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юборилган кунда тугайди.

Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари қуйидаги даврларга тўхтатиб турилади:

суд экспертнинг суд экспертизасига тақдим этилган материаллардаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги илтимосномасини қондириш ёки илтимосномани қондиришнинг рад этилиши тўғрисида жавоб олиш;

суд экспертизасини ўтказишни ўттиз кунгача бўлган муддатда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда уни ўтказиш муддатларини келишиб олиш;

суд экспертнинг бошқа суд экспертизасини бажариши муносабати билан хизмат сафарига бўлиши, уни бажаришни бошқа суд экспертига топшириш мумкин бўлмаган тақдирда;

суд экспертнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, суд экспертизасини бажаришни бошқа суд экспертига топшириш мумкин бўлмаган тақдирда.

Қонун ҳужжатларида ва ушбу Йўриқномада назарда тутилмаган асослар бўйича экспертиза ўтказиш муддатларини тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

Суд экспертизасини ўтказиш муддатлари тўхтатиб қўйилганлиги тўғрисида суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) дарҳол хабар берилади.

14. Экспертиза муассасасида фуқаролик ва ҳўжалик ишлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари) бўйича суд экспертизаси ўтказиш билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш иш бўйича томонларга юкланади ва суд экспертизасини ўтказиш бошлангунгача тўланади.

Ушбу банднинг биринчи хатбошида назарда тутилган харажатларга ҳақ тўлаш миқдори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланадиган тарифлар бўйича белгиланади.

Суд экспертизасини ўтказиш бўйича харажатлар тўланмаганлиги материалларни суд экспертизаси ўтказмасдан қайтариш учун асос ҳисобланади.

15. Суд экспертизаси экспертиза муассасасида ва унинг ташқарисида (суд мажлиси залида, воқеа жойида ва ҳоказо) ўтказилади.

Экспертиза муассасида суд экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тегишли бўйруғи билан аниқланадиган хизмат кўрсатиш минтақаларига мувофиқ ўтказилади.

Суд экспертизасини тайинлаган ва экспертиза муассасасининг хизмат кўрсатиш минтақасидан ташқарида жойлашган органлар (шахслар) учун суд экспертизаси, истисно тариқасида, ушбу муассаса томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

II. ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ УЧУН ЮБОРИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

16. Суд экспертизаси фақат уни тайинлаган орган (шахс) томонидан, процессуал қонунга, ушбу Йўриқномага мувофиқ расмийлаштирилган материаллар тақдим этилган тақдирдагина ўтказилади.

17. Суд экспертизасига суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим), текшириш объектлари ва иш материаллари, шунингдек текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган суд экспертизаси предмети тааллуқли маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарорлар (ажримлар)нинг факсимил ва ёруғ сезгир қоғозга кўчирилган нусхаларини тақдим этишга йўл қўйилмайди.

17-1. Суд экспертларининг мустақиллигини ва суд-эксперт текширишларининг холислигини таъминлаш, шу жумладан коррупциявий омиллар келиб чиқишини ҳамда суд экспертларининг манфаатдор шахслар билан ўзаро алоқалар ўрнатишини олдини олиш мақсадида айрим турдаги (имконияти мавжуд бўлган) суд экспертизалари бўйича текшириш объектлари, иш материаллари ва бошқа тааллуқли маълумотлар суд экспертига тақдим қилинишидан олдин экспертиза муассасаси томонидан тасдиқланган шифрлаш қоидаларига асосан шифрланади.

18. Текшириш объектлари, агар уларнинг ўлчамлари ва хоссалари имкон берса, ўралган ва муҳрланган ҳолда суд экспертига топширилиши керак, текшириш объектлари суд экспертизасини тайинлаган шахс ёки органнинг ваколатли ходими томонидан шахсан топширилган ҳоллар бундан мустасно.

Шифрлаш билан боғлиқ бўлган суд экспертиза турлари бўйича текшириш объектлари ва ҳужжатлари шифрлаш қоидаларига асосан топширилади.

19. Суд экспертига тақдим этилган текшириш объектлари, таққословчи материаллар, маълумотларнинг ишончилиги учун суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) жавоб беради.

20. Суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги битта қарор (ажрим)га кўп миқдордаги объектлар тушган тақдирда экспертиза муассасаси раҳбари бир қатор алоҳида-алоҳида экспертизалар ўтказилишини ташкил этиши мумкин.

21. Суд экспертизасини ўтказиш экспертиза муассасаси билан биргаликда бошқа экспертиза муассасасига (муассасаларига) топширилган тақдирда суд экспертизаларини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да мазкур суд экспертизасининг қандай мутахассисликларга эга бўлган суд экспертлари

томонидан ўтказилиши кераклиги, суд экспертлари комиссияси фаолиятини ташкил этишнинг қайси экспертиза муассасасига юкланаётганлиги ҳамда текшириладиган объектлар ва бошқа материаллар қайси экспертиза муассасасига юборилганлиги кўрсатилади.

Суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ҳар бир экспертиза муассасасига юборилади.

22. Қўшимча ёки такрорий суд экспертизаси тайинланган тақдирда экспертиза муассасасига хулоса ёки олдинги ўтказилган суд экспертизаси хулосасини бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги далолатнома барча иловалар (фото жадваллар, экспериментал материаллар ва шу кабилар) билан бирга тақдим этилади.

Қўшимча ёки такрорий суд экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) да уни тайинлашнинг сабаблари ва асослари албатта кўрсатилади.

23. Суд экспертизасига юборилаётган, уни ўтказиш имконини бермайдиган материалларни расмийлаштириш қоидаларига риоя этилмаган тақдирда, экспертиза муассасаси раҳбари бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га дарҳол хабар қилади.

Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса, экспертиза муассасаси раҳбари ўттиз кун ўтгач унга материалларни экспертиза ўтказмасдан қайтаради.

Расмийлаштиришнинг процессуал тартиби бузилган ҳолда қайта, шунингдек, комиссия ёки комплекс экспертиза ўтказишга тушган материаллар суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) уч кун муддатда қайтарилади.

24. Агар тайинланган суд экспертизасини экспертиза муассасасида ўтказиш назарда тутилмаган бўлса ёки экспертиза муассасаси тегишли мутахассисларга ёки асбоб-ускуналарга эга бўлмаса, экспертиза муассасаси раҳбари экспертизага тақдим этилган материалларни уч кун муддатда, экспертизаларни тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)нинг бажарилмаганлиги сабабларини кўрсатган ҳолда суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га қайтаради.

25. Суд экспертизасига наркотик воситалар, психотроп моддалар, қимматбаҳо металллар ва тошлар, шунингдек улардан тайёрланган буюмлар, ўқотар қуроллар ва уларга ўқ-дорилар, пул белгилари ва юқори қимматга ёки аҳамиятга эга бўлган бошқа объектлар тақдим этилган тақдирда суд эксперти ушбу материалларни суд экспертизасига етказиб берган шахс ҳамда экспертиза муассасаси раҳбарларидан бирининг иштирокида идишни очиши, тарозидда тортиб кўриши, тақдим этилган объектларни қайта санаб чиқиши, шунингдек тақдим этилган тартиб рақамли ва бошқа объектларнинг суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) матнига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиши шарт. Уларнинг натижалари бўйича далолатнома тузилади, у экспертиза объектларини текширишда иштирок этган шахслар томонидан имзоланади.

III. СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

26. Суд эксперти суд экспертизасини ўтказишга экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма топшириқномаси суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ва суд экспертизасига тушган барча материаллар билан бирга олинган вақтдан бошлаб киришади.

Суд эксперти шифрлаш билан боғлиқ бўлган суд экспертизасини ўтказишга шифрлаш қоидаларига асосан шифрлаш ўтказилгандан сўнг экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма топшириқномаси ва шифрланган экспертиза материалларини олган вақтдан бошлаб киришади.

Суд экспертизасига тақдим этилган материалларни расмийлаштириш тартибининг бузилганлиги аниқланган тақдирда суд эксперти бу тўғрида экспертиза муассасаси раҳбарини хабардор қилади, раҳбар ушбу Йўриқноманинг 23-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни кўради.

27. Тақдим этилган материаллар тўлиқ бўлмаган тақдирда бу ҳақда суд эксперти экспертиза муассасаси раҳбари орқали суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) га қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисида ёзма равишда маълум қилиш ҳуқуқига эга.

Қўшимча материаллар фақат суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан тақдим этилади.

Қўшимча материаллар ўттиз кун мобайнида тушмаган тақдирда суд эксперти текширишни мавжуд материаллар бўйича ўтказади.

28. Суд эксперти қуйидаги ҳолларда қўйилган масалалар юзасидан хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги асосланган далолатнома тузади:

агар қўйилган масала суд экспертнинг махсус билимлари (ваколатлари) доирасидан четга чиқса ёки уни ҳал этиш учун махсус билимлар талаб қилинмаса ёхуд масала ҳуқуқий тусга эга бўлса;

тақдим этилган текшириш объектлари ёхуд материаллар уларнинг тўлиқ ёки сифатли эмаслиги туфайли хулоса бериш учун яроқсиз бўлса ва тўлдирилиши мумкин бўлмаса;

агар илм-фан ва экспертиза амалиётининг ҳолати қўйилган масалаларга жавоб бериш имконини бермаса;

текширишларни ўтказиш ва хулосалар бериш учун зарур шарт-шароитлар, услубий воситалар ва асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаса, шу жумладан, суд эксперти ҳаёти ва саломатлигига касбий таваккаллик чегарасидан зиёд хавф туғилса.

Хулоса беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома ушбу Йўриқноманинг 48-бандига мувофиқ тузилади.

29. Суд эксперти ўзига тақдим этилган объектлар ва материалларни текширишни тегишли соҳадаги билимларга амал қилган ҳолда, процессуал қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда, ҳолисона ва муфассал амалга оширади.

Объектлар (тирик одамдан ташқари) фақат текширишни ўтказиш ва хулоса бериш учун зарур бўлган даражада шикастланган ва сарфланган бўлиши мумкин. Суд экспертизасини ўтказиш текшириш учун тақдим этилган объектнинг

шикастланишини (бузилишини) ёки сарфланишини талаб қиладиган ҳолларда суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)нинг ёзма равишдаги розилиги олинган бўлиши керак, тайинланган суд экспертизасининг хусусиятлари объектнинг шикастланиши (бузилиши)ни ёки сарфланишини назарда тутадиган ҳолатлар бундан мустасно.

30. Кўриқдан ўтказиш талаб қилинадиган текшириш объектларини (экспертиза муассасасига тақдим этилган объектлардан ташқари) экспертизалардан ўтказишда суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) суд эксперти учун объектга тўсиқсиз кириш ва уни текшириш имконини таъминлайди. Кўриқдан ўтказиш суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан ташкил этилади, унинг мажбурий иштирокида амалга оширилади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади.

31. Ишда иштирок этадиган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда суд экспертизасини тайинлаган шахс билан бирга экспертиза ўтказишда ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга. Сабабидан қатъий назар, уларнинг йўқлиги суд экспертизасини ўтказишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.

Экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган процесс иштирокчилари текширишлар жараёнига аралашига ҳақли эмас, лекин суд экспертидан у томонидан қўлланилган текшириш усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиши, суд экспертига тушунтиришлар бериши мумкин.

Суд эксперти томонидан хулоса тузилаётганда, шунингдек агар суд экспертизаси суд экспертлари комиссияси томонидан ўтказилаётган бўлса, суд экспертларининг маслаҳатлашуви ва фикрларни шакллантириш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди.

32. Суд эксперти ўзининг махсус билимларига мувофиқ, ўтказилган текширишлар асосида ўз номидан хулоса беради ва унинг учун жавоб беради.

33. Суд экспертизасини ўтказиш икки ва ундан ортиқ суд экспертларига топширилганда, экспертиза муассасаси раҳбари улардан бирига бошқа суд эксперти (экспертлар) фаолиятини мувофиқлаштириш, текширувларнинг умумий режасини ишлаб чиқиш ва экспертларнинг маслаҳатлашувига раҳбарлик қилишни юклайди.

34. Бир хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ суд экспертларига (суд экспертлари комиссиясига) экспертиза ўтказиш топширилганда комиссияга киритилган суд экспертларининг ҳар бири текширишни тўлиқ ҳажмда амалга оширади. Суд экспертлари комиссияси текширишда қатнашган суд экспертидан ҳар бири унга рози бўлган тақдирда умумий хулоса беради. Шунингдек, суд экспертлари комиссиясида иштирок этган суд экспертлари фикрининг бир қисмини акс эттирувчи ягона хулоса берилиши ҳам мумкин. Келишмовчилик бўлган тақдирда ҳар бир эксперт келишмовчиликка сабаб бўлган барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса тузади.

35. Суд экспертлари комиссияси раҳбари суд экспертизаси олдига қўйилган саволларни мазмунан ечишда алоҳида устунликка эга эмас.

36. Суд экспертизасини ўтказиш учун ҳар хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ суд экспертлари (комплекс экспертиза) тайинланганда ҳар бир суд эксперти текширишни амалга оширади ва ўз ваколати доирасида хулоса беради.

Комплекс экспертиза хулосасида ҳар бир суд эксперти қандай текширишлар ва қандай ҳажмда ўтказганлиги, шахсан у қандай фактларни аниқлаганлиги ҳамда қандай хулосаларга келганлиги кўрсатилади. Суд эксперти комплекс экспертиза хулосасининг ўз ваколатига тегишли бўлган қисмини имзолайди.

Олинган натижаларни баҳолаш ва якуний хулоса (хулосалар)ни шакллантиришни ваколатли бўлган экспертлар умумий хулоса (хулосалар) чиқаради. Агар суд экспертлари комиссиясининг якуний хулосаси ёки унинг бир қисми учун суд экспертларидан бири (алоҳида экспертлар) томонидан аниқланган фактлар асос ҳисобланса, у ҳолда бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак. Келишмовчилик ҳолатида суд экспертларининг ҳар бири келишмовчиликка сабаб бўлган масалалар бўйича алоҳида хулоса тузади.

37. Агар суд экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да ҳар хил турдаги экспертизалар предметига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хулоса ёки хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги далолатнома тузилади.

38. Суд эксперти хулосаси уч қисмдан: кириш, тадқиқот ва хулоса (яқунловчи) қисмлардан иборат бўлади.

Суд эксперти хулосасининг кириш қисмида суд экспертнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунтириш ва уни билиб туриб нотўғри хулоса берганлиги, иш материалларини ошкор қилганлиги, шунингдек узрли сабабларсиз хулоса беришни рад этганлиги ёки бундан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида тушунтирилганлиги ҳақидаги суд эксперти тилхати олинганлиги кўрсатилади.

39. Хулосанинг кириш қисмида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

суд экспертизасининг тури ва унинг рўйхат рақами;

суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)нинг номи;

суд эксперти (экспертлари) ҳақидаги маълумотлар. Бунда суд экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвони, ихтисоси (умумий ва экспертлик малакаси), иш тажрибаси ва бошқа маълумотлар кўрсатилади;

шифрлаш билан боғлиқ бўлган суд экспертиза турлари бўйича улар шифрлаш қоидаларига мувофиқ ўтказилганлиги кўрсатилади;

материалларнинг суд экспертизасига келган вақти ва хулосага имзо чекилган вақт;

суд экспертизасини ўтказиш учун процессуал асос (қарор ёки ажрим, у қачон ва ким томонидан чиқарилганлиги);

суд экспертизасига юборилган материалларнинг номи, жўнатиш усули, ўрамнинг тури, ҳолати ва текшириладиган объектларнинг реқвизитлари;

суд экспертизаси ҳал этиши учун қўйилган саволлар. Бунда саволлар суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да келтирилган шаклда қайд этилади. Саволларни мазмунан ўзгартиришга йўл қўйилмайди, суд эксперти фақат саволга тўғри грамматик шакл бериши ва суд эксперти ихтисослигига мослаштириши мумкин. Бир неча саволлар қўйилган тақдирда суд эксперти текширув ўтказиш

учун уларнинг энг мақбул тартибини таъминлайдиган изчилликда гуруҳларга бўлиб чиқиши мумкин. Суд эксперти ташаббуси билан ҳал қилинган саволлар суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да келтирилган саволлардан кейин баён қилинади;

хулоса бериш учун аҳамиятга эга бўлган ва суд эксперти томонидан асосий маълумот сифатида қабул қилинган иш ҳолатлари;

қўйилган саволларни ҳал қилишда суд эксперти амал қилган ҳужжатлар (қарорлар, буйруқлар, қўлланмалар, услубий кўрсатмалар), шунингдек текширув ўтказишда фойдаланилган бошқа манбалар;

суд экспертизасини ўтказиш жараёнида ҳозир бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, процессуал ҳолати);

суд экспертнинг қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги илтимосномаси (илтимоснома юборилган ва жавоб олинган вақт, илтимосномани кўриб чиқиш натижалари).

Қўшимча ёки такрорий суд экспертизаси бўйича хулосанинг кириш қисмида юқорида баён этилган маълумотлардан ташқари, дастлабки суд экспертизаси ҳақидаги маълумотлар, яъни хулосанинг рўйхат рақами ва санаси, суд экспертнинг (экспертларнинг) фамилияси, исми ва отасининг исми, экспертиза муассасасининг номи, дастлабки суд экспертизасининг хулосалари ҳамда қўшимча ва такрорий суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да келтирилган суд экспертизасини ўтказиш сабаблари баён этилади.

Текширув объектлари (ҳужжатлар, дактилокарталар ва шу кабилар), суд экспертизаси ўтказишга тааллуқли бўлган иш ҳужжатлари (кўздан кечириш ва тергов (суд) экспериментлари баённомалари, йўл-транспорт ҳодисаларининг чизмалари), шунингдек суд экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да ҳавола қилинган ва ўзида бошланғич маълумотларни сақлаган бошқа материаллар экспертиза муассасасининг “RSEM” штамп, солиштирма материаллар эса “NAMUNA” штамп билан белгиланади.

40. Суд эксперти хулосасининг тадқиқот қисмида суд эксперти олдига қўйилган ҳар бир савол бўйича текшириш жараёни ва унинг натижалари ёзилади, аниқланган фактлар бўйича илмий тушунтириш берилади.

Хулосанинг тадқиқот қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

суд экспертизаси текшируви объектларининг ҳолати;

фойдаланилган тадқиқот усуллари ва бу усуллар қўлланишининг техник шароитлари;

суд экспертизаси таҳлилининг шароитлари, мақсади ва натижалари ҳамда намуналар олиш;

хулосани асослаш учун аҳамиятга эга тергов (суд) ҳаракатлари (сўроқ, кўздан кечириш, эксперимент ва шу кабилар)нинг натижалари;

намойиш материалларига қилинган ҳаволалар, иловалар ва уларга берилган зарур изоҳлар;

олиб борилган текширув ва унинг алоҳида босқичлари натижаларига берилган суд эксперти баҳоси.

Қайта суд экспертизаси хулосасининг тадқиқот қисмида, агарда тадқиқот натижалари билан аввалги суд экспертизаси хулосасининг якунлари ўртасида тафовут мавжуд бўлса, бунинг сабаблари кўрсатилади.

Хулосанинг тадқиқот қисми махсус билими бўлмаган шахслар учун тушунарли тилда баён этилган бўлиши керак. Махсус атамалар изоҳлаб берилган бўлиши лозим.

41. Суд эксперти хулосалари унинг олдига қўйилган саволларга жавоб шаклида баён қилинади ва турли талқинларга йўл қўймайдиган аниқ, тушунарли тилда баён қилиниши лозим.

Агар хулосани тадқиқот қисмида баён қилинган текшириш натижаларининг мукамал тавсифисиз ва қўйилган масалага тўлиқ жавобсиз шаклантириш мумкин бўлмаса, хулосанинг тадқиқот қисмига ҳавола қилишга рухсат берилади.

42. Суд эксперти хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин.

43. Эксперт хулосаси икки нусхада тузилади, текширишни ўтказган суд эксперти (экспертлари) томонидан имзоланади, унинг (уларнинг) имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин хулосанинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчи нусхаси эса экспертиза муассасасида беш йил мобайнида сақланади.

44. Агар суд эксперти хулосасида эксперт текширишлари ва натижаларини тасвирловчи фотожадваллар, диаграммалар, чизмалар ва шу каби иловалар берилса, улар ҳам суд эксперти (экспертлари) томонидан имзоланади. Суд эксперти текширишларининг бориши, шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштириш материаллари суд эксперти хулосаси нусхаси билан бирга экспертиза муассасасида сақланади. Суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)нинг талабига кўра улар йиғмажилдга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

45. Суд экспертизаси тугатилгандан сўнг суд эксперти мазкур Йўриқноманинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ маълумотнома тузади ва бу маълумотнома суд эксперти хулосаси нусхаси билан сақланади.

Дастлабки суд экспертизаси хулосасини тасдиқламаган такрорий суд экспертизаси натижалари бўйича иловалар билан хулоса нусхаси тайёрланиб, дастлабки суд экспертизасини ўтказган экспертиза муассасасига юборилади.

Такрорий суд экспертизаси тугатилгандан сўнг мазкур Йўриқноманинг 2-иловасидаги шаклга мувофиқ такрорий суд экспертизаси бўйича назорат карточкаси тўлдирилади ва экспертиза муассасасида беш йил мобайнида сақланади.

Агар суд экспертизаси бошқа экспертиза муассасаси (муассасалари) билан биргаликда ўтказилган бўлса, суд экспертлари хулосаси ва унга иловаларнинг қўшимча нусхаси (нусхалари) тайёрланиб, ушбу муассасага (муассасаларга) юборилади.

46. Экспертиза муассасаси раҳбари хулосани кўриб чиқишда нотўғри хулосага олиб келиши мумкин бўлган тўлиқ бўлмаган текширишларни, текшириш ўтказиш услугиёти бузилишини ёки унинг нотўғри расмийлаштирилганлигини аниқлаган

тақдирда хулоса зарур ўзгартиришлар ва аниқликлар киритиш учун суд экспертига қайтарилади.

Агар суд эксперти ўз хулосасини тўғри деб қатъий туриб олса, экспертиза муассасаси раҳбари белгиланган тартибда хулоса бериш учун текшириш ўтказишни биринчи суд эксперти иштирокидаги суд экспертлари комиссиясига топшириш ҳуқуқига эга.

47. Суд экспертизасини судда ўтказишда унинг натижалари мазкур Йўриқноманинг 38-42-бандларида назарда тутилган қоидалар бўйича расмийлаштирилади.

Суд эксперти хулосаси эксперт томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

48. Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома уч қисмдан: кириш, асословчи ва яқунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Кириш қисмида ушбу Йўриқноманинг 39-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофиқ маълумотлар баён қилинади.

Асословчи қисмида хулоса бериш имкони йўқлиги сабаблари батафсил баён қилинади.

Яқунловчи қисмида суд эксперти олдига қўйилган ҳар бир савол бўйича хулоса бериш имкони йўқлиги кўрсатилади.

Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома икки нусхада тузилади, суд эксперти томонидан имзоланади, унинг имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин унинг бир нусхаси экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчиси эса экспертиза муассасасида беш йил мобайнида сақланади.

Агар хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома судда кўриб чиқиш босқичида тузилган бўлса, у суд эксперти томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

49. Агар бир масала бўйича эксперт хулоса берса, бошқаси бўйича хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома тузиш учун асос мавжуд бўлса, у ҳолда ягона ҳужжат - суд эксперти хулосаси тузилади.

50. Суд эксперти хулосаси, суд экспертизаси текшируви объектлари бўлган предметлар ва ҳужжатлар ҳамда бошқа материаллар суд экспертизасини тайинлаган шахсга ёки экспертизани тайинлаган органнинг ваколатли ходимига ёхуд экспертизани тайинлаган орган томонидан берилган ишончнома бўйича бошқа шахсга шахсан берилади ёки экспертизани тайинлаган орган (шахс)га почта орқали юборилади.

51. Эксперт хулосасининг, суд экспертизаси текшируви объектлари бўлган предметлар ва ҳужжатларнинг ҳамда экспертизага берилган бошқа материалларнинг факсимил ёки ёруф сезгир қоғозга кўчирилган ишончнома нусхаси орқали берилишига йўл қўйилмайди.

**Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2011 йил 25 июлдаги
227-сонли буйруғига
ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг
суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий экспертизаларини
ўтказиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 22-сон, 173-модда), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон), Фуқаролик процессуал кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги 5-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 7-модда) билан тасдиқланган Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида (бундан буён матнда суд-тиббий экспертиза муассасаси деб юритилади) суд-тиббий экспертизасини ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Суд-тиббий экспертиза муассасасида экспертизалар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг қарори асосида, фуқаролик ва жиноят ишлари (шу жумладан, терговдан олдинги текшириш материаллари), маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга доир суд ажрими бўйича ўтказилади.

2. Суд-тиббий экспертиза муассасасида экспертизанинг қуйидаги турлари ўтказилади:

зўраки ўлим, зўрлик ишлатилганига шубҳа бўлган ёки суд-тиббий текширув заруратини юзага келтирадиган бошқа ҳолатларда мурдалар экспертизаси;

тан жароҳатларининг характери ва оғирлик даражаси, ёш, жинсий ҳолат ва суд тиббиёти соҳасидаги махсус билимларни талаб этадиган бошқа масалаларни ҳал этиш учун тирик шахслар экспертизаси;

ашёвий далиллар ва биологик объектлар экспертизаси (тиббий-криминалистик экспертиза, суд-биологик экспертиза, суд-гистологик экспертиза, суд-кимё экспертизаси, суд-цитологик экспертиза, кимё-токсикологик экспертизаси, биокимёвий экспертиза, генетик экспертиза ва спектрографик экспертиза).

Суд-тиббий экспертиза муассасасида унинг ихтисослиги бўйича бошқа турдаги экспертизалар ҳам ўтказилиши мумкин.

3. Олий маълумотга эга бўлган, муайян суд-эксперт ихтисослиги бўйича кейинги тайёргарликдан ўтган ва Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 декабрдаги 300-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 50-сон, 475-модда) билан тасдиқланган Давлат суд эксперти сифатида аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ давлат суд эксперти (бундан буён матнда эксперт деб юритилади) сифатида аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси экспертиза муассасасида экспертизани ўтказди.

Суд-тиббий экспертиза муассасасида экспертиза бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс томонидан ҳам ўтказилиши мумкин. Бундай ходимлар ёки жисмоний шахсларни танлаш, улар таркибини тасдиқлаш ҳамда уларнинг фаолият тартибини белгилаш суд-тиббий экспертиза муассасаси томонидан амалга оширилади.

4. Суд-тиббий экспертизасини тайинлаган орган (шахс) билан келишмасдан бошқа шахсларни экспертизани ўтказиш учун жалб қилишга йўл қўйилмайди.

Суд-тиббий экспертизасини ўтказишда суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари ва экспертнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонун ҳужжатлари ва ушбу Йўриқнома билан белгиланади.

5. Эксперт қўйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси предметида оид иш материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш;

суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш;

тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг рухсати билан ҳозир бўлиш ва шу тергов ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга суд-тиббий экспертизаси предметида оид саволлар бериш;

суд муҳокамасида суд-тиббий экспертизаси предметида оид далилларни текширишда иштирок этиш ва сўроқ қилинаётган шахсларга суднинг рухсати билан саволлар бериш;

ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш;

ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки суд-тиббий экспертизаси предметида оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш;

унинг хулосаси ёки кўрсатувлари процесс иштирокчилари томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида тергов ҳаракати ёки суд мажлиси баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш;

агар у иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш;

агар унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишни юритаётган органнинг қарорлари, шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш.

Эксперт қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Эксперт:

эксперт сифатида ўзини ўзи рад этиши учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда суд-тиббий экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёки суд-тиббий экспертиза муассасасининг ёхуд бошқа ташкилотнинг раҳбарига дарҳол маълум қилиши;

ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ҳулоса бериши;

суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши;

ўзи ўтказган суд-тиббий экспертизаси хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган ҳулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши;

суд-тиббий экспертизасини ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги;

тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши;

иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

Эксперт зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

7. Эксперт:

суд-тиббий экспертизасини ўтказиш билан боғлиқ бўлган, ишнинг натижасидан ўзининг манфаатдор эмаслигини шубҳа остига қўядиган масалалар юзасидан процесс иштирокчилари билан шахсий алоқага киришишга;

суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун мустақил равишда материаллар тўплашга;

суд-тиббий экспертизаси натижаларини ушбу экспертизани тайинлаган органдан (шахсдан) ташқари бирон-бир шахсга хабар қилишга;

агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбаридан ташқари бевосита бошқа бирон-бир органдан (шахсдан) суд-тиббий экспертизасини ўтказиш тўғрисида топшириқлар қабул қилишга;

бошқа ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс сифатида суд-тиббий экспертизасини ўтказишга ҳақли эмас.

Эксперт ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир ва унинг фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди.

8. Суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари куйидаги ҳуқуқларга эга:

агар суд-тиббий экспертиза муассасасида текширишларни ўтказиш учун тегишли мутахассислар ёки зарур моддий-техник база ёхуд махсус шароитлар бўлмаса, суд-тиббий экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримни

ижро этмасдан ҳамда суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш учун тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларини уч кунлик муддатда қайтариш;

суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) экспертлар комиссияси таркибига мазкур ташкилотда ишламайдиган шахсларни, шу жумладан, бошқа давлатлардан мутахассисларни, агар суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш учун уларнинг махсус билимлари зарур бўлса, киритиш тўғрисида илтимос қилиш;

қўйилган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган текширишларни ўтказишни ўз кучлари ва воситалари билан таъминлаётган ташкилотларга суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг қўчирма нусхасини юбориш;

суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган органдан (шахсдан) мазкур ташкилотнинг текшириш объектлари текширилганидан сўнг уларни ташиш, бундан почта харажатлари мустасно; текшириш объектлари суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан олинмаган тақдирда, уларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида ушбу ташкилотда сақлаш; катта хавф туғдирадиган объектларнинг мазкур ташкилотга келиб тушиши натижасидаги зарарли оқибатларни, агар суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган орган (шахс) ушбу объектлар билан муомалада бўлишнинг унга маълум бўлган махсус қоидалари тўғрисида раҳбарга хабар бермаган бўлса ёки улар лозим даражада ўралмаган бўлса, бартараф этиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш.

Суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари:

суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим олинганидан сўнг суд-тиббиёт экспертизасини ўтказишни қўйилган саволларга жавоб бериш учун талаб қилинадиган қўламда махсус билимларга эга бўлган экспертга ёки экспертлар комиссиясига топшириши;

экспертга ёки экспертлар комиссиясининг ҳар бир аъзосига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши (суд-тиббий экспертиза муассасаларининг ходимларига бундай тушунтириш ишга қабул қилиш чоғида берилади);

экспертни била туриб нотўғри хулоса берганлиги, суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёхуд прокурорнинг руҳсатсиз ошкор қилганлиги, шунингдек хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши, ундан тегишли тилхат олиши ва мазкур тилхатни хулоса билан бирга экспертизани тайинлаган органга (шахсга) юбориши;

ўтказилаётган текширишларнинг тўлиқлиги ва сифати устидан назоратни, экспертнинг мустақиллиги принципини бузмаган ҳолда таъминлаши;

суд-тиббиёт экспертизаси ўтказиш муддатини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлаши ва унга риоя этилишини назорат қилиши;

экспертга текширишларни ўтказиш учун зарур бўлган шароитларни таъминлаши; текшириш тугаганидан сўнг хулосани, текшириш объектлари ва иш материалларини суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) юбориши шарт.

Суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

10. Суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари:

экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча текшириш объектларини суд-тиббий экспертизасини тайинлаган органнинг (шахснинг) қарори ёки ажримисиз талаб қилиб олишга;

суд-тиббий экспертизасини ўтказиш учун суд-тиббий экспертиза муассасасида ишламайдиган шахсларни мустақил равишда жалб этишга;

экспертга муайян суд-тиббий экспертизаси юзасидан текшириш жараёнини ва фикрлар мазмунини олдиндан белгилаб қўядиган кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

11. Суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш муддатлари ушбу экспертизаларнинг мураккаблиги ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўттиз кун доирасида белгиланади.

Суд-тиббий экспертизасини ўтказишни ўттиз кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда, суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари муддат ўтишидан уч кун олдин асосланган хулоса тузади ва бу тўғрида суд-тиббий экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га ёзма равишда хабар қилади ҳамда улар билан келишган ҳолда қўшимча муддатни белгилайди.

12. Суд-тиббий экспертизасини ўтказиш муддатлари материаллар суд-тиббий экспертиза муассасасига тушган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади ва улар ушбу муассаса раҳбари томонидан суд-тиббий экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га юборилган кунда тугайди.

Суд-тиббий экспертизасини ўтказиш муддатлари қуйидаги даврларга тўхтатиб турилади:

экспертнинг суд-тиббий экспертизасига тақдим этилган материаллардаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги илтимосномасини қондириш ёки илтимосномани қондиришнинг рад этилиши тўғрисида жавоб олиш;

суд-тиббий экспертизасини ўтказишни ўттиз кунгача бўлган муддатда бажариш мумкин бўлмаган тақдирда, уни ўтказиш муддатларини келишиб олиш;

экспертнинг бошқа суд-тиббий экспертизасини бажариши муносабати билан хизмат сафарида бўлиши, уни бажаришни бошқа экспертга топшириш мумкин бўлмаган тақдирда;

экспертнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, суд-тиббий экспертизасини бажаришни бошқа экспертга топшириш мумкин бўлмаган тақдирда.

Қонун ҳужжатлари ва ушбу Йўриқномада назарда тутилмаган асослар бўйича суд-тиббий экспертизаси ўтказиш муддатларини тўхтатиб туришга йўл қўйилмайди.

13. Суд-тиббий экспертиза муассасасида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш хизмат кўрсатиладиган минтақаларга мувофиқ ташкил этилади ва ушбу минтақалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи билан белгиланади.

Суд-тиббий экспертизасини тайинлаган ва суд-тиббий экспертиза муассасасининг хизмат кўрсатиш минтақасидан ташқарида жойлашган органлар

(шахслар) учун суд-тиббиёт экспертизаси, истисно тариқасида, ушбу муассаса томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши мумкин.

II. СУД-ТИББИЁТ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН ЮБОРИЛАДИГАН МАТЕРИАЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

14. Суд-тиббиёт экспертизаси фақат уни тайинлаган орган (шахс) томонидан, процессуал қонунга, ушбу Йўриқномага мувофиқ расмийлаштирилган материаллар тақдим этилган тақдирдагина ўтказилади.

15. Суд-тиббиёт экспертизасига суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим), текшириш объектлари ва иш материаллари, шунингдек текширишларни ўтказиш ва хулоса бериш учун экспертга зарур бўлган суд-тиббиёт экспертизаси предметиға тааллуқли маълумотларға эға бўлган ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Суд-тиббиёт экспертизаларини тайинлаш тўғрисидаги қарорлар (ажримлар)нинг факсимил ва ёруғ сезгир қоғозға кўчирилган нусхаларини тақдим этишға йўл қўйилмайди.

16. Экспертға тақдим этилган текшириш объектлари, таққословчи материаллар, маълумотларнинг ишончилиги учун суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган орган (шахс) жавоб беради.

17. Суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги битта қарор (ажрим) га кўп миқдордаги объектлар тушган тақдирда, суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари бир қатор алоҳида-алоҳида суд-тиббиёт экспертизалар ўтказилишини ташкил этиши мумкин.

18. Суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш суд-тиббий экспертиза муассасаси билан биргаликда бошқа суд-тиббий экспертиза муассасасига (муассасаларига) топширилган тақдирда, суд-тиббиёт экспертизаларини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да мазкур суд-тиббиёт экспертизасининг қандай мутахассисликларға эға бўлган экспертлар томонидан ўтказилиши кераклиги, экспертлар комиссияси фаолиятини ташкил этишнинг қайси суд-тиббий экспертиза муассасасига юкланаётганлиги ҳамда текшириладиган объектлар ва бошқа материаллар қайси суд-тиббий экспертиза муассасасига юборилганлиги кўрсатилади.

Суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ҳар бир суд-тиббий экспертиза муассасасига юборилади.

19. Қўшимча ёки қайта суд-тиббиёт экспертизаси тайинланган тақдирда, суд-тиббий экспертиза муассасасига хулоса ёки олдинги ўтказилган суд-тиббиёт экспертизаси хулосасини бериш мумкин эмаслиги тўғрисидаги далолатнома барча иловалар (фотожадваллар, экспериментал материаллар ва шу кабилар) билан бирга тақдим этилади.

Қўшимча ёки қайта суд-тиббиёт экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да уни тайинлашнинг сабаблари ва асослари албатта кўрсатилади.

20. Суд-тиббиёт экспертизасига юборилаётган, уни ўтказиш имконини бермайдиган материалларни расмийлаштириш қоидаларига риоя этилмаган

тақдирда, суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари бу тўғрида суд-тиббий экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га дарҳол хабар қилади.

Суд-тиббий экспертизасини тайинлаган орган (шахс) камчиликларни бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаса, суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари ўттиз кун ўтгач унга материалларни суд-тиббий экспертизасини ўтказмасдан қайтаради.

Расмийлаштиришнинг процессуал тартиби бузилган ҳолда қайта, шунингдек комиссия ёки комплекс суд-тиббий экспертизаси ўтказишга тушган материаллар суд-тиббий экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га уч кун муддатда қайтарилади.

21. Агар тайинланган суд-тиббий экспертизасини суд-тиббий экспертиза муассасасида ўтказиш назарда тутилмаган бўлса ёки суд-тиббий экспертиза муассасаси тегишли мутахассисларга ёки асбоб-ускуналарга эга бўлмаса, суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари суд-тиббий экспертизасига тақдим этилган материалларни уч кун муддатда, суд-тиббий экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)нинг бажарилмаганлиги сабабларини кўрсатган ҳолда суд-тиббий экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га қайтаради.

III. СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИНИ ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

22. Эксперт суд-тиббий экспертизасини ўтказишга суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбарининг ёзма топшириқномаси суд-тиббий экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим) ва суд-тиббий экспертизасига тушган барча материаллар билан бирга олинган вақтдан бошлаб киришади.

Суд-тиббий экспертизасига тақдим этилган материалларни расмийлаштириш тартибининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, эксперт бу тўғрида суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбарини хабардор қилади, раҳбар ушбу йўриқноманинг 20-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни кўради.

23. Тақдим этилган материаллар тўлиқ бўлмаган тақдирда, бу ҳақда эксперт суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари орқали суд-тиббий экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисида ёзма равишда маълум қилиш ҳуқуқига эга.

Қўшимча материаллар фақат суд-тиббий экспертизасини тайинлаган орган (шахс) томонидан тақдим этилади.

Қўшимча материаллар ўттиз кун мобайнида тушмаган тақдирда, эксперт текширишни мавжуд материаллар бўйича ўтказади.

24. Эксперт қуйидаги ҳолларда қўйилган масалалар юзасидан хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида асосланган далолатнома тузади:

агар қўйилган масала экспертнинг махсус билимлари (ваколатлари) доирасидан четга чиқса ёки уни ҳал этиш учун махсус билимлар талаб қилинмаса ёхуд масала ҳуқуқий тусга эга бўлса;

тақдим этилган текшириш объектлари ёхуд материаллар уларнинг тўлиқ ёки

сифатли эмаслиги туфайли хулоса бериш учун яроқсиз бўлса ва тўлдирилиши мумкин бўлмаса;

агар илм-фан ва экспертиза амалиётининг ҳолати қўйилган масалаларга жавоб бериш имконини бермаса;

текширишларни ўтказиш ва хулосалар бериш учун зарур шарт-шароитлар, услубий воситалар ва асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаса.

Хулоса беришнинг имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома ушбу Йўриқноманинг 40-бандига мувофиқ тузилади.

25. Эксперт ўзига тақдим этилган объектлар ва материалларни текширишни тегишли соҳадаги билимларга амал қилган ҳолда, процессуал қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда ҳолисона ва муфассал амалга оширади.

Объектлар (тирик одамдан ташқари) фақат текширишни ўтказиш ва хулоса бериш учун зарур бўлган даражада шикастланган ва сарфланган бўлиши мумкин. Бунда текшириш объектининг қисман шикастланиши ёки ишлатилишига суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган органнинг (шахсининг) ёзма рухсати олиниши зарур, тайинланган суд-тиббиёт экспертизасининг ўзига хос хусусиятлари объектнинг шикастланишини (бузилишини) ёки ишлатилишини тақозо этувчи ҳоллар бундан мустасно.

26. Ишда иштирок этадиган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда суд-тиббиёт экспертизаси ўтказишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сабабидан қатъий назар, уларнинг йўқлиги суд-тиббиёт экспертизаси ўтказишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.

27. Эксперт ўзининг махсус билимларига мувофиқ ўтказилган текширишлар асосида ўз номидан хулоса беради ва унинг учун жавоб беради.

28. Бир хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ экспертлар (экспертлар комиссияси)га суд-тиббиёт экспертизасидан ўтказиш топширилганда комиссияга киритилган экспертларнинг ҳар бири текширишни тўлиқ ҳажмда амалга оширади. Экспертлар комиссияси текширишда қатнашган экспертдан ҳар бири унга рози бўлган тақдирда умумий хулоса беради. Шунингдек, экспертлар комиссиясида иштирок этган экспертлар фикрининг бир қисмини акс эттирувчи ягона хулоса берилиши ҳам мумкин. Келишмовчилик бўлган тақдирда, ҳар бир эксперт келишмовчиликка сабаб бўлган барча ёки айрим масалалар бўйича алоҳида хулоса тузади.

29. Суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш учун ҳар хил мутахассисликка эга бўлган икки ва ундан ортиқ экспертлар (комплекс экспертиза) тайинланганда ҳар бир эксперт текширишни амалга оширади ва ўз ваколати доирасида хулоса беради. Комплекс экспертиза хулосасида ҳар бир эксперт қандай текширишлар ва қандай ҳажмда ўтказганлиги, шахсан у қандай фактларни аниқлаганлиги ҳамда қандай хулосаларга келганлиги кўрсатилади. Эксперт комплекс экспертиза хулосасининг ўз ваколатига тегишли бўлган қисмини имзолайди.

Олинган натижаларни ва аниқ хулоса (хулосалар)ни шакллантиришни баҳолашда ваколатли бўлган экспертлар умумий хулоса (хулосалар) чиқаради. Агар экспертлар комиссиясининг якуний хулосаси ёки унинг бир қисми учун экспертлардан бири

(алоҳида экспертлар) томонидан аниқланган фактлар асос ҳисобланса, у ҳолда бу ҳақда хулосада кўрсатилиши керак. Келишмовчилик ҳолатида экспертларнинг ҳар бири келишмовчиликка сабаб бўлган масалалар бўйича алоҳида хулоса тузади.

30. Агар суд-тиббиёт экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да турли хил суд-тиббиёт экспертизалари предметига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хулоса ёки хулоса бериш имконияти йўқлиги тўғрисида далолатнома тузилади.

31. Эксперт хулосаси уч қисмдан: кириш, тадқиқот ва хулоса (яқунловчи) қисмлардан иборат бўлади.

Эксперт хулосасининг кириш қисмида экспертнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунтириш ва уни билиб туриб нотўғри хулоса берганлиги, иш материалларини ошкор қилганлиги, шунингдек узрли сабабларсиз хулоса беришни рад этганлиги ёки бундан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида тушунтирилганлиги ҳақидаги эксперт тилхати олинганлиги кўрсатилади.

32. Хулосанинг кириш қисмида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

суд-тиббиёт экспертизасининг тури ва унинг рўйхат рақами;

суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган орган (шахс)нинг номи;

эксперт (экспертлар) ҳақидаги маълумотлар. Бунда экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвони, ихтисоси (умумий ва экспертлик малакаси), иш тажрибаси ва бошқа маълумотлар кўрсатилади;

материалларнинг суд-тиббиёт экспертизасига келган вақти ва хулосага имзо чекилган вақт;

суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш учун процессуал асос (қарор ёки ажрим, у қачон ва ким томонидан чиқарилганлиги);

суд-тиббиёт экспертизасига юборилган материалларнинг номи, жўнатиш усули, ўрамнинг тури, ҳолати ва текшириладиган объектларнинг реқвизитлари;

суд-тиббиёт экспертизаси ҳал этиши учун қўйилган саволлар. Бунда саволлар суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да келтирилган шаклда қайд этилади. Саволларни мазмунан ўзгартиришга йўл қўйилмайди, эксперт фақат саволга тўғри грамматик шакл бериши ва эксперт ихтисослигига мослаштириши мумкин. Бир неча саволлар қўйилган тақдирда, эксперт текширув ўтказиш учун уларнинг энг мақбул тартибини таъминлайдиган изчиликда гуруҳларга бўлиб чиқиши мумкин. Эксперт ташаббуси билан ҳал қилинган саволлар суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да келтирилган саволлардан кейин баён қилинади;

хулоса бериш учун аҳамиятга эга бўлган ва эксперт томонидан асосий маълумот сифатида қабул қилинган иш ҳолатлари;

қўйилган саволларни ҳал қилишда эксперт амал қилган ҳужжатлар (қарорлар, буйруқлар, қўлланмалар, услубий кўрсатмалар), шунингдек текширув ўтказишда фойдаланилган бошқа манбалар;

суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш жараёнида ҳозир бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар (уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, процессуал ҳолати);

экспертнинг қўшимча материаллар тақдим этиш тўғрисидаги илтимосномаси (илтимоснома юборилган ва жавоб олинган вақт, илтимосномани кўриб чиқиш натижалари).

Қўшимча ёки қайта суд-тиббий экспертизаси бўйича хулосанинг кириш қисмида юқорида баён этилган маълумотлардан ташқари, дастлабки суд-тиббий экспертизаси ҳақидаги маълумотлар, яъни хулосанинг рўйхат рақами ва санаси, экспертнинг (экспертларнинг) фамилияси, исми ва отасининг исми, суд-тиббий экспертиза муассасасининг номи, дастлабки суд-тиббий экспертизасининг хулосалари ҳамда қўшимча ва қайта суд-тиббий экспертизасини тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да келтирилган суд-тиббий экспертизасини ўтказиш сабаблари баён этилади.

33. Эксперт хулосасининг тадқиқот қисмида эксперт олдида қўйилган ҳар бир савол бўйича текшириш жараёни ва унинг натижалари ёзилади, аниқланган фактлар бўйича илмий тушунтириш берилади.

Хулосанинг тадқиқот қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

суд-тиббий экспертизаси текшируви объектларининг ҳолати;

фойдаланилган тадқиқот усуллари ва бу усуллар қўлланишининг техник шароитлари;

суд-тиббий экспертизаси таҳлилининг шароитлари, мақсади ва натижалари ҳамда намуналар олиш;

хулосани асослаш учун аҳамиятга эга тергов (суд) ҳаракатлари (сўроқ, кўздан кечириш, эксперимент ва шу кабилар)нинг натижалари;

намойиш материалларига қилинган ҳаволалар, иловалар ва уларга берилган зарур изоҳлар;

олиб борилган текширув ва унинг алоҳида босқичлари натижаларига берилган эксперт баҳоси.

Қайта суд-тиббий экспертизаси хулосасининг тадқиқот қисмида, агарда тадқиқот натижалари билан аввалги суд-тиббий экспертизаси хулосасининг яқунлари ўртасида тафовут мавжуд бўлса, бунинг сабаблари кўрсатилади.

Хулосанинг тадқиқот қисми махсус билими бўлмаган шахслар учун тушунарли тилда баён этилган бўлиши керак. Махсус атамалар изоҳлаб берилган бўлиши лозим.

34. Эксперт хулосалари унинг олдида қўйилган саволларга жавоб шаклида баён қилинади ва турли талқинларга йўл қўймайдиган аниқ, тушунарли тилда баён қилиниши лозим.

Агар хулосани тадқиқот қисмида баён қилинган текшириш натижаларининг мукамал тавсифисиз ва қўйилган масалага тўлиқ жавобсиз шакллантириш мумкин бўлмаса, хулосанинг тадқиқот қисмига ҳавола қилишга рухсат берилади.

35. Эксперт хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин.

36. Эксперт хулосаси икки нусхада тузилади, текширишни ўтказган эксперт (экспертлар) томонидан имзоланади, унинг (уларнинг) имзоси суд-тиббий экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин хулосанинг бир нусхаси суд-

тиббий экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчи нусхаси эса суд-тиббий экспертиза муассасасида беш йил мобайнида сақланади.

37. Агар эксперт хулосасида эксперт текширишлар ва унинг натижаларини тасвирловчи фотожадваллар, диаграммалар, чизмалар ва шу каби иловалар берилса, улар ҳам эксперт (экспертлар) томонидан имзоланади. Эксперт текширишларининг бориши, шароитлари ва натижаларини хужжатлаштириш материаллари эксперт хулосаси нусхаси билан бирга суд-тиббий экспертиза муассасасида сақланади. Суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган орган (шахс)нинг талабига кўра улар йиғмажилдга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

38. Суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари хулосани кўриб чиқишда нотўғри хулосага олиб келиши мумкин бўлган тўлиқ бўлмаган текширишларни, текшириш ўтказиш услубиёти бузилишини ёки унинг нотўғри расмийлаштирилганлигини аниқлаган тақдирда, хулоса зарур ўзгартиришлар ва аниқликлар киритиш учун экспертга қайтарилади.

Агар эксперт ўз хулосасини тўғри деб қатъий туриб олса, суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари текшириш ўтказишни белгиланган тартибда хулоса берадиган биринчи эксперт иштирокидаги экспертлар комиссиясига топшириш ҳуқуқига эга.

39. Суд-тиббиёт экспертизаси судда ўтказишда унинг натижалари мазкур Йўриқноманинг 31 - 35-бандларида назарда тутилган қоидалар бўйича расмийлаштирилади.

Эксперт хулосаси эксперт томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

40. Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома уч қисмдан: кириш, асословчи ва яқунловчи қисмлардан иборат бўлади.

Кириш қисмида ушбу Йўриқноманинг 32-бандида кўрсатилган рўйхатга мувофиқ маълумотлар баён қилинади.

Асословчи қисмида хулоса бериш имкони йўқлиги сабаблари батафсил баён қилинади.

Яқунловчи қисмида эксперт олдига қўйилган ҳар бир савол бўйича хулоса бериш имкони йўқлиги кўрсатилади.

Хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома икки нусхада тузилади, эксперт томонидан имзоланади, унинг имзоси экспертиза муассасаси муҳри билан тасдиқланади, шундан кейин унинг бир нусхаси суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбари томонидан суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га юборилади, иккинчиси эса суд-тиббий экспертиза муассасасида беш йил мобайнида сақланади.

Агар хулоса бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома судда кўриб чиқиш босқичида тузилган бўлса, у эксперт томонидан икки нусхада тузилади ва имзоланади, улардан бири судга, иккинчиси эса суд-тиббий экспертиза муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

41. Агар бир масала бўйича эксперт хулоса берса, бошқаси бўйича эса хулоса

бериш имкони йўқлиги тўғрисидаги далолатнома тузиш учун асос мавжуд бўлса, у ҳолда ягона ҳужжат - эксперт хулосаси тузилади.

42. Эксперт хулосаси, суд-тиббиёт экспертизаси текшируви объектлари бўлган предметлар ва ҳужжатлар ҳамда бошқа материаллар суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган шахсга ёки суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган органнинг ваколатли ходимига ёхуд суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган орган томонидан берилган ишончнома бўйича бошқа шахсга шахсан берилади ёки суд-тиббиёт экспертизасини тайинлаган орган (шахс)га почта орқали юборилади.

Эксперт хулосасининг, суд-тиббиёт экспертизаси текшируви объектлари бўлган предметлар ва ҳужжатлар ҳамда суд-тиббиёт экспертизасига берилган бошқа материалларнинг факсимил ёки ёруғ сезгир қоғозга кўчирилган ишончнома нусхаси орқали берилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
2017 йил 18 апрелдаги
ПҚ-2898-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Эксперт-криминалистика бош маркази тўғрисида
НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази (кейинги ўринларда - Марказ) ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини техник-криминалистик таъминлашни ташкил этадиган ва амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда - ИИВ) марказий аппаратининг бошқарма ҳуқуқидаги таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Марказ тизимига:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика бош маркази;

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари;

туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари эксперт-криминалистика бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) киради.

4. Марказ Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўзининг тўлиқ номи ёзилган муҳри ва бланкасига, штампига эга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан таъсис этиладиган Марказ фаолиятининг ўзига хос хусусиятини акс эттирадиган рамзига эга бўлиши мумкин.

2-БОБ. МАРКАЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

5. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини техник-криминалистик жиҳатдан таъминлаш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштириш;

ахборот-маълумотлар ва криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни ташкил этиш ва юритиш;

илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини, уларнинг амалий апробациясини ташкил этиш ва ўтказиш, эксперт тадқиқотларини ўтказишни таъминлаш.

6. Зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ Марказ куйидаги функцияларни амалга оширади:

а) тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини техник-криминалистик жиҳатдан таъминлаш соҳасида:

анъанавий криминалистик экспертиза ва тадқиқотлар (дактилоскопик, трасологик, хатшунослик, ҳужжатларнинг техник тадқиқоти, баллистик, совуқ қурол тадқиқотлари, портрет), махсус турдаги экспертиза ва тадқиқотлар (физик-кимёвий, портлаш техникаси, автотехник, озиқ-овқат, фоновидеоскопик, электротехник, бухгалтерлик, қурилиш-техник, компьютер технологиялари), шунингдек тегишли мутахассислар ва зарурий техник воситалар бўлганда бошқа турдаги экспертизалар ва тадқиқотларни ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш;

эксперт тадқиқотлари, шунингдек экспертларнинг тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларида иштирок этиши самарадорлигини ошириш мақсадида ички ишлар органларининг тергов ва тезкор бўлинмалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

тезкор-қидирув ва тергов амалиётининг муайян ашёвий далилларнинг эксперт тадқиқотлари бўйича эҳтиёжларини ўрганиш ва зарур бўлганда янги турдаги экспертизаларни ўтказишни ташкил этиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун комиссиян экспертизаларни ўтказишда иштирок этиш, такрорий ва ўта мураккаб экспертизаларни амалга ошириш;

эксперт тадқиқотларини ўтказиш ва тезкор-қидирув тадбирлари ҳамда тергов ҳаракатларини техник-криминалистик жиҳатдан таъминлаш масалалари борасида республика ва хорижий давлатларнинг бошқа экспертиза муассасалари билан ўрнатилган тартибда ҳамкорликни амалга ошириш;

б) ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини ташкилий-услубий жиҳатдан таъминлаш ва мувофиқлаштириш соҳасида:

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва унга услубий раҳбарлик қилиш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини режалаштиришни ташкил этиш ва амалга ошириш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини ўрганиш, инспекторлик текширувларини амалга ошириш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларига эксперт тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш;

ички ишлар органлари экспертларининг хулосаларини тақриздан ўтказиш, эксперт тадқиқотларини ўтказишда йўл қўйилган хатолар юзасидан шарҳларни тайёрлаш, экспертларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

эксперт тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари юзасидан услубий ва бошқа материалларни ишлаб чиқиш ва ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларига тарқатиш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолияти самарадорлигини таҳлил ва мониторинг қилиш, шунингдек эксперт тадқиқотлари ўтказиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

эксперт тадқиқотларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича ўқув семинарларни ташкил этиш, иштирок этиш ва ўтказиш;

эксперт амалиётига фан ва техниканинг замонавий ютуқларини, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш;

ички ишлар органлари экспертларини фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича, шунингдек ички ишлар органларининг бошқа манфаатдор бўлинмалари ходимларини ўқитишни ташкил этиш;

в) ахборот-маълумотлар ва криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни ташкил этиш ва юритиш соҳасида:

жиноий тажовуз объектлари ёки ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида олинган фотосуратлар, видео ёзувлар ва бошқа портрет маълумотларини ташувчи воситалардаги тасвирлар, фотороботлар, субъектив портретлар, бармоқ ва кафт излари бўйича ҳуқуқбузарларни идентификациялаш;

таниб олинмаган мурдаларнинг таниб олиш учун туширилган фотосурати, шунингдек таниб олинмаган мурдаларнинг, руҳий касалликка чалинган ва бошқа сабабларга кўра ўзи ҳақида аниқ маълумотлар бера олмайдиган тирик шахсларнинг дактокарталари бўйича шахсини аниқлаш;

ички ишлар органларининг тезкор ва тергов бўлинмалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг бошқа давлат органлари, илмий муассасалари ва ташкилотлари, ўқув юртлари билан ҳамкорлик асосида шахсни идентификациялаш тизимини такомиллаштиришни таъминлаш;

портловчи моддалар, саноат ва қўлда тайёрланган портлатиш қурилмалари, портлатгичлар (кўзгатиш воситалари), қўлда ясалган портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларини тайёрлашда қўлланиладиган материаллар, моддалар ва буюмларнинг ҳисобини, автоматлаштирилган дактилоскопик ҳисобини, шунингдек тезкор вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа турдаги ҳисобларни шакллантириш ва юритиш;

шахсни портрети бўйича идентификациялашнинг автоматлаштирилган картотекасини, автоматлаштирилган мультибиометрик маълумотлар картотекасини, қалбаки пуллар, шу жумладан чет эл валюталари картотекасини, қалбаки ҳужжатлар ва қимматли қоғозлар картотекасини, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехник буюмлар ва уларнинг таркибий компонентлари бўйича ахборот-маълумот картотекасини, Ўзбекистон Республикаси ва дунёда портловчи

материаллардан фойдаланган ҳолда содир этилган террорчилик ҳаракатлари картотекасини, портловчи қурилмаларни тайёрлаш услублари ва махсус маълумотлар картотекасини, шунингдек тезкор вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа турдаги картотекаларни юритиш;

қирқма ўқотар қурулнинг излари бўлган ўқ ва гильзалар коллекцияси (ўқ-гильзотека), қуруллар ва уларнинг ўқ-дорилари коллекциясини, шунингдек тезкор вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа турдаги коллекцияларни шакллантириш ва юритиш;

ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни юритиш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

эксперт-криминалистика бўлинмаларига криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни шакллантириш ҳамда юритиш масалалари бўйича амалий ёрдам кўрсатиш;

г) илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини, уларнинг амалий апробациясини ташкил этиш ва ўтказиш, эксперт тадқиқотларини ўтказишни таъминлаш соҳасида:

илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларида иштирок этиш ва бевосита бажариш;

эксперт тадқиқотларининг янги услубларини ишлаб чиқиш;

портлатиш қурилмаларини қўллаган ҳолда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уларни олдини олиш ва чек қўйиш борасида таклифлар тайёрлаш;

Марказ ваколатига оид масалалар бўйича илмий-амалий институтлар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

эксперт амалиёти таҳлили асосида тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини илмий-техник воситалар ва услублар билан техник-криминалистик жиҳатдан таъминлашни такомиллаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш;

хорижий давлатларда содир этилган террорчилик ҳаракатларида қўлланилган портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари ва портлатиш усуллари бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни тайёрлаш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-БОБ. МАРКАЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

7. Марказ зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ бўлинмаларидан, бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан бошқарув қарорларини қабул қилиш, ахборот-таҳлиллар ва ҳисобот маълумотларни тайёрлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар, маълумот ва бошқа материалларини сўраш ва олиш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларининг

ҳужжатлари ва материаллари билан танишиш, уларнинг ижроси юзасидан зарур бўлган маълумотларни олиш;

бошқарув қарорларини ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳайъатида ва тезкор йиғилишларда кўриб чиқилиши учун ахборот-таҳлиллар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлашда, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тегишли хизматларини ўрнатилган тартибда жалб этиш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан белгиланадиган тартибда ташкilotларга эксперт-криминалистика фаолияти соҳасида пуллик экспертиза, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматларини кўрсатиш;

ҳисобот даврларига мувофиқ эксперт-криминалистика бўлинмалари ишларининг якунларини умумлаштириш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида ички ишлар органларининг маълумотлар базасидан фойдаланиш;

ички ишлар органларининг бошқа хизмат йўналишлари бўйича ҳужжатларнинг Марказ ваколатига кирувчи масалаларга оид қисмини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Марказ фаолияти масалалари бўйича хизмат текширувлари материаллари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларида қонунийликка ва хизмат интизомига риоя этилиши аҳволини текшириш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимлари томонидан аниқланган қонунийликни ва хизмат интизомини бузиш ҳолатлари бўйича тегишли чоралар кўриш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмаларини моддий-техник таъминотини яхшилаш, ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Марказ қуйидаги мажбуриятларга эга:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарурий чораларни кўриши;

зарур бўлган ҳолатларда ҳодиса содир бўлган жойда эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг иштирокини таъминлаш;

ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари ишлари ҳақидаги зарур бўлган маълумотларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига тақдим этиш.

Марказ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Марказ зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

4-БОБ. МАРКАЗ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

10. Марказга Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ўрнатилган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ бошчилик қилади.

Марказ бошлиғи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ўрнатилган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган уч нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга.

11. Марказ бошлиғи:

Марказ фаолиятига бевосита раҳбарлик қилади ва Марказга юкланган вазифалар, функциялар ҳамда мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

ўзининг ўринбосарлари ўртасида функционал мажбуриятларини тақсимлайди, уларга юкланган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилади;

Марказнинг иш режаларини тасдиқлайди;

ўзининг ваколати доирасида ички ишлар органлари томонидан эксперт-криминалистика бўлинмаларининг барча шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар чиқаради ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига фармойишлар лойиҳасини киритади;

эксперт-криминалистика фаолиятини амалга оширишда ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бошқа лавозимга ўтказиш, касбий тайёргарлиги, хизмат интизомига риоя этилишини ташкиллаштиради, ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларини ўрнатилган тартибда малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга юборади;

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига ўрнатилган тартибда Марказ ходимларига махсус унвонлар бериш, уларни рағбатлантириш, шу жумладан тақдирлаш, уларга нисбатан интизомий жазолар қўллаш ҳақида таклифлар киритади;

Марказ ходимларини ўрнатилган тартибда хизмат сафарларига юборади;

ўз ваколатлари доирасида Марказ ходимларига таътил беради;

ўрнатилган тартибда Марказда сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди ва ташкил этади, шунингдек Марказда фуқаро муҳофазаси тадбирлари бажарилишини таъминлайди;

эксперт-криминалистика бўлинмаларида махфийлик тартиботига риоя этилишини ташкил этишга, шу жумладан маълумотларнинг техник хавфсизлиги бўйича тадбирлар ўтказилишига жавоб беради;

ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари фаолиятини бевосита ёки ўзининг ўринбосарлари орқали назорат қилади;

ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари раҳбарларининг ҳисобларини эшитади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмалари ходимларининг хатти-ҳаракатлари қонунийлигини, шунингдек ходимлар томонидан ҳар бир аниқланган қонунийлик

ва хизмат интизоми бузилиши ҳолатларини ўрнатилган тартибда текширилишини таъминлайди;

ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларининг штатлар сонини қайта тақсимлаш тўғрисида таклифлар киритади;

Марказ ваколатига қирадиган бошқа вазифаларни амалга оширади.

12. Марказ бошлиғи йўқлигида унинг ваколатлари биринчи ўринбосар томонидан амалга оширилади.

13. Марказ ходимлари Марказ бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, сафдорлар таркиби бундан мустасно.

14. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари бошлиқлари Марказ бошлиғи билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари ходимлари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг эксперт-криминалистика бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) бошлиқлари Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси эксперт-криминалистика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ички ишлар бошқармалари эксперт-криминалистика бўлимлари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг эксперт-криминалистика бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) ходимлари туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари бошлиқларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

5-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

16. Иш юритиш ва махфийлик тартиботи бўйича тадбирлар Марказ томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

17. Эксперт-криминалистика бўлинмаларини криминалистик техника ва бошқа моддий-техник воситалар ҳамда ускуналар билан жиҳозлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

4-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ
“ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШ, ЎТКАЗИШ
ВА ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИГА БАҲО
БЕРИШДА СУД АМАЛИЁТИДА
КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН АЙРИМ
МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА” 2008 ЙИЛ
12 ДЕКАБРДАГИ 24-СОНЛИ ҚАРОРИ



**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
“Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш
ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган
айрим масалалар ҳақида”ги 2008 йил 12 декабрдаги 24-сонли қарори**

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрдаги 18-сонли, 2014 йил 2 октябрдаги 16-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш, қўшимчалар ва тузатишлар билан)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми судлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича экспертизани тайинлаш, ўтказиш, шунингдек эксперт хулосасига баҳо бериш бўйича суд амалиётини муҳокама қилиб, фуқаролик процессида экспертизанинг тобора кенг тарқалаётганлигини таъкидлайди.

Судлар экспертиза тайинлашда процессуал қонун нормаларини асосан тўғри қўлламоқдалар.

Баъзан иш ҳолати бўйича албатта экспертиза ўтказилиши лозим бўлсада, ишларни экспертиза тайинламасдан ҳал этиш, аксинча, айрим ҳолларда махсус билим талаб этилмайдиган саволларни аниқлаш борасида экспертиза тайинлаш ёки экспертлар олдига уларнинг ваколат доирасига кирмайдиган ҳуқуқий ва бошқа масалаларни қўйиш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш, шунингдек эксперт хулосасини баҳолаш борасидаги суд амалиётини такомиллаштириш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори фуқаролик иши ҳолатларини ҳар тарафлама, объектив текшириш мақсадида суд муҳокамасида фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қилинадиган масалаларни аниқлаш учун экспертиза тайинлаш орқали ушбу соҳа ютуқларидан тўғри ва тўлиқ фойдаланиш зарурлигига қаратилсин.

2. Суд экспертизаси деганда, суднинг махсус билим талаб қилинадиган масалалар бўйича текширув олиб бориш ва хулоса беришдан иборат процессуал ҳаракати тушунилади.

Суд экспертлик фаолияти – бу экспертизани ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли бўлган органлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тизимидир.

3. Судлар экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масаласини ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ФПК, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги “Давлат суд экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорига, Адлия вазирининг 2011 йил 2 мартдаги 53-мх сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида

суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 25 июлдаги 227-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд-тиббий экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномаларга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 19 февралдаги 12-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли экспертиза муассасаларида суд экспертизаси ўтказишни ташкил этиш тўғрисида”ги Низомга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 1994 йил 21 июлдаги 336-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Такрорий, комиссиявий ва комплекс суд-тиббий экспертизаси бўйича иш юритиш қоидалари”га, 2006 йил 19 сентябрда тасдиқланган “Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза марказига Одам ДНКси суд-биологик экспертизасини тайинлаш, тадқиқот учун йўланадиган материалларни тайёрлаш ва расмийлаштириш тўғрисида”ги Йўриқномага, шунингдек бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилишлари лозим.

4. Судлар “ФПК 841-моддаси мазмунига кўра экспертиза қўйидаги давлат муассасалари тизими, шунингдек бошқа органлар томонидан ўтказилишини назарда тутишлари лозим:

- 1) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика суд экспертиза маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- 2) Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасидаги ваколатли органининг Суд-тиббий маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари;
- 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига экспертиза ўтказиш юкланиши мумкин бўлган (экспертиза ўтказишга ихтисослашмаган) бошқа муассасалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қарашли экспертиза муассасалари экспертизани Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Республика Илмий-текшириш криминалистика маркази томонидан белгиланган хизмат кўрсатиш ҳудудларига мувофиқ амалга оширадилар.

Иш материалларини хизмат кўрсатиш ҳудудига кирмайдиган экспертиза муассасасига юборилиши суд томонидан асосланган бўлиши лозим (такрорий экспертиза тайинланганда, тегишли ҳудуддаги экспертиза муассасасида керакли мутахассис ёки асбоб-ускуна йўқлиги ёки бошқа ҳолатларда).

5. Судларнинг эътибори ФПКнинг 841-моддасига мувофиқ экспертиза тадқиқотлари қонунда белгиланган тартибда эксперт этиб тайинланган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкинлигига қаратилсин.

Бунда суд эксперти сифатида олий маълумотга, истисно ҳолларда ўрта-махсус маълумотга эга бўлган, экспертизанинг тегишли соҳаси бўйича махсус тайёргарликдан ўтган ва суд эксперти малакасига эга бўлган давлат суд-экспертиза муассасасининг ходими (давлат суд эксперти); суд томонидан жалб этилган бошқа (суд-экспертлик ихтисосига эга бўлмаган) муассаса ходими ёки мутахассис иштирок этиши мумкин.

Суд томонидан экспертиза ўтказиш юклатилган бошқа (суд-эксперт ихтисосига эга бўлмаган) муассаса ходими экспертиза тайинлаган суднинг муассасага берган топшириғини бажариш тартибда экспертиза ўтказишга ҳақлидир.

6. Судларга тушунтирилсинки, процессуал қонун мазмунига кўра, судья нафақат ишни кўриш жараёнида, балки ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида ҳам ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб, иш ҳолатлари ва тақдим этилган далилларга мувофиқ, эксперт хулосаси зарур бўлган барча ҳолларда иш бўйича тегишли экспертиза (тиббий, психиатрия, товаршунослик, бухгалтерия ва бошқа) ўтказишни тайинлаш ҳуқуқига эга (ФПК 160-модданинг 7-банди). Экспертиза тайинлашда ФПКнинг 84-89-моддалари талаби эътиборга олиниши, хусусан, ишда иштирок этувчи шахсларга экспертлар олдида эксперт хулосаси бўйича жавоб берилиши лозим бўлган саволларни қўйиш ҳуқуқи тушунтирилиши керак.

Иш ҳолатлари бўйича шахснинг маълум ҳаракатни содир этиш вақтидаги руҳий ҳолатини аниқлаш лозим бўлган барча ҳолларда суд-психиатрия экспертизаси тайинланиши лозим, масалан, битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда битим тузилган вақтда шахс ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмаслиги ёки уларни бошқара олмаслиги (ФК 121-моддаси), шунингдек процессуал қонунда экспертиза тайинлаш назарда тутилган ҳолларда, хусусан, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги (ФПК 293-моддаси) ва соғлигининг сезиларли даражада яшиланганлиги ёки соғайганлиги сабабли уни муомалага лаёқатли деб топиш ҳақидаги ишлар бўйича (ФПК 296-моддаси).

7. Тушунтирилсинки, апелляция ёки кассация инстанцияси суди тарафларнинг илтимосномаси ёки ўзининг ташаббуси билан иш материалларида мавжуд бўлган ёки тарафлар томонидан қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар асосида экспертиза ўтказиш мумкин бўлган ҳолатларда, шунингдек, иш апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилаётганда эксперт текшируви ўтказиш зарурияти мавжудлиги аниқланиб, лекин уни ўтказиш янги ҳолат ва далилларни ўрганишни талаб қилган ҳолатларда ҳам экспертиза тайинлаш ҳуқуқига эга.

8. Судларга экспертиза тайинлаш ҳақида суд ажрими чиқаришни тартибга солувчи процессуал қонун (ФПК 84–88-моддалари) нормаларига аниқ риоя этиш зарурлиги тушунтирилсин.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги суд ажрими асосланган бўлиши, хусусан ажримда экспертиза тайинлаш учун асос бўлган ҳолатлар, тарафнинг айнан қайси важи ёки ишнинг айнан қайси ҳолати текширилиши ва ушбу ҳолатни текшириш учун қайси соҳадаги мутахассис фикри талаб қилиниши аниқ ва батафсил қайд этилмоғи лозим.

Материаллар экспертизага юборилаётганда суд томонидан эксперт ихтиёрига қуйидагилар тақдим қилиниши керак:

- тегишли экспертизани тайинлаш ҳақида ажрим;
- эксперт текшируви объекти бўлган предметлар ва ҳужжатлар, зарур ҳолларда эса таққослаш текширувини ўтказиш учун намуналар ҳамда ўзида экспертиза предмети тааллуқли маълумотларни мужассамлаштирган бошқа ҳужжатлар (кўздан кечириш, сўроқ қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатлар баённомалари, маълумотномалар, кўчирмалар, фотосуратлар ва бошқа).

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги суд ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ажрим чиқарилган вақт ва жой;
- 2) экспертиза тайинлаган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби;
- 3) ишда иштирок этувчи шахслар;
- 4) экспертиза тайинланган иш тўғрисида маълумотлар;
- 5) экспертиза тайинлаш асослари;
- 6) экспертиза ўтказиш юклатилган муассасанинг номи;
- 7) эксперт олдига қўйилган саволлар;
- 8) тақдим этилган объектлар ва материаллар, зарур ҳолларда эса эксперт текшируви объекти билан муомала қилишнинг алоҳида шартлари.

Экспертиза ўтказиш турли муассаса штатида бўлган икки ёки ундан ортиқ экспертларга топширилганда, ажримда текширув қайси ихтисосдаги экспертлар томонидан ўтказилиши кераклиги, экспертлар комиссияси фаолиятини ташкил қилиш қайси эксперт муассасасига юклатилганлиги, текширилиши лозим бўлган объектлар ва бошқа материаллар қайси экспертиза муассасасига юборилаётганлиги ҳам кўрсатилиши лозим. Суднинг ажрими ҳар бир экспертиза муассасасига йўланади.

Материалларнинг сақланилишини таъминлаш мақсадида, улар суд томонидан ўралиб, муҳрланган ҳолатда юборилади. Ўрамда унинг ичидаги предметнинг номи, у қачон, қаерда, кимдан ва қайси иш бўйича олинганлиги кўрсатилиб, судьянинг имзоси ва суд муҳри билан тасдиқланиши керак.

Экспертлар ихтиёрига нусха тарзида юборилаётган ҳужжатларнинг аслига мослиги ҳақида судья томонидан белги қўйилиши ва имзоланиши ҳамда суднинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Объектларни эксперт ихтиёрига юбориш мумкин бўлмаган ҳолларда (уй, катта ҳажмдаги предметлар ва бошқалар) судлар ФПКнинг 192-моддаси талабига мувофиқ, объектларни жойида кўздан кечириш ва текширишни ташкил этишлари керак.

9. Экспертиза олдига ҳал қилиш учун фақат жавоби низони тўғри ҳал қилиш учун далил бўла оладиган ва фан, санъат, техника ёки ҳунар соҳасида махсус билим талаб қиладиган саволлар қўйилиши мумкин.

Судлар эксперт олдига вазифа қўйишда экспертлар хизматига қайта мурожаат этмаслик учун жавоби муайян бир ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга эга бўлган, барча комплекс саволларни қамраб олишлари лозим.

Ҳал қилиниши суднинг ваколатига кирувчи ҳуқуқ тўғрисидаги саволлар эксперт олдига қўйилиши мумкин эмас.

10. Тегишли экспертиза тайинлашда, ишнинг мураккаблиги, ўзига хослиги ва лозим бўлган эксперт текшируви характеридан келиб чиқиб, судлар текширув объектларини расмийлаштириш ва экспертга тақдим этиш тартибига аниқ риоя этишлари лозим.

Хусусан, суд-хатшунослик экспертизаси бўйича экспертнинг ихтиёрига тегишли текширув объектларини юборишда бевосита суд томонидан экспериментал нусхалар олинишига йўл қўйилади. Мазкур экспериментал ёзув ва имзо нусхаларини талаб

қилиб олиш, шунингдек эксперт ўрганаётган объектни кўздан кечириш тарафлар албатта хабардор қилинган ҳолда уларнинг иштирокида ўтказилади ва баённома тузилади. Лекин тегишли тарзда хабардор қилинган тарафнинг ҳозир бўлмаганлиги мазкур процессуал ҳаракатнинг амалга оширилишига монелик қилмайди. Эксперт ихтиёрига юбориш учун олинган экспериментал нусхаларнинг ҳақиқийлиги учун ишни кўрувчи судья масъулдир.

11. Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ўтказиш учун материалларни юборишда судлар Олий суд Пленумининг 2001 йил

1 июндаги Олий суд Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги “Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 8-сонли қарорининг 14-15-бандларидаги тушунтиришларидан ҳам келиб чиқишлари лозим.

Бошқа вазифалар қаторида она ва ота тарафидан яқин ва узоқ қариндошликни аниқлаш масаласини ҳал этувчи молекуляр генетикани қўллашга асосланган одам ДНКси суд-биологик экспертизаси текширувлари усулларининг замонавий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, судлар марҳумнинг меросхўрлари ўртасидаги қариндошлик муносабатларини аниқлаш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда, ҳар бир аниқ ҳолат бўйича она ёки ота томонидан яқин ва узоқ қариндошликни белгилаш ҳақида иш бўйича экспертиза тайинлаш масаласини муҳокама қилиши лозим.

12. Судларнинг эътибори экспертиза тайинланаётган ҳамма ҳолатларда тегишли экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримда судлар ФПКнинг 113-моддаси талабларига мувофиқ экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаш масаласи ҳал этилиши лозимлигига қаратилсин. Агар экспертиза ўтказиш ҳақидаги илтимосномани ҳар иккала тараф киритса ёки суд ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаган ҳолларда экспертиза ўтказиш ҳақидаги ажримда харажатлар тарафлар ўртасида тенг тақсимланганлигини кўрсатилиши шарт. Қолган ҳолларда, экспертиза ўтказиш харажатлари суд ажримда экспертиза ўтказиш ҳақида илтимоснома киритган тараф зиммасига юклатилиши лозим.

13. Экспертизага юборилаётган материалларни расмийлаштириш қоидаларининг бузилиши экспертизани ўтказишга тўсқинлик қилган тақдирда, экспертиза муассасаси (унинг таркибий бўлинмаси) раҳбари экспертизани тайинлаган судга ёзма тарзда хабар бериб, камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур бўлган чораларни кўришни талаб қилишга ҳақли. Агар кўрсатилган камчиликлар бир ой ичида бартараф қилинмаса, муассаса раҳбари материалларни ижросиз қайтаради.

Экспертиза иш юритувига тақдим этилган материаллар тайинланган экспертизани ўтказиш мазкур муассасада кўзда тутилмаган, шунингдек муассаса тегишли мутахассислар ёхуд жиҳозларга эга бўлмаган тақдирда ҳам қайтарилиши мумкин.

14. Тақдим этилаётган материаллар тўлиқ бўлмаган тақдирда, эксперт экспертиза тайинлаган судга қўшимча материаллар тақдим қилиниши ҳақида экспертиза муассасаси раҳбари (унинг таркибий бўлинмасининг раҳбари) орқали ёзма равишда илтимоснома юборишга ҳақли.

Қўшимча материаллар бир ой ичида тақдим қилинмаган тақдирда, эксперт мавжуд материаллар асосида текширув ўтказади. Бирорта ҳам масалани ҳал қилиш

имкони бўлмаса, бу ҳақида эксперт далолатнома тузади.

Шу билан бирга ФПКнинг 87-моддаси 2-қисми мазмунидан келиб чиққан ҳолда, эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қилса, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган судга юборади.

15. Судларнинг эътибори, фуқаролик ишларини кўришда сансалорлик ва ишларни кўриш мuddати чўзилиб кетишининг олдини олиш мақсадида ўз вақтида экспертиза тайинлаш, уни ўтказиш мuddатларига қатъий риоя қилиш лозимлигига қаратилсин.

Суднинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримининг ўз вақтида бажарилишини аниқлашда, судлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд экспертиза муассасаларида суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномада белгиланган экспертиза ўтказиш мuddатларидан келиб чиқишлари лозим.

Хусусан, экспертиза ўтказиш мuddатларини экспертиза ўтказувчи муассаса (унинг тузилмавий бўлинмаси) раҳбари экспертларнинг бандлигини инобатга олган ҳолда қуйидагича белгилайди:

– 10 кун – объектлар сони кўп бўлмаган ёки мураккаб текширувларни талаб этмайдиган ишлар бўйича;

– 20 кун – объектлар сони кўп бўлган ёки мураккаб текширувларни талаб этадиган ишлар бўйича;

– 30 кун – объектлар сони кўп бўлган ишлар бўйича (масалан, қурилиш-техник экспертизалари, ДНК суд-биологик экспертизаси).

16. Судлар қўшимча, қайта, комплекс ва комиссиявий экспертиза тайинлаш асослари ва тартибини қатъий фарқлашлари лозим.

Суд томонидан қўшимча экспертиза экспертнинг дастлабки хулосасидаги бўшлиқларни тўлдириш мақсадида, хулоса тўлиқ бўлмаган ёки етарли даражада аниқ бўлмаган ҳолларда, хулоса юзасидан экспертни сўроқ қилиш орқали бартараф этиш имкони мавжуд бўлмаган ва мажбурий қўшимча текширувлар ўтказиш талаб этиладиган, шунингдек илгари текширув ўтказилган фуқаролик ишининг ҳолатлари бўйича янги саволлар туғилган тақдирда тайинланади.

17. ФПК 194-моддасининг 2-қисмига кўра, эксперт (экспертлар комиссияси) хулосаси асослантирилмаганда ёки унинг тўғрилигига шубҳа туғилганда ёхуд унга асос қилиб олинган далиллар ишончли эмас деб топилганда ёки экспертизани ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилганда қайта экспертиза тайинланади. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, бир неча экспертларнинг хулосалари бир-бирига зидлиги деганда экспертлар комиссиясининг хулосаларидаги тафовут (қарама-қаршилик, жиддий фарқ) тушунилади.

Қайта экспертиза муқаддам хулоса берилган объектларга нисбатан суд томонидан аввал қўйилган саволлар юзасидан тайинланади, бироқ уни ўтказиш

бошқа экспертга (ёки экспертлар комиссиясига) топширилиши лозим.

Қайта экспертизани ўтказиш эксперт хулосасига асос қилиб олинган далиллар ҳақиқий эмас деб тан олинган ёки экспертиза ўтказишнинг процессуал қоидалари жиддий бузилган тақдирда ҳам тайинлиниши мумкин.

Эксперт хулосаси ишнинг ҳақиқий ҳолатларига зид бўлса ёки ишни кўриш вақтида эксперт хулосасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган янги ҳолатлар аниқланса, суд томонидан қайта экспертиза тайинлиниши мумкин.

Суд эксперт хулосаларига қўшилмаса, қайта экспертиза тайинлаш мажбурий эмас. Ушбу масалани ҳал этаётганда экспертиза предмети бўлган ҳолатларга доир ишда бошқа далилларнинг мавжудлиги, шунингдек такрорий экспертиза ўтказишнинг амалий имкониятлари ҳисобга олиниши лозим.

Иш бўйича тарафларнинг эксперт хулосасига қўшилмаслиги, мутахассис фикри мавжудлиги ва бошқа важлар қайта экспертиза ўтказиш учун асос бўла олмайди.

Қайта экспертиза хулосасида экспертнинг олдинги экспертиза хулосасининг тўғрилиги ёки нотўғрилиги ҳақидаги хулосаси қайси маълумотларга асосланганлиги кўрсатилиши шарт.

18. Комплекс экспертиза у ёки бу ҳолатларни алоҳида экспертиза ўтказиш орқали аниқлаш мумкин бўлмаган, ёхуд у бир эксперт мутахассислигининг эксперти ёки экспертлар комиссиясининг ваколати доирасидан чиққанида суд томонидан тайинланади. Комплекс экспертиза ўтказилаётган вақтда ҳар бир эксперт текширувни ўз ваколати доирасида ўтказиши лозим. Хулосада ҳар бир эксперт қандай ҳажмда қанақа тадқиқотлар ўтказганлиги, у шахсан қандай фактларни аниқлаганлиги ва қандай хулосага келганлиги кўрсатилиши лозим. Ҳар бир эксперт хулосанинг ўзи текширув ўтказган қисмини имзолайди ва улар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Бунда экспертлар биргаликда хулоса тузиш ҳуқуқига ҳам эга.

19. Комиссиявий экспертиза таркиби суд ёки шу экспертиза турини ўтказишни ташкил этаётган суд-экспертлик муассасаси раҳбари томонидан белгиланадиган бир ихтисосдаги бир нечта (2 тадан кам бўлмаган) эксперт томонидан ўтказилиши мумкин. Экспертиза олдига қўйилган топшириқни ҳал қилиш заруратидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир комиссиявий эксперт текширувни мустақил ва алоҳида ҳолда олиб боради. Олинган натижалар биргаликда таҳлил қилиниб, умумий фикрга келинган, экспертлар биргаликда хулоса (ёки хулоса бериб бўлмастик тўғрисидаги далолатнома) тузадилар ва имзолайдилар. Экспертлар ўртасида келишимовчиликлар юзага келган тақдирда, комиссия таркибидаги ҳар бир эксперт келишилмаган масалалар бўйича алоҳида хулоса беради.

20. Судларга тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 88-моддасига кўра, эксперт хулосаси етарлича тушунарли бўлмаганда суд экспертни чақириш йўли билан хулосасини оғзаки тушунтириб беришни таклиф қилиш ҳуқуқига эга ва бу суд мажлиси баённомасига киритилиб, ўқиб берилади ҳамда эксперт томонидан имзоланади.

Судга фақат хулоса берган эксперт чақирилиши ва берган хулосаси доирасида сўроқ қилиниши мумкин. Агар судда туғилган қўшимча саволларга жавоб олиш

учун тадқиқотлар ўтказиш зарур бўлса, қўшимча экспертиза тайинлаш масаласи муҳокама қилиниши лозим.

Суднинг чақируви бўйича келиш ва ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан холис хулоса бериш экспертнинг мажбурияти эканлигидан келиб чиққан ҳолда эксперт зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаслик оқибатлари тўғрисидаги процессуал қонун талабларига оғишмай риоя қилиш, шунингдек била туриб ёлғон хулоса берганлик, суд узрсиз деб топган сабабга кўра хулоса беришдан бош тортганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддалари асосида жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантирилиши лозимлигига қаратилсин.

21. Эксперт хулосаси деганда, суд эксперти томонидан ёзма шаклда тақдим этилган, муайян фуқаролик ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган, суд ажрими асосида унинг олдига қўйилган саволлар бўйича, батафсил тадқиқот қилинган ва асослантирилган хулосаларни ифода этган, далил турининг бири тушунилади.

Қонунга мувофиқ, эксперт хулосаси кириш, текширув ва хулосадан иборат бўлишини судлар назарда тутмоқлари лозим.

22. Ўзбекистон Республикаси ФПК 67-моддасининг 4-бандига кўра ҳеч қандай далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, судлар эксперт хулосаси бошқа далиллар қаторида ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаган ҳолда ҳар тарафлама, тўлиқ ва холис кўриб чиқишга асосланган судьяларнинг ички ишончига кўра баҳоланиши лозимлигини назарда тутишлари лозим.

Судлар эксперт хулосаларини баҳолашда унинг малакасини, тарафларнинг манфаатларига риоя қилинганлигини, қўлланилган усулларнинг ишончли асослантирилганлигини, шунингдек экспертларга етарли материаллар ва тегишли текширув объектлари тақдим этилганлигини ҳисобга олишлари лозим.

Экспертнинг эҳтимол тутилган хулосаси суд қарорига асос қилиб олиниши мумкин эмас.

Суднинг эксперт хулосасига қўшилмаганлиги иш юзасидан чиқарилган ҳал қилив қарорида ёки ажримда батафсил асослантирилиши шарт.

23. Тарафлар узрсиз сабабларга кўра тадқиқот предметини экспертга топширишдан ёки экспертиза ўтказишда шахсан иштирок этишдан бош тортган ҳолатларда, судлар Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 26-бандидаги тушунтиришига асосланишлари лозим.

Олий суд раиси

Б.Мустафоев

**Пленум котиби,
Олий суд судьяси**

М.Ҳасанов

